КПСС XIX БУТУНИТТИФОҚ КОНФЕРЕНЦИЯСИ

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

Қишлоқ ҲАҚИҚАТИ

1988 йил 29 июнь
ЧОРШАНБА
№ 146—147
(4.342—4.343).

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг газетаси

1974 йил 1 январдан буён нашр этилади ◆ Душанбадан ташқари ҳар куни чиқади ◆ Баҳоси 5 тийин

МОСКВА. Кремлнинг Съездлар саройи. 1988 йил 28 июнь. Суратда: КПСС XIX Бутуниттифоқ конференциясининг очилиши.

ТАСС — ЎзТАГ телефотоси.

ЛЕНИНЧА АНЪАНАЛАР РУҲИДА

КПСС XIX Бутуниттифоқ конференцияси ўз ишини бошлади

28 июнь куни эрталаб соат 10 да Кремлнинг Съездлар саройида Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг XIX Бутуниттифоқ конференцияси очилди. Залда ҳозир бўлган кишилар КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзолари **М. С. Горбачев, В. И. Воротников, А. А. Громико, Л. Н. Зайков, Е. К. Лигачев, В. П. Никонов, Н. И. Рижков, Н. Н. Слюньков, М. С. Соломенцев, В. М. Чебриков, Э. А. Шеварднадзе, В. В. Шчербицкий, А. Н. Яковлевни** қарсаклар билан табриклаб кутиб оладилар.

М. С. Горбачев конференцияни оча туриб, бундай деди:

КПСС XIX Бутуниттифоқ конференциямизга беш минг делегат сайланган. Конференцияга 4 минг 991 делегат келди. Қолган делегатлар узрли сабабларга кўра қатнашишмаяпти. Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг топшириғига биноан Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг XIX Бутуниттифоқ конференцияси очиқ, деб эълон қилинади.

Биз Президиумни, Секретариатни, редакцион ва мандат комиссияларини сайлашимиз зарур. Кеча делегациялар вакилларининг кенгаши мажлис ўтказди. Ана шу органларнинг состави хусусидаги таклифлар ишлаб чиқилиб, сизларнинг кўриб чиқишингиз учун ҳавола этилди. Аввало конференциянинг Президиуми тўғрисида. Зўр масъулият юкланаётган конференциямизнинг характеридан келиб чиқиб, биз катта ишни бажаришимиз лозим. Конференцияда ишчанлик кўпроқ бўлиши керак.

Делегатлар конференциянинг 112 кишидан иборат Президиумини сайлайдилар.

Ўртоқлар, деб давом қилди М. С. Горбачев, бизнинг Президиум составига Эстония партия ташкилоти секретаридан ташқари барча республика партия ташкилотларининг секретарлари кирганлигига эътибор берган бўлсангиз керак, чунки ўртоқ Вяляс конференцияга делегатлар сайлаб бўлингандан кейин Эстония Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари этиб сайланганди. Биз кеча маслаҳатлашдик ва сизларнинг муҳокамангизга қуйидаги таклифни киритамиз: бизда барча партия ташкилотларининг вакиллари бўлиши учун ўртоқ Вялясга мандат бериш ҳуқуқи бор. Биз сизлар билан шундай ҳуқуққа эгамиз.

В. И. Вяляс бир овоздан конференция делегати ва Президиум аъзоси этиб сайланади.

Сўнгра Секретариат, редакцион ва мандат комиссияларини тузиш бошланади.

Раислик қилувчи **Е. К. Лигачев** делегациялар вакиллари кенгаши секретариатни 27 кишидан иборат қилиб сайлашни тавсия этганини маълум қилади.

Делегатлар бир овоздан конференция секретариатининг составини сайлайдилар.

Делегациялар вакиллари кенгашининг таклифига биноан 27 кишидан иборат редакцион комиссия бир овоздан сайланади.

Делегациялар вакиллари кенгаши, деб хабар қилади Е. К. Лигачев 43 кишидан иборат мандат комиссиясини сайлаш тўғрисида таклиф киритади. Мандат комиссияси ҳам бир овоздан сайланади.

Делегатлар қуйидаги кун тартибини тасдиқлайдилар:

Партия XXVII съезди қарорлари қандай бажарилаётганлиги, ўн иккинчи беш йиллик биринчи ярмининг асосий якунлари ҳамда партия ташкилотларининг қайта қуриш жараёнини чуқурлаштириш соҳасидаги вазифалари тўғрисида.

Партия ва жамият турмушини янада демократиялаш тадбирлари ҳақида.

Партия Марказий Комитети мажзур конференцияда кун тартибидаги биринчи масала юзасидан ҳам, иккинчи масала юзасидан ҳам битта доклад қилишни мақсадга мувофиқ деб ҳисобланганлиги маълум қилинади.

Конференция тартиби ва иш тартиби бир овоздан тасдиқланади.

КПСС Марказий Комитетининг XIX Бутуниттифоқ партия конференциясида доклад қилиш учун КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари **М. С. Горбачев**га сўз берилади.

М. С. Горбачевнинг «КПСС XXVII съезди қарорлари қандай бажарилаётгани ва қайта қуришни чуқурлаштириш вазифалари тўғрисида» қилган доклади эътибор бериб тингланди ва қарсаклар билан бир неча марта бўлиниб турди.

Конференцияда музокара бошланади. КПСС Марказий Комитетининг аъзоси, Кемерево область партия комитетининг биринчи секретари **В. В. Бакатин**га сўз берилади. Марказий Комитетнинг XIX Бутуниттифоқ партия конференциясига Тезислари муҳокамаси самарали бўлди, деди у. Коммунистлар ва партиясизлар, касблари, ёшлари ва тақдирлари турлича бўлган кишилар 75 мингтадан кўпроқ таклиф киритдилар.

Нотиқ Кузбасс меҳнат коллективларининг асосий кўпчилиги қайта қуришнинг боришига иш билан, фақат иш билан баҳо бериш зарур деб ҳисоблаётганликларини таъкидлади. Қайта қуриш — катта меҳнат ва катта масъулиятдир. Кузбасс меҳнатчилари М. С. Горбачев докладидаги корхоналарни бошқаришни демократиялашдан тармоқларни бошқаришни демократиялашга ўтишни жадаллаштириш зарурлиги тўғрисидаги хулосаларга тўла қўшиладилар. Хусусан, меҳнат коллективларига давлат буюртмаси билан тазйиқ ўтказишни мутлақо тўхтатиш керак. Бундай буюртма, сўзсиз план топширигидан кам бўлиши лозим. Биз бунга қанчалик тезроқ эришсак, «ялпи» маҳсулот ишлаб чиқариш учун эмас, балки истеъмолчи учун ишлашни шунчалик тезроқ ўрганиб оламиз.

Делегат сўнгра корхоналарни министрлик ва идораларнинг ўз фикрини зўрлаб ўтказишидан халос қилиш зарурлиги тўғрисида гапирди. Ҳозирча марказдан маъмурий-буйруқбозлик методлари билан раҳбарлик қилиш жуда секин ва ноизчил бартараф этилмоқда. Бундай аҳвол жумладан маблағларни тақсимлашга, корхоналарнинг маҳаллий Советлар билан алоқасига таъсир қилмоқда. Шу муносабат билан келгуси йилдан бошлаб маҳаллий бюджетларни социал жиҳатдан асослаб туришга ўтиш тўғрисида таклиф киритилди.

Нотиқ КПСС Марказий Комитетининг докладидаги область, шаҳар, район партия комитетларининг биринчи секретари тегишли маҳаллий Советнинг раиси бўлишдан олдин яширин овоз бериш йўли билан сайловдан ўтиши керак, деган қоидани қўллаб-қувватлади. Бу партия ва совет органлари фаолиятини, ҳар бир конкрет раҳбар фаолиятини икки ёқлама контрол қилиш учун таъсирчан имкониятдир, дейди делегат.

Сўнгра делегат Кузбассга ўхшаш регионларни ривожлантиришнинг устун жиҳатларини белгилаш учун илмий ишланмалардан янада самаралироқ фойдаланиш зарурлигига батафсил тўхталди.

Делегат совет жамиятида партиянинг раҳбарлик роли мустаҳкамлаш тўғрисида гапириб, конкрет таклиф киритди: унинг фикрича, жойларда партия бюджетини нормативга асосан белгилашга ўтиш зарур. Бошқача қилиб айтганда, комитетлар ўз штат рўйхатларини, ходимларнинг иш ҳақи ва ставкаларини конкрет маҳаллий шароитга боғлиқ ҳолда ўзлари белгилашлари лозим. Делегат бу фикрни саноат ходимлари, моддий ишлаб чиқариш бошқа соҳалари ва партия ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш билан қиёслаб мустаҳкамлади.

Нотиқнинг фикрича, конференциядан олдин бўлиб ўтган умумхалқ муносабатида муҳим ўрин тутган яна бир мавзу ана шундан келиб чиқади. Гап гўё партия ходимларининг қандайдир «афсонавий» имтиёзлари тўғрисида бормоқда. Нотиқнинг фикрича, баъзи бировлар бу мавзуни атайлаб бўрттирмоқдалар. Шу сабабли амалда партия ходими нималарга эга эканлигини матбуотда очиқ-ойдин сўзлаб бериш мақсадга мувофиқдир.

Партия оммадан ҳеч нарсани яширмайди, фақат омма орасида иш олиб боради. Биз, деди нотиқ, амалда социализм моҳиятини ленинча тушунишга тобора кўпроқ қайтиб, айни шу даражада партиянинг ролини ленинча тушунишга ҳам қайтишимиз лозим. Партия ўзгариб, ривожланиб, ўз ишини қайта қуриб, омманинг сиёсий раҳбари бўлиб қолиши керак.

Қилинган ишларга реал баҳо берар эканмиз, деди КПСС Марказий Комитетининг аъзоси, Херсон область Белозерский районидаги Киров номли колхоз раиси **Д. К. Моторний**, қонуний равишда қайта қуришнинг ўрнини эгаллайдиган бошқа тадбир йўқ, деган асосий хулосага келамиз. Қайта қуриш жамиятнинг барча қатламлари ва соҳаларини ўз ичига олиб, кучга тўлиб бормоқда, ҳар томонлама кенг авж олдирилди. КПССнинг қайта қуриш, мамлакат социал-иқтисодий тараққиётини жадаллаштириш йўлини халқимиз, қардош мамлакатлар якдиллик билан қўллаб-қувватладилар.

Ҳеч қачон ҳозиргидек, КПСС Марказий Комитети Тезисларини муҳокама қилиш давомида бўлганидек самимий, ялпи манфаатдорлик бўлмаган эди. Ҳозир «Сен қайта қуриш тарафдорисан, ёки йўқми?» — деган саволга бериладиган жавобга фақат амалий ишларга қараб ишониш мумкин. Шу жиҳатдан қараганда, колхоз раисининг маълум қилишича, ўзи бошчилик қилаётган хўжаликдаги ишлар озиқ-овқат проблемасини ҳал этишга реал ҳисса қўшаётганлигидан далолат бермоқда. Нотиқ суғоришни қурғоқчил даштда муваффақиятнинг ҳал қилувчи омили деб атади. Резервларчи? Резервлар бор. Улар ,аввало колхоз манфаатларини колхозчиларнинг шахсий манфаатлари билан оқилона бирлаштиришдадир.

Биз кам ҳақ тўланишига ва ёмон ишлашга ўрганиб қолганмиз, деб давом этди делегат. Унинг фикрича, бугунги кунда баъзи жойларда бошқача тенденция, яхши иш, лекин сарфланган меҳнатнинг миқдори ва сифатига нисбатан уч-тўрт баравар кўпроқ мислсиз юқори ҳақ тўлаш бошланмоқда. Униси ҳам, буниси ҳам ёмон. Биз объектив иқтисодий қонунлардан, айниқса меҳнатига қараб тақсимлаш қонунидан фойдалана олмаяпмиз. Бунда иқтисодчи олимларнинг айби жуда катта.

Нотиқ, унинг ибораси билан айтганда, аппарат ходимларидан масалан, улар зўрлик билан ўз қўлларига олган колхозларга буйруқ бериш ҳуқуқларини тортиб олиш керак. Буни фақат экономикани демократиялаш орқалигина амалга ошириш мумкин. Пулни ишлаб топган кишигина уни тасарруф эта олади, бу қонунга айланиши лозим.

Сўнгра делегат нарх белгилашнинг долзарб муаммоларига тўхталиб, бу масалаларни кўриб чиқиш чоғида ғоят вазминлик билан ёндашиш лозимлигини уқтирди. Бу ишда хатога йўл қўйиш мумкин эмас.

Халқ қайта қуриш натижаларига энг аввало озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашдаги, инсоннинг бошқа ҳаётий эҳтиёжларини қондиришдаги силжишлар нақадар сезиларли бўлишига қараб баҳо беради. Афсуски, вазият яхшиланиш сари жуда секин ўзгармоқда. Бунинг сабаблари кўп. Нотиқ, иқтисодий рағбатлантиришни, меҳнатни ташкил этишнинг янги формаларини назар-писанд қилмасликни, қишлоқни социал жиҳатдан қайта қуриш сира кечиктириб бўлмайдиган заруратга айланганлигини назарда тутмасликни асосий сабаблардан бири деб ҳисоблайди. Биз кучли социал сиёсатни қишлоқнинг замонавий социал инфраструктурасини яратиш билан мустаҳкамлашимиз керак. Чунки қишлоқ аҳолисининг шаҳарларга кетиб қолиши ҳамон давом этмоқда. Замонавий қишлоқнинг учта асосий масаласини ҳал этиш лозим: унга иссиқлик етказиб бериш, йўллар, водопровод ва канализация қуриш керак. Колхоз раисининг фикрича, бу муаммолар уй-жой билан таъминлашдан ҳам муҳимроқдир. Кадрларнинг қишлоқда муқим ишлаб қолиши масаласи бу муаммоларнинг ҳал этилишига кўп жиҳатдан боғлиқ.

Делегат яқинда Москвада бўлиб ўтган Колхозчилар съездини замонавий қишлоқ ҳаётидаги муҳим воқеа деб атади. Одамларнинг руҳи кўтарилди. Чинакамига хўжалик юритиш истиқболлари очилди. Бироқ нотиқ янги Намунавий устав тезроқ қонун тусига кириши ғоят муҳим иш бўлур эди, деб ҳисобламоқда. Чунки ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг текшириш ўтказадиган турли вакиллари Намунавий уставни ҳали ҳам ҳуқуққа оид ҳужжат, деб ҳисоблашмаётирлар.

(ТАСС).

КОНФЕРЕНЦИЯНИНГ РАҲБАР ОРГАНЛАРИ

Президиум

О. О. Абрамян
П. А. Абросов
Е. И. Августинович
Р. А. Аннушкина
С. Г. Арутюнян
Е. Н. Овулбеков
В. Г. Афанасьев
С. Ф. Ахромеев
В. В. Бакатин
О. Д. Бакланов
А. П. Бирюкова
Л. Ф. Бобикин
Г. П. Богомяков
О. М. Бойко
П. Д. Бородин
И. А. Васильев
А.-Р. Х. Везиров
Н. Н. Воробьев
В. И. Воротников
Н. И. Восколупова
В. И. Вяляс
Н. В. Геллерт
А. Н. Герасимов
М. С. Горбачев
А. А. Громико
С. К. Гроссу
З. С. Гулова
П. Н. Демичев
А. Ф. Добринин
В. И. Долгих
Е. И. Дроздецкий
А. С. Елисеев
П. Б. Жалимас
Л. Н. Зайков
Г. Р. Ибрагимов
Г. Д. Иванова
В. А. Ивашко
Г. А. Илизаров
В. П. Кабандзе
В. И. Калашников
И. В. Капитонов
В. В. Карпов
Г. В. Колбин
Б. И. Колесников
С. В. Колпаков
А. Т. Корзюк
А. М. Королев
В. Ф. Красненкова
А. В. Кужильний
Е. Қулибеков
К. Ю. Лавров
Е. К. Лигачев
А. Д. Лизичев
М. П. Литауниеце
А. И. Лукьянов
Н. И. Мальков
Ю. А. Манаенков
С. И. Манякин
Г. И. Марчук
А. М. Масалиев
К. И. Масик
Ю. Д. Маслюков
Қ. Маҳкамов
В. А. Медведев
Г. В. Меркулова
В. К. Месяц
Г. А. Метонидзе
В. И. Мироненко
В. С. Мураховский
В. П. Никонов
Р. Н. Нишонов
С. А. Ниёзов
А. Нургелдиев
В. П. Орлов
Ю. П. Осинин
С. А. Осминин
Д. И. Патиашвили
Б. Е. Патон
И. К. Полозков
Ф. В. Попов
В. И. Постников
Б. К. Пуго
З. П. Пухова
Г. Л. Рабдаев
Г. П. Разумовский
И. Х. Ромазан
Н. И. Рижков
В. А. Саар
С. Д. Сафронов
В. Л. Сидорейко
Н. Н. Слюньков
В. П. Смирнов
Е. Е. Соколов
Ю. Ф. Соловьев
М. С. Соломенцев
Р.-Б. И. Сонгайла
В. А. Стародубцев
Е. С. Строев
Н. В. Тализин
Н. И. Травкин
Г. И. Усмонов
В. Ф. Уткин
Р. Х. Хабибуллин
А. П. Хлебушкина
В. М. Чебриков
М. А. Чурсина
С. А. Шалаев
Э. А. Шеварднадзе
Е. А. Шуляк
В. В. Шчербицкий
Г. А. Ягодин
Д. Т. Язов
А. Н. Яковлев

Секретариат

В. П. Аниишев
Ю. П. Баталин
В. И. Болдин
Е. А. Браков
Г. А. Браусова
Е. П. Велихов
Б. Г. Владимиров
А. В. Власов
Б. М. Володин
И. Л. Воробьев
А. И. Галдеев
К. Н. Загребаева
М. В. Ковалев
Б. В. Коноплев
Я. Ю. Мартин
В. А. Масол
С. М. Нестеренко
К. Г. Петров
Ю. Н. Погорелов
Е. М. Примаков
Н. И. Светличний
В. И. Соломин
М. А. Ульянов
А. А. Хомяков
А. К. Черний
Р. М. Шевцова
О. С. Шенин

Редакцион комиссия

А. Н. Аксенов
Г. А. Арбатов
А. В. Васнецов
В. М. Вологжин
П. С. Гришченко
В. И. Зоркальцев
Н. С. Игрунов
А. Қалдарбекова
И. П. Калин
З. Камалиденов
А. П. Клаусен
В. Г. Куликов
В. А. Кущов
И. Д. Лаптев
С. А. Лосев
Г. М. Мхитарян
А. Ф. Нестерюк
А. Ф. Пономарев
Г. И. Ревенко
Ю. А. Скляров
Г. Ф. Сухорученкова
В. В. Терешкова
А. П. Харламов
Л. Ф. Шаколина
О. Б. Шаповалов
Л. В. Шарин
Б. Е. Шчербина

Мандат комиссияси

Б. М. Басанов
Ю. А. Беляков
Н. Б. Бижкенин
И. С. Болдирев
Г. А. Боровик
А. Г. Браун
Д. Н. Гагаров
Р. Ғуломов
Х. А. Дадов
К. В. Залецкас
Г. С. Кабасин
В. М. Кавун
А. С. Камай
В. М. Каменцев
С. А. Катик
М. А. Князюк
Л. А. Коваленко
И. Кожахметов
В. Г. Колесников
В. А. Коптюг
С. Кубашев
С. А. Кузнецова
Ю. И. Литвинцев
П. Г. Лушев
А. В. Мурашова
Б. В. Никольский
Н. П. Осиновский
В. Н. Плетнева
Е. З. Разумов
Г. П. Разумовский
И. С. Силаев
Ю. М. Соломин
В. С. Степанов
С. М. Сулейманов
Г. С. Таразевич
А. А. Титаренко
П. П. Тодоров
Г. И. Уланов
П. Е. Филиппова
Б. И. Фомин
П. Ҳабибуллаев
В. Х. Хачатрян
М. Ю. Юсупов

КПСС XIX БУТУНИТТИФОҚ КОНФЕРЕНЦИЯСИ

КПСС XXVII СЪЕЗДИ ҚАРОРЛАРИ ҚАНДАЙ БАЖАРИЛАЁТГАНИ ВА ҚАЙТА ҚУРИШНИ ЧУҚУРЛАШТИРИШ ВАЗИФАЛАРИ ТЎҒРИСИДА

КПСС Марказий Комитети Бош секретари М. С. ГОРБАЧЕВнинг XIX Бутуниттифоқ партия конференциясида 1988 йил 28 июнда қилган доклади

Делегат ўртоқлар!

Партия ташаббуси билан ва унинг раҳбарлигида мамлакатимизда авж олиб кетган революцион қайта қуришни қандай қилиб кучайтириш ва муқаррар қилиш керак, — биз, XIX Бутуниттифоқ партия конференциясининг делегатлари олдида турган туб масала мана шундан иборат.

Бу масалани ҳаётнинг ўзи ўртага қўйди. Бу масала партияда ва халқ орасида кенг муҳокама қилинмоқда. Партия совет жамияти тараққиётининг янги босқичида сиёсий авангард ролини бажаришга қодирми ёки йўқми эканлиги бизнинг шу масалага нақадар тўғри жавоб беришимизга боғлиқ бўлади.

Турмушимиздаги сўнгги уч йилни тўла ҳуқуқ билан бурилиш йиллари дейиш мумкин. Мамлакатнинг иқтисодий, социал ва маънавий соҳаларда кризис томон боришни тўхтатишга партиянинг, меҳнаткашларнинг куч-ғайратлари туфайли муваффақ бўлинди. Энди жамият ўз ўтмишини, ҳозирги кунини ва келажагини яхшироқ билиб, тушуниб турибди. Аниқ-равшан социал-иқтисодий программаларда батафсил белгилаб берилган қайта қуриш сиёсати миллион-миллион кишиларнинг амалий иши бўлиб қолмоқда. Мамлакатдаги сиёсий вазиятнинг моҳияти мана шундан иборат.

Жамиятнинг руҳи нақадар кўтарилганини кўриб турибмиз. Мамлакатнинг маънавий турмуши янада хилма-хил, мароқли ва сермазмун бўлиб қолди. К. Маркс билан В. И. Ленининг яқин вақтларгача ё бир томонлама идрок этилган ёки бутунлай тилга олинмай қўйилган кўпгина ғоялари янгича талқин этилмоқда. Илмий, инсонпарвар социализмнинг ижодий негизи догматизмга қарши курашда қайтадан бунёд этилмоқда.

Одамлар ўз масъулиятини ҳис этиб олдилар, лоқайдлик ва бегоналашувдан халос бўлмоқдалар. Янгиланиш шабадаси халқнинг маънавий соғломлигини чиниқтирмоқда. Демократиялаш фикрлар, ҳис-туйғулар, ташаббусларнинг қудратли оқимини жўш урдирди. Ҳақиқат ва ошкораликнинг қарор топиши ижтимоий муҳитни покламоқда, одамларни руҳлантирмоқда, онгга эрк бермоқда, актив фаолиятни рағбатлантирмоқда.

Ўртоқлар, бу ёрқин, жозибадор жараёндир, жамиятимиздаги жамики софдил, илғор кучлар шу жараёнга қўшилмоқдалар. Революцион янгиланиш кучлари жипслашмоқда. Одамлар қайта қуришга ишонч ҳосил қилдилар, улар муттасил олға ва фақат олға ҳаракат қилишни талаб этмоқдалар.

Ишчилар синфи юксак онглилик ва уюшқоқлик намуналарини кўрсатмоқда. Турмушимизга одатдан ташқари янги ва мураккаб жараён кириб келган бир пайтда у яна ўзининг ажойиб сиёсий ва ахлоқий фазилатларини намойиш қилмоқда, ишларга давлат манфаатларини кўзлаб чинакам гражданларча ёндашмоқда, қайта қуришни қўллаб-қувватлашини меҳнатда ифодаламоқда. Ишчилар синфининг бу позицияси партияга революцион ўзгартишларни дадил ўтказа-вериш имконини беради.

Деҳқонлар эўр манфаатдорлик билан фикр билдирдилар. Улар қайта қуриш соҳасида нақадар эўр куч-ғайратга эга эканликларини колхозчиларнинг съезди кўрсатди. Қишлоқ хўжалигидаги қайта қуриш жонкуярлари дадиллик билан янги иш усулларига ўтмоқдалар, илм-фан, самарали технология билан қуролланмоқдалар, янги иш манфаатлари йўлида тажриба қилиб кўриш, излаш, ҳатто таваккал иш тутишга, ўзлари учун ва Ватан манфаатлари йўлида тўла самарадорлик, масъулият ва омилкорлик билан ишлашга тайёр эканликларини намоён этмоқдалар.

Қайта қуриш Ленининг зиёлиларнинг социал сезгирлиги, ўткирлиги, уларнинг ижтимоий ўзгаришларга ҳозиржавоб эканликлари тўғрисидаги маълум фикрини тасдиқлади. Улар партиянинг жамиятнинг интеллектуал, маънавий куч-қудратини қайта қуришга тўла-тўкис хизмат қилдириш тўғрисидаги даъватига лаббай, деб жавоб бердилар. Зиёлилар XXVII съезд берган ҳақиқат сабоғини сидқидилдан қўллаб-қувватладилар. Партиянинг кейинги уч йил мобайнида қабул қилган қарорларини зиёлилар чуқур тушуниб маъқуллладилар.

Шундай қилиб, бутун ижтимоий муҳит ўзгарганлиги, янгиланиш ғоялари моддий тус ола бошлаганлиги, партиянинг қайта қуриш йўлини совет халқи тобора кучлироқ қўллаб-қувватлаётганлиги — апрелдан кейинги даврнинг асосий сиёсий якунидир.

Аммо бу гап ҳамма жойда яхшиланиш сари силжишлар жўшқин содир бўлмоқда, революцион ўзгартишлар муқаррар тус олди, деган маънони билдирадими?

Йўқ, бу маънони билдирмайди. Агар биз реаллик заминида туришни истасак, ҳозирча бундай бўлгани йўқ, деб тан олишимиз керак, ўртоқлар. Ҳали биз тўғаноқ солишнинг чуқур сабабларини бартараф этганимиз йўқ, янгиланиш омилларини ҳамма жойда ҳам ишга солганимиз, айрим соҳаларда эса бундай омилларни ишлаб чиққанимиз ҳам йўқ. Кўпгина партия ташкилотларининг иш қобилияти ҳали қайта қуриш вазифалари даражасида эмас. Тараққиётимизга янги сифат ўзгаришларини бахш этиш керак, бу эса таг-заминли қарорларни, фаол ва ташаббускор ҳаракатларни талаб этади.

Ҳозир олдимизда кўпгина мураккаб масалалар кўндаланг бўлиб турибди. Аммо бу масалаларнинг қайси бири энг муҳим? КПСС Марказий Комитетининг фикрича, сиёсий системамизни ислоҳ қилиш мана шундай энг муҳим масаладир.

Марказий Комитет конференцияга Тезисларда ўз платформасини баён этиб берди. Бу Тезисларда ҳамма саволларга тайёр жавоблар қайтариш вазифаси қўйилмаган эди. Муҳокама давомида янги ғоялар ва таклифлар вужудга келишини, конференция бу ғоя ва таклифларни эътиборга олиши мумкинлигини назарда тутган эдик. Шундагина конференциянинг қарорлари бутун партия билан халқ коллектив ижодкорлигининг ҳақиқий натижаси бўлади.

Шу тариқа конференциямизнинг сиёсий мўлжали — ленинча анъаналар руҳида ва орттирилган тажрибага таяниб, Марказий Комитетнинг апрель Пленумидан ва КПСС XXVII съездидан кейинги даврни ҳар томонлама ва таҳлидий идрок этишдан, ўзгартишларимиз стратегиясини бойитиш ҳамда тактикасини равшанлаштиришдан, қайта қуришни муттасил ривожлантиришни ва унинг муқаррарлигини таъминлайдиган йўлларни, иш шакллари ва усулларини белгилаб беришдан иборатдир.

I. Қайта қуришни ривожлантирайлик ва чуқурлаштирайлик

1. ЭРИШИЛГАН НАТИЖАЛАРНИ ЎЗ-ЎЗИНИ ТАНҚИД АСОСИДА БАҲОЛАЙЛИК

Ўртоқлар! Революцион янгиланиш жараёни турмушнинг ҳал қилувчи соҳаси—экономикага тобора чуқурроқ кириб бормоқда.

Биз халқ хўжалигини бошқариш системасини ўз мақсадлари ва миқёслари жиҳатидан чуқур, чинакам тубдан ислоҳ қилишга киришдик. Экономика бошланғич бўғинларининг ончагина қисми давлат корхонаси тўғрисидаги Қонунга мувофиқ, тўла хўжалик ҳисоби ва ўзини-ўзи пул билан таъминлаш принципларини ўзлаштирмоқда. СССРда кооперация тўғрисида яқинда қабул қилинган Қонун мамлакат экономикасида йирик кооператив секторни вужудга келтириш, халқ хўжалигининг барча соҳаларида кооперациянинг хилма-хил шаклларини кенг жорий этиш йўлини очади.

Ижтимоий мулкнинг афзалликларини инсоннинг шахсий манфаати билан, унинг ишга омилкорлик муносабати билан, гражданларча ўзини-ўзи қарор топтириши билан бирга қўшиш имконини берадиган пудрат ва ижара асосидаги меҳнат, ички ишлаб чиқариш муносабатлари қайта қурила бошлади. Якка тартибдаги меҳнат фаолиятини ривожлантиришга сезиларли омил бахш этилди.

Принципиал ҳаракатлардаги бир қанча йирик қарорлар қабул этилди, халқ хўжалиги ва социал соҳанинг асосий тармоқларидаги йўналишларни белгилаб берган бу қарорлар турмушга татбиқ этилмоқда.

Экономика иш суръатини тобора кучайтирмоқда. Ўтган йили миллий даромад ўсишининг ҳаммаси биринчи марта меҳнат унумдорлигини ошириш ҳисобига таъминланди. Меҳнаткашларнинг реал даромадлари яна ўса бошлади: шу беш йилликнинг икки йили мобайнида аҳоли жон бошига тўғри келадиган реал даромадлар 4,6 процент кўпайди.

Ўн биринчи беш йилликка нисбатан ув-жойларни фойдаланиш учун топшириш йилига 15 миллион квадрат метр ошга бошлади. Биз халқ маорифини ва соғлиқни сақлашни қайта қуришга жиддий киришдик. Туғилиш кўпайди ва ўлим қамайди, бу эса ичкиликбозликка ва алкоголизмга қарши кураш билан кўп жиҳатдан боғлиқдир.

Бу йил ҳам социал-иқтисодий вазиятни соғломлаштириш тенденцияси ривожланмоқда. Миллий даромад моддий ишлаб чиқариш соҳасида банд бўлган кишиларнинг мутлақ сони қисқаргани ҳолда, планда кўзда тутилганидан кўра тезроқ кўпаймоқда.

Халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш илдам суръатлар билан ўсмоқда, бу эса товар обороти ҳажми юзасидан белгиланган бош ойлик топшириқни бажариш имконини берди. Ўтган йилнинг шу даврига нисбатан озиқ-овқат маҳсулотлари ва ноозиқ-овқат моллар 5,9 процент кўп сотилди. Аҳолига маиший хизмат кўрсатиш ҳажми 13,5 процент кўпайди.

Ув-жой ва социал-маиший объектлар қурилиши жадаллашди. Квартиралар ва уйлар қуриш 6 процент, умумий таълим мактаблари қуриш 22 процент, мактабгача тарбия болалар муассасалари, клублар ва маданият уйлари қуриш салкам учдан бир ҳисса, касалхоналар қуриш икки баравар кўпайди.

Мана шуларнинг ҳаммаси—қайта қуришнинг яққол кўриниб турган самараларидир. Аммо биз, ўртоқлар, ўзимизга ўзимиз таниқидий назар билан қарашимиз, ҳамма ижобий жиҳатларга қарамай, экономикадаги ишларнинг аҳволи, айниқса пировард натижа—халқнинг турмуш даражасига қараб фикр юритилганда, секинлик билан ўзгараётганини яққол кўришимиз керак.

Бунинг сабаблари нимада?

Ўртоқлар, шуни рўй-рост айтиш керакки, биз ўтган йиллардаги бузилишлар ва турғунликнинг бутун чуқурлиги ҳамда оғирлигига етарли баҳо бермаган эканмиз. Кўп нарсани тузукроқ билмаган эдик ва экономиканинг ҳар хил соҳаларидаги ишларнинг ўз ҳолига ташлаб қўйилганлиги аввал бошда тасаввур этилганидан кўра жиддийроқ бўлиб чиққанини эндигина кўриб турибмиз.

Вазият нақадар жиддийлигини, жумладан, мамлакатнинг молиявий аҳволидан кўриш мумкин. Кўп йиллар мобайнида давлат бюджетининг харажатлари даромадлардан тезроқ ошиб борди. Бюджетнинг камомади бозорга тазйиқ қилади, сўмнинг барқарорлигига ва бутун пул муомаласига путур етказади, пулнинг қадрсизланиш жараёнларини келтириб чиқаради.

Шундай бўлса-да, ўтмиш хатолари ва аччиқ сабоқлари ҳақида гапирганда, биз ўзимизга, ҳозирги ишларга салафларга бўлгандан кўра ҳам қаттиққўлроқ ва принципиалроқ ёндашишимиз, кейинги уч йил мобайнидаги фаолиятимизнинг муваффақиятларингина эмас, улар билан бирга хатолари ва сабоқларини, қайта қуриш жараёнида йўл қўйилган хатолар ва нуқсонларни ҳам таҳлил этишимиз керак. Мана шу нуқтаи назардан ўз-ўзини танқид асосида айтиш керак: уч йил мобайнида биз қайта қуришнинг асосий йўналишларида, аввало экономикамизнинг самарадорлигини ошириш, унинг пировард натижаларини яхшилаш соҳаларида қилганимиздан кўра анча кўп иш қила олишимиз мумкин эди.

Чунки мамлакат ҳозир ҳам миллий даромад бирлиги ҳисобига ёқилғи, электр энергия, металлни анча кўп миқдорда сарфлаб келаётганлиги факт-ку, ахир. Ресурслар кўп ҳажмда ишлаб чиқарилишига қарамай, улар тақчиллигининг, бу эса хом ашё ва ёқилғи-энергетика базасини кучайтириш учун тобора янги маблағлар сарфлашга мажбур этаётганлигининг сабаби мана шундан келиб чиқади.

Мана шу ёмон гирдобдан чиқиб олиш учун биз фан-техника тараққиётини жадаллаштиришнинг, бутун халқ хўжалигимизни реконструкция қилишнинг ҳал қилувчи шарти бўлмиш мамлакат машинасозлигини тубдан модернизациялай бошладик. Буни мислсиз программа деса бўлади. Шу сабабли у беқиёс куч-ғайрат сарфлашни ҳам талаб қилади. Машинасозликнинг ўзидагина эмас, химия саноатида, металлургияда, бошқа тармоқларда ва албатта, илмий тадқиқотлар ҳамда ишланмалар соҳасида ҳам мана шундай куч-ғайрат сарфланиши лозим. Бу соҳадаги ишлар авж олдириб юборилган бўлса ҳам, бироқ бу ишлар ҳали ўртага қўйилган вазифаларнинг миқёсларига мос эмас, айниқса микроэлектроника, компьютер техникаси, янги материаллар ҳосил қилиш каби пешқадам йўналишларда секинлик билан олиб борилмоқда. Бунинг учун СССР Министрлар Советининг Машинасозлик бюроси ҳамда СССР Фан ва техника давлат комитети, тармоқнинг раҳбар кадрлари бевосита жавобгардирлар. Экономикадаги структура силжишлари ҳам умуман суст давом этмоқда. Бунинг маъноси эса шундан иборатки, экономикада ўтмишда тўпланиб қолган муаммоларнинг кўпи ҳали ҳам сақланиб турибди. Аммо шунинг ўзи ҳам экономикага раҳбарликка ҳозирги ёндашувларнинг ифодасидир.

Яна бир гап. Марказий Комитетнинг июнь Пленумида узоқ муддатли стратегик мақсадларга эришишни халқнинг энг зарур эҳтиёжларини имкони борича яхшироқ қондириш билан қўшиб олиб бориш лозимлиги ҳақида гапирилганлиги эсингизда бўлса керак. Структурани қайта қуриш, туб иқтисодий ислоҳот—таг-заминли жараёнлардир. Бу жараёнлар вақтни, кўп куч-ғайрат ва маблағни талаб қилади. Биз шу вазифаларни амалга ошириш билан айни бир вақтда халқ фаровонлигини юксалтиришнинг кечиктириб бўлмайдиган муаммоларини ҳам зудлик билан ҳал қилишимиз керак. Бу йўл партия XXVII съездининг тараққиётимизнинг социал йўналишини кучайтириш тўғрисидаги йўл-йўриқларидан тўла-тўкис келиб чиқади.

Хўш, бу вазифалар қандай ҳал этилмоқда?

Гапни озиқ-овқат муаммосидан бошлай қолай, чунки бу жамиятимиз турмушининг энг нозик жиҳати, энг ўткир муаммоси бўлиб турибди.

Бу соҳада муайян силжишлар бор. Аммо булар бизни қаноатлантира олмайди. Аслида, озиқ-овқатни кўпайтириш соҳасида биз эришган ютуқлар кўп жиҳатдан аҳолининг ўсиши билан боғлиқ бўлган эҳтиёжларни қоплашга кетди. Бунинг маъноси шуки, ўртоқлар, бизга озиқ-овқат ресурсларини кўпайтиришнинг бошқа, янада юқори суръатлари керак. Озиқ-овқат муаммосини ҳал этиш чўзилиб кетишига маънавий жиҳатдан ҳам, сиёсий жиҳатдан ҳам тоқат қилолмаймиз.

Бу соҳада олға силжишга нега шу қадар узоқ вақт муваффақ бўла олмаяпмиз, деган ҳаққоний савол туғилади. Кўп сабабларнинг илдизлари ўтмишга бориб тақалиши, шубҳасиз. Ўтмишда қишлоқни ривожлантириш негизлари жиддий равишда кўпорилган эди. Аммо бу нарса қишлоқ хўжалигида ҳозир йўл қўйилаётган камчиликларни асло оқламайди. Назаримда, ҳамма масалалар ҳал қилинди, деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш учун колхоз ва совхозларга, районларга, областларга, республикаларга жуда кенг ҳуқуқлар бериб қўйилди, аммо ҳозирча кўнгилдагидек натижа йўқ. Бунинг устига, кейинги вақтлардаги кўпгина қарорлар тушунмаслик балосига бориб тақалмоқда, уларни амалга оширишдаги сусткашликка, турлитуман бюрократик тўғаноқларга, баъзан эса янгичасига ишлашни мутлақо истамасликка ҳам бориб тақалмоқда.

Ҳатто табиий-иқтисодий шароитлари тенг бўлган кўпгина регионлар фаолиятининг натижаларидаги тафовутлар бу хулосанинг тўғрилигини тасдиқлаб турибди. Ишга зўр ғайрат билан киришилган, янги имкониятлардан чинакамига фойдаланилаётган жойларда аҳвол сезиларли равишда ўнглаб олинмоқда. Белоруссия, Литвани, Олтой ўлкасини, Белгород, Волгоград, Житомир, Липецк, Орёл, Хмельницкий, Целиноград областларини олиб кўринг. Бу жойларда чорвачилик маҳсулотлари етиштириш муттасил ўсмоқда, бу эса озиқ-овқат билан таъминлашни сезиларли равишда яхшилаш имконини берди.

Хўш, нега Белгород областида аҳолини озиқ-овқат билан таъминлашни яхшилашга муваффақ бўлдилар-у, қўшни Курск областида нега бундай қилмадилар? Нега Целиноград областининг қишлоқ меҳнатчилари савдога гўшт, сут, сабзавот етказиб беришни кўпайтирдилар-у, Шимолий Қозоғистон областида ва бошқа баъзи қўшни областларда нега бундай қила олмадилар?

Бундай мисоллар, таъбир жоиз бўлса, қалашиб ётибди, ўртоқлар. Бунинг устига, Вологда, Калининград, Кировоград, Курган, Ярославль областларида, Қалмоқ автоном республикасида эса ҳатто кўпгина қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш камайишига йўл қўйдилар. Ўзбекистон, Молдавия, Закавказье республикалари қишлоқ хўжалигида турғунлик ҳолатлари сақланиб қолмоқда. Демак, кўп нарса ишга ёндашувга, раҳбарликнинг омилкорлигига, хўжаликни янгича юритиш маҳоратига ошириниб ётибди.

Назаримда, озиқ-овқат етиштиришни яхшилаш йўлларини ҳамма жойда ва аввало, аҳвол ўзгармаётган ёки суст яхшиланаётган область ҳамда республикаларда давом эттириш керак. Бу ишни бутун халқ иштирокида—қишлоқ хўжалигининг аҳволини чуқур таҳлил этиш асосида қилмоқ керак.

Хўш, диққат-эътибор нималарга қаратилиши лозим? Меҳнатни ташкил этиш ва рағбатлантиришнинг ижара ҳамда бошқа самарали усулларини ҳамма жойда кенг жорий этиш—озиқ-овқат мўл-кўллигига эришишнинг энг қисқа ва ишончли йўли эканини тажриба кўрсатиб турибди. Бу—ҳозирги аграр сиёсатнинг энг муҳим бўғинидир.

Нисбатан қисқа муддатларда ҳосилдорликни ва чорва маҳсулдорлигини тез ошириш, меҳнат унумдорлигини анча кўтариш, нобудгарчиликни камайтириш ва яхши сифатли маҳсулотлар бериш мумкинлигини ижарачи ва пудратчи коллективлар ишининг якунлари исботлади. Мамлакат озиқ-овқат муаммосини қачон ҳал этади, деган асосий саволнинг жавобини мана шу тажрибадан топиш мумкин, ўртоқлар. Ҳамма нарса биз одамларни қандай қизиқтиришимизга, ижарачи ва пудратчи коллективлар ишини йўлга қўйишимизга, қишлоқ меҳнатчиларини бу жараёнга нақадар кенг жалб этишимизга, деҳқонни ернинг ҳақиқий хўжайинига айлантиришимизга боғлиқ.

Шу билан бирга биз қишлоқ хўжалигининг ва озиқ-овқат саноатининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш йўлини давом эттиришимиз кераклиги ўз-ўзидан равшан. Қишлоқ хўжалик маҳсулотини ташиш, асраш ва қайта ишлашни яхшилаш тадбирлари кечиктириб бўлмайдиган тадбирлар сирасига киради. Агар ҳосилни ўз вақтида йиғиштириб, ташиб олсак, нобуд қилмай қайта ишласак, маҳсулотни истеъмолчига ўз вақтида етказиб беришга муваффақ бўлсак, далалар ҳосилдорлиги ва фермалар маҳсулдорлиги ҳозирги даражасининг ўзидаёқ озиқ-овқат маҳсулотлари истеъмолини 20—30 процент кўпайтира оламиз.

Очиқ-равшан кўриниб турган шу резервдан фойдаланиш керак. Биз қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш, асраш ва ташишни яхшилашнинг конкрет программасини ишлаб чиқиш, шу мақсадлар учун XII беш йилликнинг қолган йилларида ва ўн учинчи беш йилликка 77 миллиард сўм ажратдик. Энди ишни моҳирона ташкил этиш, бу ресурслардан самарали фойдаланиш, шу тариқа аҳволни қисқа муддатда қатъиян тузатиб олиш лозим.

Кооперацияни кенг миқёсда ривожлантириш, хўжалик ҳисобини, ижара пудратини, меҳнатни ташкил этиш ва рағбатлантиришнинг бошқа илғор усулларини жорий этиш агросаноат комплексини бошқаришда туб ўзгартишларни объектив равишда талаб қилади. Районлар ва областларда ҳозирги тарздаги агросаноат органлари эскириб қолаётганлигини тажриба кўрсатди. Чамаси, турмуш тақозо этган йўлдан бормоқ керак, Тўла ғаллакорларидан намуна олган кўпгина районлар, областлар ва республикалар шу йўлга ўтдилар. Бунда мен қўшма хизматлар ва бошқарув органларини тузиш учун колхоз ва совхозларнинг ихтиёрий бирлашувини назарда тутаман. Қишлоқ меҳнатчилари ўзларига қайси бошқарув ва хизматни уюштириш усуллари кераклигини ўзлари яхшироқ биладилар.

Совет ва партия органларига келганда эса, уларнинг вазифаси қишлоқдаги қайта қуришда, бошқарув усулларини тубдан ўзгартиришда хўжаликларга ёрдам ва мадад беришдан иборат. Ишга халақит бераётган, янгилик йўлида ғов бўлиб турган ходимларни эса, колхозчиларнинг съездида айтилганидек, қатъият билан йўлдан суриб ташлаш керак.

Яна бир муҳим муаммога тўхталмоқчиман, биз қишлоқ хўжалигига қанча ресурс сарфламайлик, башарти, инсон ҳақида, унинг меҳнат ва турмуш шароитлари тўғрисида ғамхўрлик қилинмаса, бу ресурслар муносиб самара бермайди. Қишлоқни социал жиҳатдан ривожлантириш ҳақида алоҳида гапирмоқчиман. Бу соҳада жамият қишлоқ аҳолисидан анчагина қарздор бўлиб қолмоқда. Кўпгина районларда уй-жой, социал-маданий шароитлар, қишлоқдаги тиббий хизмат паст савияда қолмоқда. Бунинг устига, қишлоқ уйларининг ободончилиги қониқарли эмас, энергия таъминотида, рўзғор техникасидан фойдаланишда қийинчиликлар бор, йўлларнинг ҳолати ёмон.

Ҳозирги беш йилликда қишлоқдаги социал соҳани яхшилаш юзасидан ҳар қачонгидан ҳам катта чора-тадбирлар кўрилмоқда. Жумладан, мамлакатнинг Россия Ноқоратупроқ ўлкаси каби жуда муҳим регионида ўзгартишларнинг катта программаси амалга оширилмоқда. Қишлоқ меҳнатчилари яқин йиллардаёқ ҳамма жойда турмуш ва меҳнат шароитлари амалда ўзгарганини сезиб оладиган бўлишлари керак. Шу йўл келгусида ҳам изчиллик билан амалга оширилиши лозим. СССР Госплани ва Давлат агросаноат комитети ўн учинчи беш йиллик планини тайёрлашда мана шунга асосланишлари керак.

Хуллас, ўртоқлар, ҳозирги босқичдаги аграр сиёсатнинг моҳияти қишлоқнинг ўзидаги ишлаб чиқариш муносабатларини ўзгартиришдан иборат. Биз шаҳар билан қишлоқ ўртасидаги иқтисодий мувозанатни қайта тиклашимиз, колхоз ва совхозларнинг имкониятларини пудрат ва ижаранинг хилма-хил усулларини ривожлантириш орқали ҳар томонлама рўёбга чиқаришимиз, деҳқоннинг ердан бегоналашувини бартараф қилишимиз, уни тўла ҳокиматли хўжайинга айлантириб, ҳар қандай бюрократ ҳукмидан ҳимоя қилишимиз, қишлоқ меҳнатчиларининг турмуш шароитини тубдан ўзгартиришимиз лозим. Агросаноат ишлаб чиқаришининг самарадорлигини шу асосдагина кескин ошириш, мамлакатдаги озиқ-овқат таъминоти тубдан яхшиланишини йўлга қўйишимиз мумкин.

Ув-жой муаммоси ҳақида. Биз бениҳоя муҳим вазифани ҳал этишга—амалда 2000 йилгача ҳар бир оилани алоҳида квартира ёки якка тартибдаги уй билан таъминлаш вазифасини ҳал этишга киришдик. Бунинг учун 35 миллионтадан кўпроқ квартира ва уй қуриш кераклиги маълум. Гарчи уй-жой қурилишидаги вазият яхши томонга ўзгара бошлаган бўлса-да, бу муаммо ҳамон жуда кескин бўлиб турибди, одамлар йиллар давомида квартира берилишини кутмоқдалар.

Шу муносабат билан биз алоҳида муҳим қарорлар қабул этдик — ишлаб чиқариш қурилишларига капитал маблағ сарфини камайтириб, давлат ресурслари ҳисобидан, шунингдек хўжалик ҳисобига ўтган меҳнат коллективларининг маблағларидан янги уйлар ва квартиралар қуриш миқёсларини анча кенгайтирдик. Кооператив ва якка тартибдаги ув-жой қурилишини ривожлантириш соҳасида амалий тадбирлар кўрилди. Уларнинг моҳияти шундан иборатки, кооператив қарирага ёки ўз шахсий уйига эга бўлиш истагидаги кишиларнинг ҳоҳишини қондирмоқ керак. Шу мақсадда иморатларнинг ҳажми ва уларнинг қаватлари хусусидаги ҳамма тақиқлар ва чеклашлар олиб ташланди. Майли, одамлар ўз меҳнатлари билан топган маблағ эвазига ўзларининг бугунги ва келажакдаги эҳтиёжларини ҳисобга олиб, ўзларига керакли иморатни қураверсинлар. Гражданларга ўзлари яшаб турган квартираларни мерос қилиб қолдириш ҳуқуқи билан давлатдан сотиб олиш имкониятини бериш тўғрисидаги кўпдан-кўп таклифлар ҳам ўринли, деб ҳисоблайман.

Ув-жой қурилишини жадаллаштириш юзасидан қабул қилинган қарорларни совет кишилари маъқулладилар. Иш ҳамма жойда яхшилик сари ўзгара бошлади, аммо янги муаммолар ҳам келиб чиқмоқда. Қурилиш ташкилотларининг ва бинокорлик материаллари саноатининг базасини ривожлантириш даражаси ошиб бораётган эҳтиёжларга мувофиқ келмаяпти. Шу сабабли бу соҳада областлар, ўлкалар ва республикалардаги мавжуд имкониятларнинг ҳаммасидан фойдаланиб, кўп иш қилиш керак. Кўп нарса машинасозларга ҳам боғлиқ, улар қурувчиларга ҳамда бинокорлик материаллари индустрияси корхоналарига энг замонавий техника ва машина-ускуналарни етказиб беришлари лозим. Бу ишларнинг ҳаммасини пайсалга солмай, амалий равишда ҳал этиш керак.

Ниҳоят, халқ истеъмоли молларига бўлган талабни қондириш, савдо-сотиқни ва хизмат соҳасини ривожлантириш ҳақида. Бу соҳада бошланган ўзгаришлар — моллар ва хизматларнинг таклиф қилиниши аҳолининг харид қуввати ўсишидан орқада қолаётганлиги, бунга мазкур соҳанинг қолоқлиги ҳам, унга бўлган муносабат ҳам кўп жиҳатдан сабаб бўлаётганлигидан иборат энг муҳим муаммони ҳал этмайди.

Кўп нарса енгил саноатнинг ишига боғлиқ. Ҳозир биз бу тармоқни ривожлантиришга кўп йиллар мобайнида меносимай қараб келинганининг азобини тортяпмиз. Унинг корхоналарида эскирган машина-ускуналардан фойдаланилмоқда, оғир қўл меҳнати кўп. Мана шуларнинг ҳаммаси унумдорликка, маҳсулотнинг миқдори ва сифатига, кадрларнинг барқарорлигига таъсир қилмоқда. Ҳозир бу соҳадаги аҳволни ўнглаб олиш лозим бўлган чора-тадбирлар кўрилди. Катта маблағ ажратилди. Корхоналар ҳам мамлакатимизда ишлаб чиқарилган, ҳам чет эллардан сотиб олинган машина-ускуналардан фойдаланиб, модернизация қилинмоқда.

Аммо бошқа сабаблар ҳам бор. Халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш сусткашлик билан кўпайтирилиши кўп жиҳатдан иқтисодий механизмимизнинг яхши созланмаганлиги, рағбатлантирувчи омилларнинг заифлиги билан изоҳланади. Савдога узоқ муддат фойдаланиладиган молларни етказиб бериши лозим бўлган Иттифоқ министрликлари ва идораларининг кўпгина корхоналари буни иккинчи даражали вазифа, деб ҳисоблямоқда, ҳар қандай баҳоналарни важ қилиб, бу вазифани ҳал этишдан бўйин товлашга уринмоқдалар.

Биз қисқа муддатларда халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарадиган замонавий ва қудратли индустрияни вужудга келтиришимиз керак. Бу гап енгил саноатгагина тааллуқли бўлиб қолмай, шу билан бирга мудофаа заводларига, оғир индустрия корхоналарига ҳам тааллуқлидир. Истеъмол моллари ишлаб чиқариш ва етказиб беришга бу корхоналарнинг қўшадиган ҳиссаси қатъиян кўпайтирилиши лозим. Бунда гап фақат миқдор кўрсаткичлари ҳақида эмас, сифат кўрсаткичлари ҳақида ҳам бормоқда.

Моллар ва хизмат билан таъминлаш учун маҳаллий органлар зиммасига алоҳида масъулият тушади. Республикалар ва областларда савдони маҳаллий имкониятлар ҳисобидан моллар билан мўл-кўл таъминлаш ишида ҳақиқий ташаббус ва омилкорлик кўрсатиш намуналари оз эмас. Шундай бўлса-да, кўпгина регионларда тайёрга айёрлик кайфиятлари, ҳатто ўз жойида бемалол ишлаб чиқариш мумкин бўлган молларга ҳам фондлар ундириб олишга уринишлар жуда кучли. Кооператив ва якка тартибдаги меҳнат фаолиятини ривожлантириш учун кенг имкониятлар очилган ҳозирги пайтда бундай позицияни кечириб бўлмайди. Буни ўз вақтида тушуниб олиб, зарур шарт-шароитлар яратилган жойларда натижалар яққол кўриниб турибди, янги-янги моллар ва хизмат турлари пайдо бўлмоқда. Буни фақат табриклаш мумкин.

Қисқа қилиб айтганда, одамларнинг ҳаётий манфаатларига дахлдор бўлган бу ишга муносабатни марказда ҳам, жойларда ҳам тубдан ўзгартириш керак.

2. ТУБ ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТНИ ИЗЧИЛЛИК БИЛАН АМАЛГА ОШИРАЙЛИК

Ўртоқлар! Қайта қуришнинг боришини кўриб чиқа туриб, туб иқтисодий ислоҳот қандай амалга оширилаётгани ҳақидаги масалага алоҳида тўхталиб ўтмоқ керак.

Корхоналарнинг хўжалик ҳисобига, ўзини ўзи пул билан таъминлашга ва ўзини ўзи бошқаришга ўтиши коллективларнинг ўз янги ҳуқуқларини ҳам, енгил бўлмаган масъулият юкини ҳам чинакамига ҳис этишларига имкон беради. Гарчи ислоҳот дастлабки қадамларнигина қўяётган, хўжалик юритиш янги методлари эса эндигина ўзлаштирилаётганига қарамай, булар ҳозирдаёқ кўпгина ишлаб чиқариш муаммолари ва социал муаммоларни ҳал этишга, коллективлардаги бутун вазиятга ижобий таъсир ўтказа бошламоқда.

Янгича ишлаётган корхоналар бу йил маҳсулот ишлаб чиқариш юзасидан планнинг бажарилишинигина таъминлаб қолмай, шу билан бирга ўз иқтисодий кўрсаткичларини ҳам анча яхшилаб олдилар. Бу жуда диққатга сазовордир.

Аммо ҳозир ислоҳотнинг илк босқичи қийинчиликларидан сабоқ чиқариб олиш энг муҳим вазифадир. Практика шундай муаммоларни яққол кўрсатдики, улар янги иқтисодий механизмни шатакка олишга олиб келмоқда. Муайян даражада бу муаммолар шу механизмнинг ҳали ҳамма элементлари ҳам жорий этилмаганлиги, биз ислоҳотни, айтайлик, йўл-йўлакай, беш йиллик давомида, планнинг структуравий марралари белгилаб қўйилган шароитда, эскириб қолган нархлар, ресурсларни тақсимлашнинг аввалги марказлаштирилган методлари сақланиб қолган бир шароитда амалга ошира бошлаганлигимиз билан боғлиқдир.

Кўп нарсани мана шу билан изоҳлаш мумкин. Кўп нарсани, лекин ҳамма нарсани эмас. Мавжуд қийинчиликлар талай даражада хўжалик юритишнинг сийқа усуллари яшовчанлиги, экономикага раҳбарликнинг одатдаги буйруқбозлик-маъмурий методларини сақлаб қолиш муддаоси, бошқарув ходимларининг бир қисми янгиликка қаршилик қилаётганлиги сабабли юзага келган. Бир қанча ҳолларда эса биз ислоҳотнинг моҳиятини бузиб кўрсатиш, янгича бошқарув формаларини эскича мазмун билан тўлдириш йўлидаги бевосита уринишларга ҳам дуч келмоқдамиз. Министрликлар билан идоралар ҳамма жойда ва ҳар қадамда корхона тўғрисидаги Қонуннинг мазмуни ҳамда руҳидан чекинишларга йўл қўймоқдалар, мана шу сабабли, кўпгина хўжалик ходимларининг тан олишларича, бу Қонун тўлиқ рўёбга чиқарилмаяпти.

Корхоналарнинг шу йилги планларини ишлаб чиқиш тажрибаси айни мана шундан далолат бермоқда, бунда давлат буюртмалари ниқоби остида ишлаб чиқариш ҳажми юзасидан мажбурий топшириқларнинг аввалги системаси амалда сақлаб қолинди. Бу — Госплан ва СССР Министрлар Совети доимий органлари томонидан тегишли назоратнинг йўқлиги, ҳатто уларнинг йўл қўйиб берганликлари туфайли министрликларнинг ўзбошимчалиги натижасидан бошқа нарса эмас.

Давлат буюртмалари орқали корхоналарни истеъмолчиларга манзур бўлмаётган маҳсулот ишлаб чиқаришга мажбур қилишаётганлигига эса асло йўл қўйиб бўлмайди. Машъум «ялпи маҳсулот»ни таъминлаш учунгина у

М. С. ГОРБАЧЕВ ДОКЛАДИ

(Давоми. Боши 2-бетда).

Ҳазрати «ялпи маҳсулот»га садоқат билан хизмат қилаётган кимсалар бизда ҳали нақадар кўп!

Бу ҳол ислоҳотнинг моҳиятига тубдан зид бўлиб, экономикамизни боши берк кўчага олиб кирган ўша бошқариш методларини сақлаб қолиш билан баробар эканлигини исботлаб ўтиришнинг ҳожати бўлмаса керак.

Эндиликда аввалги тартибларга сира ҳам қайтилмаслиги ҳаммага равшан бўлиши керакдек эди. Шунга қарамай, ҳозир ҳам агар корхонага план билан «тазйиқ» ўтказилмаса, у гўё иқтисодий кўрсаткичларни яхшилашга интилмай қўяди, деган фикрларни эшитишга тўғри келмоқда. Бир қарашда бу фикр-мулоҳазаларда қандайдир маъно бордек туюлади. Аммо реал турмуш бошқа нарсадан далолат бериб турибди. Бир фактни келтириб ўтаман, холос.

Кўплар корхоналарнинг ҳуқуқларини кенгайтириш директив кўрсаткичлар доирасини торайтириш, план кўрсаткичларининг пасайишига ва беш йиллик топшириқларини қайта кўриб чиқиш заруратига олиб келади, деб ҳавотир олишган эди. Дарҳақиқат, тўла хўжалик ҳисобига ўтган саноат корхоналари шу йил учун қабул қилган фойда олиш планларидаги жами маблағ миқдори контрол рақамлардагига нисбатан 4,5 миллиард сўм кам бўлди. Эскича методларнинг баъзи ашаддий тарафдорлари: фақат иқтисодий воситалар ва омилларгагина умид боғлашга интилиш мана нимага олиб келади, деб ичи қоралик билан суюндилар.

Амалда эса иш қандай борди? Иш шундай бордики, мазкур корхоналар шу йилнинг беш ойи ичида фойда олиш планларини 2,5 миллиард сўмлик ошириб бажардилар. Тўла хўжалик ҳисобида ишлаётган меҳнат коллективларида фойда олишнинг ўсиши эскича ишлаётган корхоналардаги 10,2 процент ўрнига 12,8 процентни ташкил этди. Бунда шу нарса муҳимки, фойдани оширишга асосан таннархни арзонлаштириш, моддий сарф-харажатларни камайтириш ҳисобидан эришилди.

Бу натижа кейинги вақтда бизнинг экономикамиз учун, тўғрисини айтсам, жуда одатдан ташқари натижадир. Бу натижа эътибор билан ҳар томонлама ўрганишга арзийди. Шу ҳусусда нималарни айтиш мумкин? Афтидан, иқтисодий механизмда корхоналарнинг яна ҳам юқорироқ план-топшириқларини қабул қилишлари учун самарали омиллар ҳали вужудга келтирилмагандир. Бу ҳақда ҳам ўйлаб кўриш керак. Аммо, ўртоқлар, бизга охир оқибатда пировард натижа муҳим-ку, ахир. Модомики, хўжалик механизми ишлай бошлаб, реал натижаларни яхшилашни таъминлаётган экан, бу айни муддаонинг ўзи-ку. Ибратли сабоқ! Бу нарса, ниҳоят, план органларини планлаштиришга ёндашувларни қатъиян қайта кўриб чиқишга, асосий эътиборни «план билан тазйиқ ўтказиш»дан иқтисодий воситалар ва омилларга қаратишга ундаши лозим.

Ўртоқлар, иқтисодий ислоҳотнинг бориши КПСС Марказий Комитети билан ҳукуматнинг доимий эътиборига муҳтож эканлигини тажриба кўрсатиб турибди. Давлат буюртмаси ғоясининг бузилганлигини улар кечикиб пайқаганлигини эътироф этиш керак. Олинган сигналларга ўз вақтида ва тегишли тарзда баҳо берилмади. Энди бу хато тузатилмоқда. Яқин вақт ичида давлат буюртмаларини қўлланиш тартиби тўғрисида ҳукуматнинг махсус қарорлари қабул қилинади.

Ислоҳотнинг илк босқичида иқтисодий нормативларни тузиш масалалари ҳам меҳнат коллективлари билан бошқарув органларининг диққат марказида бўлди. Бунда ҳам министрликлар ва идораларнинг корхоналарга нисбатан буйруқбозлик одатларини сақлаб қолиш йўлидаги уринишлари намоён бўлди. Кўпгина министрликлар шундай нормативларни белгилашга ҳаракат қилдиларки, мазкур нормативлар ёрдамида аввалгидек маблағларни яхши ишлаётган корхоналардан кам самарали корхоналар фойдасига қайта тақсимлаш имкониятини сақлаб қолмоқчи бўлдилар.

Эҳтимол хўжалик ҳисоби ва ўз харажатини ўзи қоплаш йўлига ўтаётган меҳнат коллективларининг ишни энди бошлаётган пайтдаги имкониятлари турлича эканлигини эътиборга олганда ҳозир бундай қайта тақсимлашни муайян даражада изоҳлаш мумкиндир. Аммо нормативларнинг асосий вазифаси бошқа нарсада-ку, ахир, яъни даромадларнинг пировард натижалар билан бевосита боғлиқлигини шундай таъминлаш керакки, коллектив иш сифатининг ҳар қандай яхшиланиши унинг даромадлари оширилиши билан рағбатлантириладиган бўлсин. Биз тайёрга айёрликнинг ҳар қандай ошкора ёки яшириН формаларига, ёмон ишлаб баҳузур яшаш имкониятига тоқат қила олмаймиз. Текисчилик психологиямизга ва хўжалик практикамизга жуда мустаҳкам ўрнашиб қолган-да, ўртоқлар! Уни эшикдан ҳайдасанг, тешикдан кириб келяпти, деса бўлади.

Иш ҳақини ислоҳ қилиш давомида ҳам биз худди шундай муаммога дуч келмоқдамиз. Унинг дастлабки натижалари умидбахш кўринади. Янгича шароитга ўтган коллективларда меҳнат унумдорлиги ошди, унга ҳақ тўлаш кўпайди. Аммо бунда ҳам текисчилик таслим бўлаётгани йўқ. Яхши ходимларни муносиб равишда мукофотлаш ва дангасалар, бракчилар, ишёқмасларнинг маошини камайтириш ҳуқуқини олган бўлишларига қарамай, корхоналар ундан журъатсизлик билан, бирон кишини ранжитиб қўймасак эди, деган принципга амал қилган ҳолда фойдаланмоқдалар.

Меҳнат коллективларининг фаолиятида биз турғунлик давридан мерос қолган ёндашувларни ҳозирча бартараф этганимиз йўқ. Ана шундай ёндашувлар чоғида ижодий, юксак самарали, баъзида эса ноёб меҳнат намунасини кўрсатаётган ишчилар, техниклар, инженерларнинг иш ҳақи сунъий равишда чеклаб қўйилмоқда. Бу хусусдаги баъзи норматив актларга ҳам танқидий муносабатда бўлиш зарур. Меҳнат коллективларининг фаолиятидагина эмас, балки улардаги барча бўлинмаларнинг фаолиятида ҳам, ҳар бир иш жойида ҳам хўжалик ҳисоби принципларини изчиллик билан амалга ошириш—текисчилик тенденцияларини таг-томири билан тугатишнинг энг самарали йўли эканлигини наҳотки ҳали ҳам исботлаш лозим бўлса?

Оддий қилиб айтганда, ислоҳот деярли ҳар бир меҳнаткашнинг шахсий манфаатларига чуқур дахл қилмаса, унинг жонажон иши бўлиб қолмаса, бундай ислоҳот ишга тушмайди, биз умид боғлаётган натижаларни бермайди.

Кооператив ҳаракатни кенг авж олдириш — туб иқтисодий ислоҳотнинг бош йўналишларидан биридир. Колхозчиларнинг съездида ҳам, кооперация тўғрисидаги Қонунни тасдиқлаган Олий Совет сессиясида ҳам бу масалалар етарлича муфассал муҳокама қилинди. Шу тариқа биз кооперацияни бутун чоралар билан ривожлантириш учун зарур шарт-шароитларни асосан вужудга келтириб бўлдик. Марказий Комитет кооператив ҳаракатни юксалтириш жамиятнинг қўпгина ҳаётий муҳим муаммоларини ҳал этиш учун кенг имкониятлар очади, деган фикрга асосланмоқда.

В. И. Ленин кооперацияга қандай аҳамият ва роль берган бўлса, биз ҳам кооперацияни ривожлантиришга худди шундай аҳамият ва роль бахш этдик. Ҳозир асосий эътибор амалий ишлар соҳасига қаратилмоқда. Зотан, меҳнаткашларнинг кооперация асосида қайта қуриш ишига тобора кўпроқ ҳисса қўшиш муддаосини ҳарчанд қўллаб-қувватлаш Советларнинг, партия ташкилотларининг бевосита бурчидир.

Ўртоқлар! Бошқарув аппаратида консерватизм шу қадар яшовчан бўлмаганида иқтисодий ислоҳот анча яхшироқ амалга оширилиши мумкин эди. Буйруқбозлик ва маъмуриятчилик ўз позицияларига зўр бериб ёпишиб олмоқда. Биз ислоҳотни амалда рўёбга чиқариш давомида қолоқ кучларнинг қаршилигини реал равишда сезиб турибмиз, бундай қаршилик эса баъзида чалакам-чатти, муросасозликдан иборат, баъзан хато қарорлар қабул қилинишига олиб келмоқда.

Давлат ишлаб чиқариш бирлашмаларини тузиш ниқоби остида министрликларнинг аввалги бюрократик бош бошқармалари системасини қайта тиклашга уриниб кўрганлиги факт-ку, ўртоқлар. Шундай йўл билан мустақил корхоналарнинг ихтиёрий бирлашуви ғоясини идоравий ғовларни сақлаб қолган ҳолда ва бошқарув аппарати ҳаддан зиёд бўлган қаттиқ марказлаштирилган ташкилот билан алмаштирмоқчи бўлдилар.

Демократиялаш ва иқтисодий ислоҳот шарт-шароитларига мос бўлиб тушаётган янги бошқарув формаларини қабул қилмаётган ходимлар марказда ҳам, жойларда ҳам ҳали оз эмас.

Иттифоқ ҳамда республика министрликлари ва идораларининг бошқарув аппаратини, область ва ўлка бошқарув органларини қисқартириш чоғида ҳам шу нарса намоён бўлди. Хўш, бунга нима дейиш керак? Биз учун бу принципиал масаладир. Биз аппаратни қисқартириш ва арзонлаштириш, унинг иш самарадорлигини ошириш йўлини қатъиият билан ўтказишимиз керак. Айни вақтда ана шу тадбирлар натижасида бўшатиб олинаётган кишилар бошқа идораларда ўрнашиб қолмай, балки ишлаб чиқаришга, хизмат соҳасига, кооперативларга, савдога, коммунал хўжалигига, хуллас кадрлар етишмаслиги ҳақиқатан ҳам сезилиб турган жойларга боришлари тўғрисида ҳам ғамхўрлик қилиш лозим.

Кўриб турибмизки, ислоҳотнинг бошланиши билан боғлиқ жараёнларнинг ҳатто қисқача таҳлили ҳам бу нақадар осон иш эмаслигини, у қанчалик катта ва зўр эътибор берилишини талаб қилаётганлигини кўрсатиб турибди. Ҳа, қийинчиликлар бор, келгусида ҳам улар эҳтимолдан холи эмас, аммо ислоҳот хўжаликнинг тобора кенг соҳаларини қамраб олиб, ўзининг яшаш қобилиятини намойиш этмоқда.

Биз орттирилган тажрибани эътиборга олиб, 1989 йилдан бошлаб моддий ишлаб чиқариш соҳасидаги барча корхоналарнинг хўжалик юритишнинг янги шароитига ўтишини ниҳоясига етказишга пухта ҳозирлик кўришимиз керак. Бу жуда жиддий масала бўлиб, унда майда-чуйдалар йўқ, чунки ислоҳот яна миллион-миллион меҳнаткашларга дахл қилади.

Корхоналарни янги шароитда ишлашга кабинетларда туриб тайёрлаш — ўтмишдаги энг катта хато бўлиб, биз уни такрорлашимиз асло мумкин эмас. Меҳнаткашлар, меҳнат коллективларининг кенгашлари ислоҳотни амалга оширишдан четда қолган жойларда, ҳамма нарса ҳуфиёна, юқоридан туриб ҳал қилинган жойларда — айни мана шундай жойларда энг жиддий нуқсонлар ҳам пайқалди, қўпгина қутилмаган қийинчиликлар юзага келди. Бу эса одамларнинг социал қайфиятига, уларнинг ислоҳотга бўлган муносабатига таъсир қилди.

Шу йилнинг тажрибаси ишлаб чиқариш воситалари билан улгуржи савдога ўтишни жадаллаштириш зарурлигини англаб етишимизни ҳам мустаҳкамлади. Хўш, биз бугун нимани кўряпмиз! Хўжалик ҳисобига ва ўзини ўзи пул билан таъминлашга ўтганлар учун улгуржи савдо матлубгина эмас, балки ҳаётий зарурат ҳамдир. Келгуси йил бошидан моддий ишлаб чиқариш соҳасидаги корхоналарнинг ҳаммаси хўжалик ҳисоби асосида ишлайдиган бўлиши сабабли, афтидан, биз ишлаб чиқариш воситалари билан улгуржи савдога ўтиш муддатларига ҳам янгича ёндашишимиз, уни кўп йилларга чўзиб юбормай, балки шу беш йиллик доирасида ниҳоясига етказишимиз лозим бўлади. СССР Госплани ҳам, Госснаби ҳам бу хусусда конкрет таклифлар киритишади, деб ўйлайман.

Ҳозир кўп нарса нарх белгилашни ислоҳ қилишга бориб тақалмоқда, албатта. Мен улгуржи нархларни ҳам, харид нархларини ҳам, чакана нархларни ҳам, тарифларни ҳам қайта кўриб чиқишни назарда тутяпман. Бу муаммонинг ҳал қилинмаганлиги иқтисодий ислоҳотни амалга оширишни жуда қаттиқ мушкуллаштирмоқда. Нархларни ислоҳ қилмай туриб, биз ҳалқ хўжалигида нормал иқтисодий муносабатларни вужудга келтира олмаймиз, ишлаб чиқариш харажатлари ва натижаларига асосли баҳо беришни, товарлар ва хизматларни айрибошлашдаги мутаносибликни таъминлай олмаймиз, фан-техника тараққиётини ҳамда ресурслар тежалишини рағбатлантира олмаймиз, бозордаги вазиятни нормаллаштира олмаймиз ва меҳнатга қараб адолатли равишда тақсимлашни амалга ошира олмаймиз.

Масалан, ҳом ашё ва ёқилғининг нархлари пасайтирилган ҳолда хўжаликни қандай қилиб тежамли юритиш мумкин? Асло бундай қилиб бўлмайди. Ёки бошқа бир масалани олиб кўрайлик. Давлат товарларнинг бир группасидан юқори фойда олиб, айни вақтда бошқа бир товарлар группасига бюджетдан ўнлаб миллиард сўм дотация тўлашга мажбур бўлмоқда. Ваҳолонки, дотация бериладиган паст нархлар ҳам, асоссиз юқори нархлар ҳам ишлаб чиқаришни ўстиришни рағбатлантирмаслиги ҳамда фан-техника тараққиётига ниҳоятда салбий таъсир ўтказиши яхши маълум.

Шуни ҳам таъкидлаш зарурки, нарх белгилашни ислоҳ қилишнинг ўзи агар айни бир вақтда молиявий баланслилик, кредит-молия системасида, банклар фаолиятида, бюджетда ва ҳоказоларда тартиб ўрнатиш масалалари ҳал этилмас экан, иқтисодий вазиятни яхшиламайди. Шу боисдан нарх белгилашни ислоҳ қилишни ҳалқ хўжалигини молиявий жиҳатдан соғломлаштириш программасини амалга ошириш билан чамбарчас боғлаш керак. Бу эса ўз навбатида ҳар бир корхонанинг молиявий аҳволи, ҳар бир меҳнат коллективининг иши билан боғланган. Буни ҳам унутмаслик керак.

Нарх белгилашни ислоҳ қилиш чакана нархларга ҳам дахл қилмаслиги мумкин эмас, чунки улар бутун нарх-наво системаси билан чамбарчас боғлиқдир.

Ҳозир кўпгина озиқ-овқат маҳсулотларининг, аввало, гўшт ва сутнинг чакана нархлари уларни етиштиришга кетаётган реал харажатлардан ва харид нархларидан анча арзондир. Давлат бу тафовутни истеъмолчига дотация ҳолида қоплашга мажбур. Бундай аҳвол нормал эмас. Бу ҳол мана шу маҳсулотларни етиштириш омилларига путур етказади, уларга, айниқса нонга нисбатан беғамликни келтириб чиқаради.

Буларнинг ҳаммасини биз ҳаммамиз биламиз, ўртоқлар. Шу боисдан бу вазифа қанчалик қийин бўлмасин, бир қарашда у қанчалик шубҳа-гумон ва ҳавотирликни келтириб чиқармасин, уни ҳал этишимиз ниҳоятда зарурдир. Ҳозир чакана нархлар тўғрисидаги масала пухта ишлаб чиқилмоқда. Бу хусусдаги таклифлар халқнинг ҳар томонлама муҳокамасига қўйилади.

Бунда фақат битта ёндашув бўлиши мумкин, у ҳам бўлса — чакана нархларни ўзгартириш одамларнинг турмуш даражасини мутлақо пасайтирмаслиги керак. Масала мана бундай қўйилмоқда: ҳозир давлат дотациялар ҳолида тўлаётган маблағлар компенсация ҳолида батамом аҳолига берилади. Шундай қилиб, чакана нархларни қайта кўриб чиқишдан давлат бирон-бир бевосита молиявий наф кўрмайди ва аҳоли ҳам ҳеч нарса ютқизмайди. Бунда гап халқ хўжалигидаги вазиятни соғломлаштириш, иқтисодий воситалар ва омилларнинг ишлаши учун, маҳсулот ишлаб чиқаришни қўпайтириш ва унинг сифатини ошириш учун, бозорни озиқ-овқат маҳсулотлари билан тезроқ тўлдириш учун анча қулай шароитларни вужудга келтириш тўғрисида бораяпти.

Қайта қуриш доирасида ва туб иқтисодий ислоҳотни амалга оширишни эътиборга олиб, ташқи иқтисодий сиёсатни қайтадан идрок этиш борасида катта ишлар қилинди. Бунда ҳам халқаро меҳнат тақсимоти афзалликларидан яхшироқ фойдаланиш имконини берадиган принципиал янги ёндашувлар зарур бўлиб қолди. Эндиликда корхоналар ва бирлашмалар учун ташқи бозорга кенг миқёсда чиқиш, бевосита ташқи иқтисодий алоқаларни йўлга қўйиш, қўшма корхоналар барпо этиш имкониятлари очилди.

Биз илгари бўлганидек, социалистик мамлакатлар билан муносабатларни устун қўямиз. Икки томонлама ва кўп томонлама асосда, Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгаши доирасида биз дўстларимиз билан бирга фан-техника тараққиётининг, иқтисодий ҳамкорлик замонавий формаларини ривожлантиришнинг энг муҳим вазифаларини ҳал этишга киришмоқдамиз. Истиқболда сўмнинг эркин муомалада бўлишига ўтилишини, ягона социалистик бозор шаклланишини кўриб турибмиз.

Биз ўзаро манфаатдорлик асосида капиталистик ва ривожланаётган мамлакатлар билан ташқи иқтисодий алоқаларни кенгайтиришга ҳам ҳаракат қила берамиз. Бу соҳада ҳам турли хил халқаро кооперация ҳамда ихтисослашиш негизида илм-фан, техника ва ишлаб чиқариш соҳасида чуқур ҳамда комплекс равишда ҳамкорлик қилиш йўлидан борилмоқда.

Ўртоқлар! Иқтисодий ислоҳотнинг дастлабки якунларини чиқара туриб, биз ҳозирги беш йилликни қандай бажариш тўғрисидагина ўйлаб қолмаслигимиз керак. Келгуси ва биринчи навбатда ўн учинчи беш йиллик стратегиясини ишлаб чиқиш учун қайта қуриш дастлабки йилларининг сабоқларидан фойдаланиш принципиал муҳимдир.

Марказий Комитет билан ҳукуматда шундай якдил фикр қарор топмоқда: ўн учинчи беш йиллик ва мамлакатнинг кейинги тараққиёт концепциясида Марказий Комитет апрель Пленумининг, КПСС XXVII съездининг экономикамизни социал соҳага қаратиш йўли чуқур ва оғишмай ўтказилиши лозим.

Аввало, одамларнинг тўла қимматли озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талаб-эҳтиёжларини қондириш, бозорни халқ истеъмоли моллари ҳамда хизматлар билан керакли турларда ва юқори сифатли қилиб бойитиш, уй-жой қурилиши, соғлиқни сақлаш, халқ маорифи ва маданиятини яхшилаш программаларини амалга ошириш шулар жумласидандир. Табиий муҳитни муҳофаза қилиш, мамлакатда экологик вазиятни тубдан яхшилаш борасидаги ғайрат-шижоатларни қучайтириш биринчи навбатдаги вазифалардандир. Мана шундай ёндашилган тақдирдагина биз турғунлик давридан қолган қарзларни узиб, экономикамизни халқ манфаатлари йўлида соғлом ривожланиш изига ўтказа оламиз.

Иқтисодий ривожланишни социал соҳага йўналтириш, миллий даромадда истеъмол улушини кўпайтириш бутун структура ва инвестиция сиёсатининг ўзаги, экономика суръатлари ва мутаносибликларини шакллантириш негизи бўлиб қолиши керак. Ҳозир шу нарса равшанки, хизмат соҳасидан бошлаб оғир индустрия ва мудофаа саноатигача умуман халқ хўжалигини қамраб оладиган чуқур ўзгартишларни амалга ошириш лозим.

КПСС Марказий Комитети конференция шундай йўлни қўллаб-қувватлаб фикр билдиришига умид боғлайди.

Шу муносабат билан яна бир масалани ҳам муҳокама қилиш керак. Гап иқтисодий тараққиёт мезонлари ва кўрсаткичлари тўғрисида бораяпти. Маҳсулотни ўстириш суръатларининг ўзигина эмас, балки уларнинг реал равишда кўпайиши, халқнинг талаб эҳтиёжлари ҳақиқатда қондирилиши муҳимлиги ҳақида биринчи марта гапираётганимиз йўқ.

Ҳом ашё ва ёқилғи-энергетика тармоқларининг маҳсулоти ресурслардан норационал, исрофгарчилик билан фойдаланилиши натижасида «ямлаб юборилаётган» экан, бу маҳсулотнинг кўпайтирилишидан нима фойда? Ёки қишлоқ хўжалик машиналарининг иш самарадорлиги пастлиги сабабли уларни харид қилишмас экан, ишлаб чиқаришни кўпайтиришнинг кимга кераги бор? Енгил саноатда ҳам «ялпи маҳсулот» эмас, ишлаб чиқаришнинг шунчаки ҳажми эмас, балки одамларнинг реал эҳтиёжини қондирадиган буюмларнинг турлари керак.

Биз эскича ёндашувлардан ҳали сира ҳам воз кеча олмаяпмиз. Бизга шунчаки миллионлаб тонна пўлат, миллионлаб тонна цемент, миллионлаб тонна кўмир эмас, балки конкрет пировард натижалар керак. «Ишлаб чиқарилса бўлди» ва «план бўлса бўлди» деган мутлақо эскириб қолган мушкул тасаввурлар ва фикрлар доирасида биз қачонгача айланиб юраверамиз?

СССР Госплани, Фанлар академияси ушбу масала юзасидан таклифлар ишлаб чиқишлари зарур, ана шу таклифлар асосида ўн учинчи беш йилликдаёқ планлар тузилган ва иқтисодий ривожланиш натижаларига баҳо берилган бўлур эди.

Ўртоқлар, социал-иқтисодий соҳадаги ишимизнинг баъзи якунлари мана шулардан иборат, туб иқтисодий ислоҳот илк босқичидаги зиддиятлар ва муаммолар мана шулардан иборат, яқин келажак ва анча олис истиқболни назарда тутган баъзи фикр-мулоҳазалар мана шулардан иборат.

3. ЖАМИЯТНИНГ ИНТЕЛЛЕКТУАЛ, МАЪНАВИЙ ИМКОНИЯТИНИ АКТИВЛАШТИРАЙЛИК

Ўртоқлар! Жамиятнинг фан, таълим, бутун маданиятдан иборат интеллектуал, маънавий имкониятини ҳар томонлама активлаштирмай туриб қайта қуриш, социализмни янгилаш мумкин бўлмайди. Аммо бу гапни айтиб қўйишнинг ўзи кифоя эмас. Ҳаракат қилиш, ҳаракат қилганда ҳам ғайрат билан ва дунёда бу йўналишга жуда катта куч-ғайрат сарфланаётганлигини, бу соҳага капитал маблағ сарфлаш қўпайиб бораётганлигини ҳисобга олган ҳолда кенг кўламда ҳаракат қилиш керак.

Қайта қуришнинг бошидаёқ устун соҳалар ўрнини ўзгартириш, маънавий соҳа ролини ошириш, унга етарли баҳо бермасликни бартараф этиш вазифаси қўйилган эди. Зотан, бу соҳада кўпгина нарсалар ўзгарди. Янги ижтимоий-сиёсий муҳит—ошкоралик, ижодиёт ва мунозаралар, объектив, холисона тадқиқот, танқид ва ўз-ўзини танқид эркинлиги муҳити вужудга келди. Янгинг чинакам революцияси давом этмоқда. Бусиз янги ҳаёт қуриш мумкин эмас.

Партия олимларимизнинг қайта қуришга қўшаётган ҳиссасига катта аҳамият бераётир. Марказий Комитет Тезисларида таъкидланганидек, фан-техника тараққиётини жадаллаштириш ва аввало унинг ҳозирги босқичидаги авангард технологияларни — микроэлектроника, робототехника, информатика, биотехнология ва шу сингариларни ривожлантириш билан боғлиқ ютуқларини эгаллаш партия иқтисодий ва социал стратегиясининг негизидир.

Фан ва техникани ривожлантиришда ижобий ўзгаришлар кўзга ташланмоқда. Маҳсулотнинг техника даражасига талабчанлик ошди, илмий-тадқиқот ташкилотларининг ечимларни ўзлаштириш муддатлари қисқарди. Тадқиқотлар ва ечимларни планлаштириш, маблағ билан таъминлаш ва уларнинг моддий таъминоти системасини ўзгартириш, фан ютуқларидан практикада тезроқ фойдаланиш, илмий меҳнатни рағбатлантириш юзасидан катта тадбирлар кўрилди. Бу тадбирлар ижобий таъсирини кўрсатди, лекин вазиятни тубдан ўзгартиришга ҳали эришилгани йўқ.

Илм-фан ва фан-техника тараққиёти истиқболини белгилайдиган фундаментал тадқиқотларда вазият айниқса мураккаб эканлиги маълум бўлди. Фаннинг ўз тараққиёти мантиқидан келиб чиқмайдиган тадқиқот йўналишларини фанга кўпинча зўрлик билан қабул қилдирилган пайтдаги раҳбарликнинг буйруқбозлик-маъмурий методлари ҳукмронлик қилган даврдан мерос бўлиб қолган кўпгина тўсиқлар ҳамон ўз таъсирини кўрсатиб келмоқда. Аксинча, тадқиқотларнинг кўпгина янги истиқболли соҳалари ўз вақтида қўллаб-қувватланмади ва ҳатто тақиқлаб қўйилди.

Қатор-қатор асосланган вазифалар қўйилар, лекин улар моддий ва ташкилий жиҳатдан таъминланмас эди. Бу эса умуман илм-фан соҳасидаги сиёсатнинг обрўсини туширишдан қўйди. Фан умумий давлат план системасига унинг таркибий қисми сифатида зарур даражада киритилмади. Ваҳолонки, усиз кенг маънодаги социал-иқтисодий сиёсатни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш мумкин эмас. Олимлар лойиҳалар, ечимлар, планларни экспертиза қилиш учун ахён-ахёндагина жалб қилинди, уларнинг фикри идоралар фикрига тўғри келмаса бу фикр писанд қилинмас ва ҳатто баъзан таъқиб остига олинар эди.

Натижада кейинги ўн йилликлар мобайнида илм-фаннинг ижтимоий статуси ва илмий фаолиятнинг обрўси жуда пасайиб кетди. Энг ташвишли нарса шуки, турғунлик йилларида совет фани бир қатор етакчи йўналишлар бўйича орқада қолиб кетди. Унинг «қувиб етиш» йўсинидаги ривожланиши асосий йўналиш бўлиб қолди. Фаннинг фундаментал тадқиқотлар асосий ҳажмини бажарувчи академия сектори ҳиссасига илмий тадқиқотлар учун ажратилган барча маблағларнинг 6,8 процентигина тўғри келганлиги нормал ҳол эмас, албатта.

Шу сабабли эндиликда илм-фан соҳасидаги, сиёсатдаги ана шу барча хатолар ва нуқсонларни тузатишнинг ўзигина кифоя эмас. Гап чуқур қайта қуриш ҳақида, хўжалик механизмининг кўпгина қарор топган структураларини синдириш ҳақида, илм-фандаги ички муносабатларни такомиллаштириш ҳақида боради. Ватанимизнинг сифат жиҳатдан янги илмий потенциалини яратиш зарурки, бусиз фундаментал тадқиқотларда қисқа муддатларда ёриб чиқишнинг ва шу асосда жамиятимизни социал-иқтисодий қайта қуриш соҳасида белгиланган программаларнинг бутун комплексини муваффақиятли амалга оширишнинг иложи йўқ.

Фан-техника тараққиётини бошқаришни такомиллаштиришда, идора тўсиқларини бартараф этишда кескин чоралар талаб қилинади. Бунда тармоқлараро фан-техника комплексларини, инженерлик марказларини, тармоқ вазифаларини ҳал этиш учун муваққат коллективларни тузиш имкони бўлган йўллардан биридир. Илмий ташкилотларнинг хўжалик ҳисоби муносабатлари системасига узвий равишда қўшила бошлаганлиги, илмий-тадқиқотлар — техника ва технология — инвестиция — ишлаб чиқариш — реализация — хизмат кўрсатишдан иборат тугал циклнинг вужудга келтирилиши ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Тўғри, фундаментал ва амалий фанларнинг имкониятлари йиллар ва ўн йиллар давомида тўпланади, лекин фан ривожланишини жадаллаштириш омиллари ҳам бор. Аввало, фандаги вазиятни демократлаштириш, бюрократизм ва маъмуриятчиликни, консерватизм ва монополизмни бартараф этиш ана шу омиллар жумласига киради. Истеъдодларнинг, ижодий ташаббускорлик ва ўз-ўзини бошқаришнинг, тенг ҳуқуқли мусобақанинг, илмий ғоялар ва фикрлар рақобатининг энг кўп даражада намоён бўлиши учун имконият очиб бериш керак. Бир қатор олимлар илм-фанни хилма-хил усулда ташкил қилишни, бунда давлат ва кооператив формаларни оқилона қўшиб олиб боришнинг мақсадга мувофиқлиги ҳақидаги масалани ҳам қўймоқдалар.

Ижтимоий фанларни ривожлантириш алоҳида эътиборни талаб қилади. Шахсга сиғиниш, раҳбарликнинг бюрократик методлари, догматизм ва ўзи билмайдиган ишларга аралашверишдан худди ана шу фанлар энг кўп даражада жабр кўрди. Маълумки, КПСС XX съездидан кейин жамиятшунослик тадқиқотларида сезиларли жонланиш рўй берди. Янги илмий йўналишлар ва олимларнинг ишни янгича олиб боришга қодир бўлган янги кадрлари вужудга келди. Аммо кўп ўтмай, жамиятшунослик тафаккури вазифаларини шакллантиришга зўравонларча ёндашиш, уларни ҳал этишнинг догматик методлари қайта тиклана бошланди.

Қайта қуриш шароитида жамиятшунослик тадқиқотларига нисбатан жиддий социал талаб вужудга келди. Биз марксизм-ленинизм дунёқараши ва методологияси негизида ижтимоий фанларнинг чинакам юксалишига муҳтожмиз. Қайта қуришнинг иқтисодий ислоҳот, сиёсий системани реконструкция қилиш, демократлаштириш, гуманистик янгиланиш, миллатлараро муносабатлар, янги сиёсий тафаккур ва бошқа кўпгина проблемаларнинг объектив тадқиқотлари зарур. Бошқача қилиб айтганда, ўзининг сифат жиҳатдан янги ҳолати томон бораётган жамият ривожланишнинг яхлит концепциясига, жараёнлар диалектикасини, уларнинг омма онгида зиддиятли акс этишини идрок эта билишга, фикрлар хилма-хиллигини ҳисобга олишга, илмий асосланган истиқболни ишлаб чиқишга муҳтождир.

Партия ижтимоий фанларда ижодий изланишни рағбатлантиришни давом эттиришни, қайта қуришнинг назарий аслаҳахонасининг бойишига ёрдам беришни ўз вазифаси деб билади. Аммо фанга муносабатда туб ўзгаришлар бўлиши керак. «Самарасидан фойдаланилмаган» фан эртами-кеч ўлимга маҳкум, илмий билимларга шундай муносабатда бўлинганда практика мўлжални йўқотади ва қуввати камайиб боради. Буларнинг барчаси бизга мақбул эмас. Бинобарин, олимларга нисбатан талабчанликни ошириш билан бир вақтда уларга кўпроқ ишонч билдириш ҳамда ижодиёт, янгиликни изланиш учун барча зарур шароитларни яратиб бериш керак.

Фан-техника тараққиётини жадаллаштириш вазифалари социал тараққиёт билан биргаликда кўриб чиқилиши керак. Олимларнинг фикрича, турли фанлар — табииёт, техника ва ижтимоий фанлар «туташадиган жойларда»ги муаммоларнинг таҳлилига асосий эътиборни қаратиш керак. Улар ўртасидаги мустаҳкам ўзаро алоқа бугунги кунда фан ва техника тараққиётининг барча йўналишларида революцион ўзгаришларни амалга оширишни таъминлайди. Бинобарин, фан-техника тараққиётининг бутун комплексига, унинг инсоний мезонига социал тадқиқотларнинг кўпроқ таъсир кўрсатиши талаб қилинади. Ўтмишдан сабоқ олиб, илмий-техникавий ва инженерлик лойиҳаларининг контролсиз ишлаб чиқилиши ва амалга оширилиши натижасида вужудга келиши мумкин бўлган экологик ва бошқа зарарларни энг кам даражага келтириш, яхшиси эса уларга бутунлай барҳам бериш учун ана шу лойиҳаларнинг социал экспертизасини кенг жамоатчилик иштирокида чинакамига ва кенг кўламда йўлга қўйиш лозим.

Кейинги уч йил мобайнида партияда ва жамиятда иқтисодий ва социал тараққиётнинг, маънавий янгиланишнинг асосий омилларидан бири сифатида таълимнинг ғоят катта ролини англаб олиш жараёни рўй берди. Биз бу соҳадаги аҳволга танқидий баҳо бериб, таълим ва тарбия ишидаги ўзгаришлар программасини ишлаб чиқдик. Бу соҳага катта қўшимча маблағлар ажратилаётир. Таълим жараёнини компьютерлаш анча ривожлантирилмоқда, ўқитувчилар меҳнатига ҳақ тўлаш оширилди.

Тўғри, маориф ва фанга сарфланаётган харажатлар жуда катта, лекин уларнинг орқада қолиши беқиёс даражада қимматга тушмоқда. Маориф, илмий тадқиқотлар сифати юксак бўлмаса, умумий ва профессионал маданият бўлмаса — буларсиз қайта қуриш мақсадларига эришиб бўлмайди. Совет кишиларининг янги авлоди онгли меҳнат ва сиёсий ҳаётга қадам қўяётганида юксак ғоявийликка ва ахлоққа, ўз касби соҳасида яхши билимларга ва кенг маданий фикр доирасига эга бўлишлари, мамлакат тақдири учун масъулиятни ўз зиммаларига олишларига тайёр бўлишлари учун ҳамма шароитларни яратиш лозим.

Жамиятимизнинг социалистик янгиланишида совет маданияти арбоблари ғоят катта роль ўйнашлари лозим. Қайта қуриш платформасида ижодий кучларнинг бирлашуви апрель Пленумидан кейинги даврда партиянинг амалий вазифаси бўлиб қолди. Биз бугун шуни қайд қила оламизки, маданиятга раҳбарликда маъмуриятчилик қилиш, санъаткорларга ваззасиҳат қилиш даври ўтмишда қолди. Маънавий соҳада беллашув, эркин ижодий изланиш вазияти аста-секин вужудга келмоқдаки, бу нарса санъаткорнинг ўз социалистик жамияти олдидаги гражданлик масъулиятига сазовардир.

Бадиий маданият авлодларнинг жонли алоқаси ва ворислигини мужассамлаштиради, инсонга ўз халқи, унинг тарихи ва истиқболдаги умидлари билан қондошликни ҳис этишда, ҳар қандай амалий фаолиятига юксак ахлоқий идеалларни асос қилиб олишда ёрдам беради.

Бизнинг публицистикамизда, бадиий ва илмий нашрларимизда социализмнинг янгиланиш йўллари ҳақида, тарих ва замонамиз ҳақида кўлами, ошкоралиги, интеллектуал бойлиги жиҳатидан мислсиз мусобақа олиб борилмоқда. Бу жуда соз. Партия зиёлиларнинг қайта қуришни амалга оширишга тобора кўпроқ ҳисса қўшаётганликларини ғоят қадрлайди. Биз фан, маориф, маданият намояндаларининг ижтимоий, сиёсий фаолияти активлашаётганлигини табриклаймиз. Биз улардан янги ижодий кашфиётлар, тафаккур ва маънавиятнинг ҳамма соҳаларида чуқур ўзгаришлар қилишни кутамиз.

Шу тарзда, умуман маданият соҳасидаги жараёнлар соғлом асосда

М. С. ГОРБАЧЕВ ДОКЛАДИ

(Давоми. Боши 2-, 3-бетларда).

Қайта қуриш даврида фан, маориф ва маданият соҳасидаги сиёсатнинг бош йўналиши ҳақида гапирадиган бўлсак, бу йўналиш ленинча принципларга қайтишдан, инсон томон бурилишдан, халқнинг маънавий бойиши томон бурилишдан иборат бўлади. Партия ана шу инсонпарварлик мақсади йўлида куч-ғайратни ошираверишни ўз вазифаси деб билади.

4. ХАЛҚАРО МУНОСАБАТЛАРНИНГ ДЕМОКРАТИЯЛАШТИРИЛИШИ

Ўртоқлар! СССРдаги қайта қуриш жаҳон аҳамиятига эга бўлган омилга айланди. Ўз уйимиздаги туб ўзгаришлар халқаро ишларда ҳам янгича ёндашувни талаб қилди.

Урушдан кейинги даврдаги совет ташқи сиёсатига баҳо берар эканмиз, биз шуни унутмаймизки, империализм бизнинг ва иттифоқчиларимизнинг атрофида амалда фавқулодда вазиятни вужудга келтирди. АҚШ бошчилигидаги Ғарбий ҳарбий блок социализмга нисбатан ўзини очиқдан-очиқ агрессив тарзда тутди. Биз учун уруш хавфи доимий нарса бўлиб қолди. Бу хавф ҳамон йўқолгани йўқ. Совет Иттифоқи ўз иттифоқчилари билан биргаликда бунга, шунингдек, социалистик мамлакатларга қарши қаратилган аниқ мақсадга йўналтирилган психологик урушга эътибор бермаслиги мумкин эмас эди.

Шундай бўлсада, ўтмишдан сабоқ чиқарар эканмиз, буйруқбозлик-маъмурий методлар ташқи сиёсат соҳасига ҳам таъсир кўрсатмай қолмаганлигини тан олмаслик нотўғри бўлур эди. Баъзан ҳатто энг муҳим қарорлар ҳам коллектив томонидан ҳар томонлама муҳокама ва таҳлил қилинмасдан, баъзан эса дўстлар билан етарли даражада маслаҳат қилинмасдан тор доирадаги кишилар томонидан қабул қилинган ҳоллар ҳам бўлган. Бу эса халқаро воқеаларга ва бошқа давлатларнинг сиёсатига нохолисона муносабатда бўлишга, баъзан эса хато қарорларга ҳам олиб келар эди. Афсуски хатти-ҳаракатларнинг у ёки бу варианти халққа нақадар қимматга тушиши ва қандай оқибатларга олиб келиши ҳақида жиддий ўйлаб кўрилмас эди.

Бизга ва бутун социалистик дунёга қилинган ядровий даҳдаҳага жавобан АҚШ билан стратегик тенгликка эришиш зарур эди. Шундай қилинди ҳам. Аммо империализмга қарши ҳаракатда ҳарбий жиҳатга жуда катта маблағлар ажратиб ва бу масалага жиддий эътибор бериб, биз давлат хавфсизлигини таъминлаш учун, кескинликни камайтириш ва халқлар ўртасидаги ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш учун дунёда рўй берган асосли ўзгаришлар муносабати билан вужудга келган сиёсий имкониятлардан ҳамиша ҳам фойдаланганимиз йўқ. Натижада қуролланиш пойгасига мубтало бўлишимизга йўл қўйдик, бу эса мамлакат социал-иқтисодий ривожланишига ва унинг халқаро аҳволига таъсир кўрсатмай қолиши мумкин эмас эди.

Шу аснода қуролланиш пойгаси жар ёқасига яқинлашиб қолди. Шу муносабат билан бизнинг тинчлик ва қуролсизланиш йўлидаги анъанавий-сиёсий ва ижтимоий фаолиятимиз ўзининг ишончли хусусиятларини йўқота бошлади. Жиддийроқ қилиб айтадиган бўлсак,— бундай ривожланиш мантиқини ўзгартирмасак,—ҳарбий қарама-қаршилик чегарасига ҳақиқатан ҳам яқинлашиб қолган бўлардик.

Шу боисдан ташқи сиёсатни шунчаки такомиллаштириш эмас, балки қатъиян янгилаш зарур бўлиб қолди.

Бунинг учун эса янгича сиёсий фикрлаш зарур эди. Марказий Комитетнинг апрель Пленуми, партиянинг XXVII съезди бу тафаккурга асос солди. Пленум ва съезд қайта қуриш шароитида халқаро фаолиятимиз учун фалсафий асос яратди. Янгича фикрлаш — ёпиқ ва тугал доктрина эмас. У диалектик характерга эга, шу сабабли сиёсатни жўшқин ҳаёт жараёнига мувофиқ тарзда узлуксиз такомиллаштириш ва ривожлантириш имконини беради. Табиийки, у бизнинг социалистик йўлимизга, ленинча принципларга мувофиқ тарзда амалга оширилади.

Ички ишларда бўлганидек, совет раҳбарияти Ленинга, унинг тажрибасига мурожаат қилди— ҳамма жойда, ҳар қандай вазиятда реализм позициясидан ҳаракат қила бошлади. Фақат шундай ташқи сиёсатгина қайта қуришга самарали хизмат қила олади. Шу тақдирдагина у кимга қаратилган бўлса, уларнинг ана шу сиёсатга реалистик муносабатига умид боғлай олади. Шу ҳолдагина у дунёни яқинлашиб келаётган хатардан сақлашда ёрдам бериш қобилиятига эга бўлади.

Биз ҳозирги дунёни таҳлил қилар эканмиз, шуни аниқ тасаввур қиламизки, халқаро муносабатлар, ўз синфий характерини сақлаган ҳолда, худди халқлар ўртасидаги муносабатлар сифатида тобора кўпроқ намоён бўлмоқда. Биз жаҳон ишларида халқларнинг, миллатларнинг, шаклланаётган янги миллий давлатларнинг роли тобора ошиб бораётганлигини қайд қилдик. Бу эса халқаро ишларда манфаатларнинг хилма-хиллиги билан ҳисоблашмаслик мумкин эмаслигини тақозо қилади. Уларни ҳисобга олиш янги сиёсий тафаққурнинг муҳим элементидир.

Биз ядровий хавфнинг ошиб бораётганлиги, бошқа глобал проблемаларнинг кескинлашуви, дунёдаги барча жараёнлар интернационаллашувининг кучайиши билан характерланувчи замонамиз позициясидан — унинг барча зиддиятларидан қатъи назар, тобора яхлит ва ўзаро боғлиқлик тусини олаётган замонамиз позицияларидан, марксизмнинг негизидан келиб чиқадиган ғояни — пролетар-синфий ва умуминсоний манфаатларнинг ўзаро боғлиқлиги ғоясини чуқурроқ идрок этишга ҳаракат қилдик. Бу эса бизларни асримизда умуминсоний қадриятлар устун туриши керак, деган хулосага олиб келди. Янги сиёсий тафаккурнинг негизи ҳам ана шунда.

У ҳозирги халқаро муносабатлар учун халқлар томонидан асрлар давомида вужудга келтирилган ҳамда инсониятнинг буюк мутафаккирлари томонидан умумлаштирилган, сайқал берилган маънавий қадриятларнинг ҳаётий аҳамиятга эга эканлигига кенгроқ кўламда баҳо бериш имкониятини яратди.

Дунёдаги туб ўзгаришларни таҳлил қилиш жараёнида бизнинг имкониятларимизни чеклаб келган ва ҳақиқий ниятларимизни бузиб кўрсатиш билан шуғулланган кишиларга муайян даражада далда бериб келган кўпгина эски андозалар бартараф этилаётир.

Бизнинг бошқа мамлакатларнинг намояндалари билан — давлат ва ҳукумат бошлиқларидан то оддий гражданларгача, фан-маданият соҳасидаги ҳамма томонидан эътироф этилган арбоблар билан, атоқли ёзувчилар билан, сиёсий партиялар, жамоат ташкилотлари ва ҳаракатларнинг раҳбарлари ва делегациялари билан, касаба союз ва социал-демократик ташкилотларнинг раҳбарлари, дин арбоблари ва парламент аъзолари билан кенг кўламда алоқа боғлаганлигимиз катта роль ўйнади.

Бевосита алоқаларнинг ана шундай бойитилганлиги Совет Иттифоқини ташқи дунё учун бамисоли янгитдан «очаётир». Биз эса ўз томонимиздан ташқи дунёни яхшироқ кўриш ва тушуниш, унинг проблемаларини муҳокама қилишда ва бу проблемаларни ҳал этиш йўлларини излашда қатнашиш, бошқа маданиятлар ва маънавий анъаналардан келиб чиқадиган ғояларнинг фойдали жиҳатларини олиш имконига эга бўлдикки, бу нарса масалан, 1986 йилги Деҳли декларациясида ўз аксини топди. Ана шу «икки томонлама алоқа» ёрдамида воқелик, демократия сингари қадриятларнинг аҳамияти тўғрисидаги масала хусусида ҳам ҳамжиҳатликни топиш осонроқ бўлиб қолди.

Буларнинг ҳаммаси совет ташқи сиёсатига жўшқинлик бағишлаб, бир қатор йирик ташаббусларни олға суриш имконини берди.

Ядро қуролини 2000 йилгача босқичма-босқич тугатиш программаси, кенг қамровли хавфсизлик системаси, ривожланиш йўлини танлаш эркинлиги, манфаатлар мувозанати, «Умумевропа хонадони», Осиё — Тинч океан регионида муносабатларни қайта қуриш, мудофаа учун кифоя қиладиган қуролларнигина сақлаш ва ҳужум қилмаслик доктринаси, миллий ва регионал хавфсизликни мустаҳкамлаш йўли сифатида қурол-яроғлар даражасини камайтириш, ўзга территориялардаги қўшинларни олиб чиқиб кетиш ва базаларни тугатиш, ишонч тадбирлари, халқаро иқтисодий хавфсизлик, илм-фан обрўсини жаҳон сиёсатига бевосита қўшиш ғояси шулар жумласидандир.

Давлатлараро йўлдаги алоқаларимизга мулоқот, қуролсизланиш соҳасида эса чуқур ўзаро контролга тайёрлик асос қилиб олинди. Бу эса ишонч доирасини одатдаги дунёқараш спектридан анча кенг майдонга олиб чиқиш имконини берди. Биз идеологик жиҳатдан ўзимиздан жуда йироқ бўлган таъсирчан доираларда ҳам ҳамжиҳатлик ҳамда тинч-тотув яшаш ва ҳамкорлик қилишга тайёрлик соҳасида кўпгина имкониятлар борлигини кўрдик.

Бизнинг биргаликда мулоҳаза юритиш ва изланишга астойдил ва ошкора таклиф қилганлигимиз дунёда катта таассурот қолдирди. Ошкоралик, қайта қуриш эса бизнинг ташқи сиёсат соҳасидаги ғояларимиз ва ташаббусларимизга «моддий» ишонч бағишламоқда.

Бундай ёндашув жаҳон сиёсатида ва аввало қуролсизланиш соҳасида, музокара жараёнига реал йўл бағишлаб, Вашингтон ва Москвадаги Олий даражадаги учрашувларнинг муваффақиятини таъминлаган, Женева ва Рейкьявик учрашувларидаги сингари катта ўзгаришлар қилиш имконини берди. Натижада бутун халқаро вазият ўзгараётир.

Жаҳонда социализмнинг мавқеи янги тафаккур нуқтаи назаридан кўриб чиқилди. Дўстларимиз билан биргаликда биз ўртоқлик руҳида муносабатларимизнинг интернационалистик моҳиятини ўтмиш сарқитларидан холи этишга ҳаракат қилдик. Партиялар ва давлатлар раҳбарларининг шахсий алоқалари жонланиб, ишчан ва оператив тус олди. Социалистик ҳамдўстлик ташқи сиёсатини уйғунлаштириш такомиллаштирилмоқда.

Жаҳон социализми мураккаб ўзгариш даврини бошидан кечиряпти. Социалистик мамлакатларнинг янги марраларга чиқиб олганликлари, миллий ва халқаро доираларда уларнинг имкониятлари намоён бўлаётганлиги жаҳон тараққиётида социализмнинг обрўси ва ролини кўтармоқда.

Тараққиёт йўлини эркин танлаш концепцияси янги тафаккурда асосий ўринни эгаллайди. Биз цивилизация омон қолишининг ўзи асосий, умумий жаҳоншумул проблемага айланган бир пайтда бу принцип халқаро муносабатлар учун универсал бўлиб қолганлигига аминмиз.

Бу концепцияни дунёнинг беқиёс даражада хилма-хиллиги ва бу хилма-хилликнинг ошиб бораётганлиги тақозо қилади. Биз жаҳон тарихидан асрлар бўйи четда қолиб келган милларардларча кишиларнинг шу тарихга актив жалб этилганлигидан иборат ажойиб воқеанинг гувоҳи бўлиб турибмиз. Ана шу миллиардларча кишилар мутлақо янги шароитларда мустақил тарихий ижодиёт саҳнасига чиқаётирлар. Зотан миллий онг ҳамма жойда ўсаётган вазиятда улар тараққиёт йўлини танлашда ҳали ўз сўзларини айтадилар.

Ана шундай вазиятда социал тузумни, турмуш тарзини, сиёсатни ҳарбий йўл ҳақида гапирмаганда ҳам, ҳар қандай воситалар билан четдан мажбуран қабул қилдиришга интилиш — илгариги йилларнинг хавфли қуролларидир. Суверенитет ва мустақиллик, тенг ҳуқуқлилик ва аралашмаслик халқаро муносабатларнинг ҳамма тан олган нормаларига айланмоқда, шу нарсанинг ўзи XX асрнинг жуда катта ютуғидир. Ривожланиш йўлини танлашдаги эркинликка қаршилик қилиш — ўзини тарихнинг объектив жараёнига қарама-қарши қўйиш демакдир. Шу сабабли куч ишлатиш сиёсатининг ҳамма формалар ва кўринишлари тарихан ўз умрини яшаб бўлгандир.

Хуллас, биз шунга астойдил аминдирмизки, янги тафаккур ва унга асосланган сиёсат қозирги дунёнинг етилган талабларини ва эҳтиёжларини тўғри акс эттирди. Улар умид бағишлаб, инсоният онгида сифат ўзгаришларига йўл очиб бердилар.

Совет кишиларини ҳаммадан кўпроқ ташвишга солаётган ва уч йил ичидаги иш натижасига шу масала юзасидан бериладиган баҳо ҳақидаги асосий саволга: уруш хавфини нарироққа сура олдикми, деган саволга биз: ҳа, сўзсиз сура олдик, — деб жавоб бера оламиз.

Хўш, бу нарса нимада ифодаланди? Аввало, шу нарсада ифодаландики, халқаро ҳаётнинг маркази қарама-қаршиликдан ҳамкорлик, ҳамжиҳатлик томон, истиқболда конкрет натижаларга, биринчи навбатда оммавий қирғин қуроллари хусусида конкрет натижаларга ўтиш имконини берадиган музокаралар сари силжиди. Совет — Америка муносабатлари яхшиланди. Ядро қуролларининг бир қисмини тугатиш тўғрисида шартнома тузилди. Давлатлараро ва айниқса жамоатчилик даражасида Умумевропа жараёни жонланди.

Женева битими ва Афғонистондан ҳарбий қисмларимиз олиб чиқиб кетила бошланганлиги умуман тинчлик учун хавф туғдираётган, халқлар тараққиётига тўғаноқ бўлаётган регионал низоларни сиёсий йўл билан ҳал этиш ишида муҳим халқаро босқич бўлди.

Партия конференциямиз минбаридан туриб партия ва халқ номидан солдат ва офицерларга, граждан мутахассисларга — тақдири шу уруш билан боғланган ва шу уруш оловидан ўтган ҳамма кишиларга яна бир бор чуқур миннатдорчилик изҳор қилишга рухсат этгайсизлар **(Қарсаклар)**. Жангчиларимиз Афғонистондан Ватан амри билан чиқиб кетмоқдалар. Ватанимиз эса доно йўл тутиб, шу йиллар ичида янги сиёсий ва маънавий тажриба орттирди, ҳозирги дунёни, унинг зиддиятларини ва истиқбол йўлидаги қийинчиликларни чуқурроқ англаб олди.

Умуман, ўртоқлар, ҳозирги мавжуд реалликларни таҳлил қилсак: ана шу реалликларни мустаҳкамлашга ва ривожлантиришга эришилса, XX — XXI асрлар чегарасидаги дунё қиёфасини қуйидаги тенденциялар белгилайди, деб тахмин қилиш имконини беради:

— Халқаро муносабатлар аста-секин демилитаризациялашиб ва инсонпарварлик тусини олиб боради, бунда, ниҳоят, ҳудбинлик интилишлари ва ҳурофотлари эмас, балки ақлидрок, билим ва аҳлоқий нормалар дунёдаги жуда кўпдан-кўп зиддиятларни ҳал этишда ва манфаатлар мувозанатига эришишда давлатлар учун дастак бўлади, бунда ҳар бир кишининг ривожланиш йўлини эркин танлаш ҳуқуқи тан олинади.

— Давлатлар хавфсизлиги ҳарбий имкониятларнинг нисбати соҳасидан тобора кўпроқ сиёсий ҳамжиҳатлик ва халқаро мажбуриятларни қатъий бажариш соҳасига ўтиб боради; халқаро хавфсизликнинг кенг қамровли системаси, асосан, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг роли ва самарадорлигини ошириш орқали вужудга келтирилади.

— Фан-техника имкониятининг ғоят ўсишидан оламшумул иқтисодий, экологик, энергетика, озиқ-овқат, медицина ва бошқа вазифаларни бутун инсоният фойдасини кўзлаб ҳал этиш йўлида биргаликда маданийроқ тарзда фойдаланиладиган бўлади.

— Мустақил давлатлар ва халқларнинг хилма-хил ва ихтиёрий алоқаси уларнинг моддий ва маънавий жиҳатдан ўзаро бойишига ишончли тарзда хизмат қилади, ялпи тинчлик структурасини мустаҳкамлайди.

Бунда хом хаёлларга йўл қўяётганимиз йўқмикан? Наҳотки, агрессия ва урушларнинг империалистик манбалари йўқолган бўлса? Йўқ. Биз империалистик милитаризм томонидан тинчликка хавф солинаётганлигини унутмаймиз ва бошланган ижобий жараёнларнинг барқарорлигига ҳозирча гарантиялар вужудга келгани йўқ, деб ҳисоблаймиз. Янги сиёсий тафаккур эса зўравонлик сиёсатига илгаригига қараганда кенгроқ сиёсий негизда қарама-қарши туриш учун янги имкониятларни кўриш ва топишга йўл очади.

Шу асрнинг иккинчи ярмида вужудга келган янги объектив факторлар ҳам бу имкониятларни мустаҳкамлайди.

Мудофаа қурилишимиз ҳам шу билан белгиланади. Бу қурилиш самарадорлиги бундан буён техника, ҳарбий фан жиҳатидан ҳам, қуролли кучлари состави жиҳатидан ҳам асосан сифат кўрсаткичлари билан таъминланади. Мудофаа қурилишимиз Совет давлати ва унинг иттифоқчиларининг ишончли хавфсизлигини таъминлаши, мудофаа доктринамизга мувофиқ равишда амалга оширилиши керак.

Биз ўз амалий халқаро фаолиятимизда бундан буён ҳам мустаҳкам тинчлик ва халқаро ҳамкорлик йўлини излайверамиз. Бундан буён ҳам социалистик мамлакатлар билан муносабатлар биз учун биринчи ўринда тураверади. Биз ривожланаётган давлатлар билан, қўшилмаслик ҳаракати билан муносабатларимизни чуқурлаштириш йўлини изчиллик билан ўтказаверамиз. Ўз мамлакатларида ҳокимиятга эга бўлган давлат арбоблари билан аввало жаҳон сиёсатининг бош йўналишида — қуролсизланиш масалалари бўйича актив суҳбат ва музокара олиб бораверамиз. Қайта қуриш йилларида биз кўшни ва жуда олисдаги кўпгина давлатлар билан муносабатларни яхшиладик ёки биринчи бор муносабат боғладик. Ҳеч ким билан муносабатларимизни бузмадик. Бундан буён ҳам шундай иш олиб боришга ҳаракат қиламиз.

КПСС ўзини жаҳон коммунистик ҳаракатининг ажралмас қисми деб ҳисоблайдики, бу ҳаракат ҳозир ўз тарихий тараққиётининг янги босқичига чиқишдан иборат қийин изланиш йўлини олиб бораётир. Биз бу изланишда тўла тенг ҳуқуқлилик ва ҳурмат асосида актив иштирок этаверамиз. Жаҳон фани ва адабиётининг намояндалари бўлган кўпдан-кўп жамоатчилик кучлари билан, ўзгача идеологик йўналишдаги сиёсий партиялар билан, биринчи навбатда социалистлар, социал демократлар, лейбористлар билан, «сўл» деб аталадиган бошқа доиралар ва ҳаракатлар билан янгича муносабатларимиз тобора кўпроқ халқаро имкониятлар яратмоқда. Бутун дунё меҳнаткашлари билан, мустамлакачиликка, ирқчилик ва реакцияга қарши курашчилар билан бирдамлигимиз ўзгармасдир.

Ўртоқлар! Совет ташқи сиёсати ўтмишдаги баъзи хатолар ва нуқсонларга қарамай мамлакат, социализм олдида, бутун инсоният олдида ғоят катта хизматларга эга. Қайта қуриш ундан моҳият жиҳатидан ҳам, форма жиҳатидан ҳам янги сифатни талаб қилди. Ички сиёсат сингари ташқи сиёсат ҳам амалда партия билан халқнинг коллектив фикрини мужассамлаштириши керак. Рўй бераётган ўзгаришларнигина эмас, балки бундан буён бўладиган ўзгаришларни ҳам оператив тарзда ҳисобга олиш зарур. Дунёдаги объектив жараёнлар ҳамда бизнинг имкониятларимиз жамоатчилик ва унинг ташкилотлари иштирокида доимо илмий ва оммавий муҳокамадан ўтказиб турилиши керак. Халқаро масалаларга оид ахборотлар сифатини юқори кўтариш лозим. Сиёсий система ислоҳоти доирасида халқаро сиёсат масалаларини ишчанлик ва малакали тарзда муҳокама қилишни таъминлайдиган таъсирчан конституцион ваколатли механизмни яратиш вазифаси турибди.

Биринчидан, миллион-миллион меҳнаткашлар мамлакатни идора қилишга оғизда эмас, балки амалда жалб этилиш учун бутун чоралар кўрилсин.

Иккинчидан, жамиятнинг ўзини-ўзи тартибга солиши ва ўз-ўзини бошқариш жараёнига имкони борича кенг уфқ очиб берилсин, гражданларнинг, ваколатли ҳокимият органларининг, партия ва жамоат ташкилотларининг, меҳнат коллективларининг ташаббусини тўла-тўкис ривожлантириш учун шарт-шароит яратилсин.

Учинчидан, барча синфлар ва социал гуруҳларнинг манфаатлари ва ҳоҳиш-иродаси эркин шаклланиши ҳамда намоён бўлиши, уларнинг Совет давлати ички ва ташқи сиёсатида мувофиқлашиб, рўёбга чиқиши йўлга қўйилсин.

Тўртинчидан, ҳар бир миллат ва элатнинг янада эркин ривожланиши, уларнинг дўстлиги ва тенг ҳуқуқли ҳамкорлиги интернационализм принциплари негизида мустаҳкамланиши учун шарт-шароит таъминлансин.

Бешинчидан, ҳокимиятни зўрлик билан қўлга киритиш ва суиистеъмоллар имкониятини истисно қилиш, бюрократизмга ва расмиятчиликка самарали равишда қарши туриш, гражданларнинг конституцион ҳуқуқлари ва эркинликлари ҳимоя қилинишининг, шунингдек, уларнинг жамият ва давлат олдидаги бурчлари бажарилишини ишончли равишда таъминлаш учун социалистик қонунчилик ва ҳуқуқ-тартибот тўбдан мустаҳкамлансин.

Олтинчидан, Коммунистик партия жамиятнинг сиёсий авангарди ролини ва Совет давлати халқ ҳокимияти қуроли ролини ўйнаши тўғрисидаги ленинча концепцияга мувофиқ, партия ва давлат органларининг вазифалари аниқ белгилаб қўйилсин.

Ниҳоят, еттинчидан, ўзгариб борувчи ички ва халқаро шароитларни эътиборга олиб, социалистик демократия ва ўз-ўзини бошқариш принципларини турмушнинг барча соҳаларида тобора фаолроқ ривожлантириш ва жорий қилишга қодир бўлган сиёсий система ўз вақтида ўзини-ўзи янгилаб боришини таъминлайдиган самарали механизм яратилсин.

2. ҚАЙТА ҚУРИШ ВА ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ

Инсон ҳуқуқларини ҳар томонлама бойитиш, совет кишиларининг социал фаоллигини ошириш сиёсий системани ислоҳ қилишнинг пировард мақсади ва бу ислоҳотни турмушга нақадар татбиқ эта олишимизнинг асосий мезонидир. Бу масала социализм назарияси ва практикасида марказий ўрин олади. Мамлакатимиздаги Октябрь революцияси яратган пойдевор устида гражданнинг кўп соҳаларда гарантияланган ҳуқуқлари салобатли биноси барпо этилган. Биз бу ҳуқуқлардан фойдаланяпмиз ва очиғини айтганда, биз учун жуда одатий бўлиб қолган ана шу ҳамма ҳуқуқлар ҳали дунёнинг кўпгина жойларида меҳнаткашларнинг умиди, улар курашининг мақсадларигина бўлиб қолаётганлиги ҳақида камдан-кам ўйлаймиз.

Жамиятимиздаги инсон ҳуқуқлари—давлатнинг инъоми эмас, кимнингдир хайр-эҳсони эмас. Булар—социализмнинг таркибий хусусияти, унинг ғалабасидир. Шахс ва жамият, граждан ва давлат, инсон ва коллектив—буларнинг ҳаммаси битта катта муаммонинг турли жиҳатларидир. Бу муаммо қандай ҳал этилаётганлиги сиёсий тузумнинг табиатини ифодалайди ва кўп жиҳатдан одамлар фаолиятининг натижаларини, ижтимоий ҳаётнинг бутун укладини олдиндан белгилаб беради. Бу муаммони социалистик тарзда ҳал этиш коллективчилик ва шахсий негизларнинг узвий равишда бирга қўшилишидан иборат. Жамият тузилишининг шу муҳим масаласида бизнинг фалсафамиз «Коммунистик партия манифести»нинг: ҳар ким эркин камол топиши ҳамманинг эркин камол топиши учун шарт бўлади, деган машҳур иборасига асосланади.

Биз, пировард натижада инсоннинг социал фаоллиги, меҳнат ғайрати, сиёсий фаоллиги ҳам инсоннинг айнан жамиятдаги мавқеи билан унга бериб қўйилган ҳуқуқлар ва унинг зиммасига юклатилган вазифалар билан белгиланишини тушуниб олишнинг ўзигина эмас, шу билан бирга бу йўлда ҳаракат қилиб, иқтисодий ислоҳотни ва сиёсий система ислоҳотини амалга ошириш ҳам муҳимдир, ўртоқлар.

Хўш, бу соҳада қандай вазифалар турибди?

Аввало, шахснинг социал ҳуқуқлари ҳақида. Бизда жамиятнинг инсон ҳақидаги гамхўрлиги кенг тармоқли системаси вужудга келган, аммо тараққиётнинг ҳозирги босқичида биз унинг заифликлари ва камчиликларини кўриб турибмиз, меҳнат шароитларини яхшилаш, халқ маорифи ва соғлиқни сақлаш сифатини кўтариш, меҳнаткашларнинг социал таъминоти даражасини ошириш учун имкони бўлган ҳамма ишларни қилишга интиляпмиз. Мана шуларнинг ҳаммасида партиянинг совет кишилари тенг ҳуқуқлилигини таъминлашга, уларнинг социал-жиҳатдан ҳимояланишига оид қатъий йўл-йўриқлари ифодаланмоқда.

Бироқ шу муносабат билан қуйидагиларни айтмоқ керак. Биз шахснинг социал-иқтисодий ҳуқуқлари кафолатини мустаҳкамлашни истаймиз, бунинг учун эса иқтисодий ва сиёсий шароитларни тегишли равишда ўзгартириш зарур. Бироқ шу ўзгартишларнинг характери ҳам, уларни амалга ошириш муддатлари ҳам совет жамияти барча аъзоларининг меҳнат фаолияти билан чамбарчас боғланган. Жамиятдан олинаётган социал неъматлар ва меҳнатга муносабат жуда чамбарчас боғлиқдир.

Ҳар бир киши ўзига талабчанлик билан қараши зарурлигини тушуниши муҳимдир. Бу ўринда хўжалик юритишнинг хўжалик ҳисоби принциплари муҳимлиги яна бир бор намоён бўлади, бу принциплар иш ҳақинигина эмас, социал эҳтиёжларнинг қондирилишини ҳам ҳар бир кишининг, ҳар бир коллективнинг меҳнат ҳиссаси билан боғлаш имконини беради. Бойликлар ва неъматлар ўз-ўзидан пайдо бўлмайди. Уларни фақат меҳнат вужудга келтиради. Ишга виждонсизлик билан қараш, паст меҳнат интизоми, сусткашлик, социал жиҳатдан тайёрга аёрлик биз учун ётдир.

Ҳа, турғунлик йилларида меҳнат фаолияти соҳасида бир талай қийин муаммолар йиғилиб қолганини биламиз. Энди биз ишни ўнглаб олишимизга ва бой берилган нарсаларни қайтадан тиклашимизга тўғри келмоқда. Бу иш унчалик осон эмас, чунки у бутун жамиятга таллуқлидир.

Қайта қуриш инсоннинг сиёсий ҳуқуқлари тўғрисидаги масалани қўйди. Бу ҳуқуқларни амалга оширишга раҳбарликнинг бўйруқбозлик-маъмуриятчилик усуллари ва шу усуллар билан боғлиқ бўлган демократиянинг чекланиши айниқса асоратли таъсир қилди. Мана шуларнинг ҳаммаси инсоннинг ҳокимиятдан, сиёсатдан бегоналашувини бартараф этиш жараёнини—Октябрь бошлаб берган жараённи секинлаштирди ва чигаллаштирди.

Конференциямиз муҳокамасига қўйилаётган сиёсий ислоҳот лойиҳаси меҳнаткашларни мамлакат ишларини идора қилишга кенг жалб этиш жараёнини айни жадаллаштиришга қаратилган. Бунинг учун эса, табиийки, реал шароитлар яратилган — сайлов системаси ўзгартирилган, ҳокимият ва бошқарув органларининг структураси қайта тузилган, қонунлар янгиланган бўлиши керак. Бу эса миллион-миллион кишиларнинг ижтимоий онгидаги тегишли ўзгаришларни ҳам тақозо этади.

Ҳозир қайта қуриш бизгача етиб келмади, деб тез-тез айтмоқдалар ва жойлардан ёзмоқдалар, қайта қуриш қачон етиб боришини сўрамоқдалар. Аммо қайта қуриш осмондан ёғиладиган чалпак эмас, шу сабабли уни қаердандир олиб келишларини кутмасдан, балки, ўз шаҳри ёки қишлоғида, ўз меҳнат коллективида уни ижод қилиш керак. Ҳозир қайта қуриш хусусидаги гап-сўзлар эмас, балки ҳаракатлар, ишлар ҳар қачонгидан ҳам зарурдир. Бу ўринда кўп нарса кадрларимизга, район, шаҳар, область ва республика миқёсидаги раҳбарларимизга боғлиқ.

Аммо бир қанча жойларда қайта қуриш юришмаётган экан, бунинг учун фақат раҳбарларгина айбдор эмас. Ҳамма камчиликларни раҳбарларга тўнкаш энг осон иш эканлиги маълум. Айни мана шу нарса бизда жуда кенг тарқалган. Мамлакатдаги ижтимоий муҳит, партия ва давлат органларининг фаолияти актив гражданлик позициясини намоён этиш учун зарур шарт-шароитларни яратмаган пайтда бу одатни бирмунча тушуниш мумкин эди. Аммо ҳозир, ўртоқлар ҳамма нарса тўбдан ўзгармоқда ва кўп кишилар қайта қуришнинг барча жараёнларига бажонидил қўшилдилар. Шу сабабли ҳозир ҳам шикоят қилишни, раҳбарларга «юқорига» ишора қилишни давом эттираётган кишиларга биз: Хўш, сен қайта қуриш учун нима қилдинг? — деб тўғридан-тўғри савол беришимиз керак. **(Давомли қарсаклар).**

Инсонга ҳар қандай масалада ўз фикрини изҳор этиш имконини берадиган сиёсий эркинликларга алоҳида тўхталиб ўтмоқчиман. Шу эркинликларни рўёбга чиқариш — ижтимоий қизиқишга молик бўлган ҳар қандай муаммо ҳар томонлама муҳокама этилишининг, ҳамма яхши ва ёмон томонларни чамалаб кўришнинг реал гарантияси бўлиб, бу нарса барча хилма-хил фикрлар ва реал имкониятларни эътиборга олган ҳолда энг тўғри ечимларни топишга ёрдам берган бўлур эди. Хуллас, ўртоқлар, гап мамлакатда афкор омманинг янги роли тўғрисида боряпти, зотан, фикр-мулоҳазаларнинг янгилигидан, одатдан ташқари эканлигидан чўчимаслик керак, мунозараларнинг ҳар бир бурилишида ўзни четга олиб қочмаслик ва ҳар томонга урмаслик лозим.

(Давоми 5-бетда).

II. Сиёсий системани ислоҳ қилиш—қайта қуриш муқаррарлигининг энг муҳим кафолати

Ўртоқлар! КПСС Марказий Комитети ижтимоий-сиёсий ҳаётни тубдан демократиялаш ва сиёсий системани ислоҳ қилиш программасини XIX Бутуниттифоқ партия конференцияси муҳокамасига қўяр экан, бу нарса сиёсий тартиб-қоидаларимизнинг самарадорлигини тубдан ошириш, социалистик ҳалқ ҳокимиятининг нималарга қодирлигини намоён этиш имконини беради, деб ҳисоблайди.

1. НИМА УЧУН ИСЛОҲ ҚИЛИШ КЕРАК

Биз бу ишни бўш жойдан, аввал-бошдан бошлаётганимиз йўқ. Бизнинг дунёда биринчи социалистик демократиядан иборат ноёб тажрибамиз бор. Халқ ҳокимиятининг социализм туфайли юзага келган шакл ва усуллари инсониятнинг социал тараққиётига жуда катта таъсир ўтказди, ҳозирги замоннинг сиёсий маданиятига сингиб кетди. Айнан бизнинг мамлакатимизда Советлар республикаси тимсолидаги меҳнаткашлар ҳокимияти ишчилар назорати, меҳнат қилиш ҳуқуқи ва инсоннинг бошқа энг муҳим социал ҳуқуқлари, аёллар билан эркакларнинг, миллатлар ва элатларнинг тенг ҳуқуқлилиги юзага келди. Бошқача қилиб айтганда, биз XX асрнинг кўпгина демократик ташаббусларида биринчи бўлдик.

Хўш, сиёсий системани тубдан ислоҳ қилиш вазифаси ҳозир ўртага қўйилаётганининг сабаби нима? Гап аввало шундаки, ўртоқлар, Октябрь революциясининг ғалабаси натижасида барпо этилган сиёсий система маълум бир босқичда жиддий равишда бузилдики, бугун сиз билан биз буни тан олишимиз керак. Натижада Сталин ва унинг атрофидагиларнинг чексиз ҳукмронлиги ҳам, репрессиялар ва бедодликлар тўлқини ҳам рўй бериши мумкин бўлиб қолди. Ўша йилларда қарор топган бошқарувнинг бўйруқбозлик-маъмуриятчилик усуллари жамиятимиз тараққиётининг турли соҳаларига ҳалокатли таъсир қилди. Биз ҳозир ҳам бошдан кечираётган кўпгина қийинчиликларнинг илдизлари ўша системага бориб тақалади.

Партия XX съездининг қарорлари партия ва давлат ҳаётининг ленинча принципларини бузишларни бартараф этиш учун имконият очган эди. Бироқ, аввало, социалистик демократияга етарли баҳо берилмаганлиги ва унинг аҳамияти камайтирилганлиги оқибатида бу имкониятлардан фойдаланилмади. Бу эса яна шахсга сиғиниш ҳодисаларининг такрорланишига олиб келди.

Мавжуд сиёсий система бизни кейинги ўн йилликларда хўжалик ва социал турмушдаги турғунлик ҳолатлари кучайишидан сақлаб қола олмади ва ўша пайтда бошланган ислоҳотларни муваффақиятсизликка маҳкум этди. Хўжалик-бошқарув вазифаларининг партия-сиёсий раҳбарияти қўлида тобора кўпроқ тўпланиши характерли тус олди. Айни вақтда ижроия аппаратининг роли ортиқ даражада катталаштириб юборилди. Турли давлат ва жамоат органларига сайланган кишиларнинг сони мамлакат катта ёшдаги аҳолисининг учдан бир қисмига етди, аммо айни вақтда уларнинг асосий оммаси давлат ва жамоат ишларини ҳал этишда амалий равишда қатнашишдан четлаштириб қўйилган эди.

Турғунлик даврида бошқарув аппарати салкам юзта иттифоқ ва саккиз юз та республика министрликлари ҳамда идораларини ўз ичига олиб, аслида хўжаликка ҳам, сиёсатга ҳам ўз иродасини ўтказа бошлади. Айнан идоралар ва бошқа бошқарув структуралари қабул этилган қарорларнинг ижросини ўз қўлларига олган эдилар, ўзларининг ҳаракатлари ёки ҳаракатсизликлари билан: нималар бўлиши керак-у, нималар бўлмаслиги кераклигини белгилар эдилар. Советлар, кўп жиҳатдан партия органлари ҳам идоравий манфаатлар қисувини назорат қилишга қодир бўлмай қолган эдилар. Қарор қилувчи орган ўз ҳаракатларининг оқибатлари учун иқтисодий жиҳатдан масъул бўлмаслиги универсал қоида бўлиб қолган эди.

Ижтимоий ҳаётнинг ҳаддан ташқари давлат тасарруфига ўтказиб юборилганлиги

М. С. ГОРБАЧЕВ ДОКЛАДИ

(Давоми. Бошн 2-, 3-, 4-бетларда).

Виждон эркинлиги каби принципиал масалани ҳам тилга олмоқчиман. Ҳозир Русияда христианлик жорий этилганлигининг минг йиллиги муносабати билан бу масалага кўпроқ эътибор берилмоқда. Биз номатериалистик, ноилмий дунёқараш бўлмиш диний дунёқарашга ўз муносабатимизни яширмаймиз. Аммо бу диндор кишиларнинг маънавий дунёсига ҳурматсизлик билан қарашга ва бунинг устига материалистик қарашларни қарор топтириш учун ҳар қандай маъмурий тазйиқни қўлланишга асос бўла олмайди.

Бундан 70 йил муқаддам черковни давлатдан ва мактабни черковдан ажратиш тўғрисида қабул қилинган Ленин декрети улар ўртасидаги муносабатларнинг янги асосларини яратди. Бу муносабатлар ҳамиша ҳам нормал таркиб топавермаганлиги маълум. Аммо турмушнинг ўзи, тарих Улуғ Ватан уруши синови йилларида ҳам, социалистик жамиятимизни барпо этишда ҳам, тинчлик учун курашда ҳам советлар мамлакатининг гражданлари, ватанпарварлар бўлмиш диндорлар билан динга ишонмовчиларни бирлаштирди.

Барча диндорлар қайси динга мансуб эканликларидан қатъи назар СССРнинг тўла ҳуқуқли гражданларидир. Уларнинг ғоят кўпчилиги ишлаб чиқариш ҳамда ижтимоий турмушимизда, қайта қуриш вазифаларини ҳал қилишда фаол қатнашмоқдалар. Виждон эркинлиги тўғрисида ҳозир тайёрланаётган қонун лойиҳаси ленинча принципларга асосланади, ҳозирги барча реалликларни эътиборга олади.

Энди гражданларнинг шахсий ҳуқуқлари тўғрисида гапирадиган бўлсак, бунда ҳам қонун йўли билан анча аниқроқ тартибга солиниш зарур. Ҳозирдаёқ бирмунча ишлар қилиб қўйилди. Юмалоқ хатларни кўриб чиқмаслик, танқид учун таъқиб этишга жиноий жавобгарлик белгилаш, мансабдор шахсларнинг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари учун судга шикоят қилиш, шундай хатти-ҳаракатлар етказган зарарни ундириб олиш тартиби, руҳий касал кишиларнинг ҳуқуқлари муҳофаза этилишини кучайтириш тўғрисидаги қарор зўр мамнуният билан кутиб олинди. Бизнинг бутун ҳуқуқ-тартиботимиз гражданларнинг шахсий ҳаёти, ут-жойи дахлсизлиги, телефон сўзлашувлари, ёзишмалари, почта ва телеграф орқали жўнатган нарсаларнинг сир сақланишига бўлган ҳуқуқларига қатъий роя этилишини гарантиялаши лозим. Қонун инсоннинг шахсий қадр-қимматини пухта ҳимоя қилиши керак.

Биз совет кишиларининг ҳуқуқ ва эркинликларини бутун чоралар билан муҳофаза қилиб, ҳамда гарантиялаб, уларга гражданлик бурчларидан ажралган ҳолда қарай олмаймиз. Демократия оқилона жамоат тартибини тақозо этадики, аслини олганда, бусиз шахсий эркинликнинг ҳам бўлиши мумкин эмас. Бизнинг қонунларимиз жамиятни ҳар хил юлғичлардан, муттаҳам порахўрлардан, ташмачилардан, безорилардан, ичкилик ичишлардан, сурбетлардан қатъиян ҳимоя қилиш мақсадини кўзлайди. Жамиятнинг ихтиёрида жамиятга зид унсурларга таъсир ўтказишнинг, уларни қайта тарбиялаш ва нормал меҳнат ҳаётига жалб этишнинг самарали воситалари бўлиши керак.

Яна бир муаммо ҳам бор. Шахсий ҳуқуқлар ва эркинликларни қарор топтириш, умуман демократия ва ошкораликни кенгайтириш қонунчиликни мустаҳкамлаш билан, қонунни сўзсиз ҳурмат қилиш руҳида тарбиялаш билан айни бир вақтда амалга оширилиши лозим. Ўзбошимчалик ҳам, масъулиятсизлик ҳам, тартибсизлик ҳам демократияга зиддир. **(Қарсаклар).**

Ўзларингизга маълумки, кейинги вақтларда биз демократик ҳуқуқлардан демократияга хилоф мақсадларда фойдаланиш йўлидаги уринишларга бир неча марта дуч келдик. Баъзи бир кимсаларга чегараларни ўзгартишдан то оппозициядаги партияларни тузишгача ҳар қандай масалаларни шундай йўл билан ҳал этиш мумкиндек туюлмоқда. КПСС Марказий Комитети демократиялашни бундай суиистеъмол қилиш қайта қуриш вазифаларига тубдан зид, халқ манфаатларига хилофдир, деб ҳисоблайди. **(Давомли қарсаклар).**

Инсон ҳуқуқлари муаммосининг муҳим халқаро жиҳати ҳам бор. Социалистик йўлимизнинг тўғрилигига ишончимиз комил ва биз барча қинғайиш ва бузилишларни бартараф эта бориб, шахс ҳуқуқларини айни социалистик заминда бойитишга, тузумимизнинг табиатига мос келадиган доираларда ва усуллар асосида ҳаракат қилишга азму қарор берганмиз. Аммо ҳозирги шароитда инсон ҳуқуқлари, ва, аввало, яшаш ҳуқуқи бутун жаҳон ҳамжамияти ғамхўрлик қилаётган мавзу бўлиб, ижтимоий турмушнинг бошқа кўпгина жиҳатлари каби у ҳам интернационал тус олиб бормоқда.

Биз бошқа барча мамлакатлар билан фаол ҳамкорлик қилишга, тажрибаларни баҳам кўришга, зиммамизга олган мажбуриятларни беками-кўст бажаришга тайёрмиз.

Қайта қуриш инсоннинг барча — социал, сиёсий ва шахсий ҳуқуқларини таъминлашда социализмнинг сўзсиз афзалликларини кўрсатиш имконини беражагига ишончимиз комил. **(Қарсаклар).**

3. ҲОКИМИЯТНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Ўртоқлар! Маълумки, бизнинг давлатимиз ишчилар синфи диктатурасининг қуроли сифатида дунёга келган, 60-йилларнинг бошларида эса унинг босқичма-босқич умумхалқ давлатига ўсиб ўтиши тўғрисида хулоса чиқарилган эди. Аммо биз сиёсий жараённинг мазмунини қанчалик чуқурроқ билиб борганимиз сари давлатчилигимизни том маънодаги умумхалқ давлатига етказиш зарурлиги шунчалик равшан бўлиб қолмоқда. Бунинг учун ҳокимият ва бошқарувни шундай ташкил этиш керакки, бунда ҳамиша халқ ҳал қилувчи, сўнгги сўзни айтадиган бўлсин, жамиятнинг ўзинии-ўзи тартибга солиш ва ўзини-ўзи бошқариш жараёнлари кенг имкониятга эга бўлиб қолсин. Бунда ҳокимият ваколатларини сиёсий системанинг асосий бўғинлари, биринчи навбатда, партия билан давлат ўртасидаги тўғри тақсимлаш принципиал аҳамиятга эгадир.

Турмуш олдимизга халқ депутатлари Советларининг тўла ҳокимиятини қайта тиклаш вазифасини жуда кескин қилиб қўймоқдаки, бунда чала-ярим тадбирлар билан иш битмайди. Муаммога комплекс ёндашиш ва уни тубдан ҳал этиш керак.

Конференциядан олдин ўтказилган мунозара Марказий Комитетнинг Советларни қайта қуришга доир таклиф этган чора-тадбирлари қўллаб-қувватланаётганлиги ва маъқулланаётганлигини кўрсатди. Асосий принципни шундай таърифлаш мумкин: давлат аҳамиятига, хўжалик ёки социал аҳамиятга молик бironта ҳам масала Советларсиз ҳал этилиши мумкин эмас. Партиянинг иқтисодий, социал, миллий сиёсати, аввало, халқ ҳокимияти органлари сифатида халқ депутатлари Советлари орқали амалга оширилиши лозим.

Ўзини-ўзи бошқариш, ўзини-ўзи пул билан таъминлаш ва ўзини-ўзи таъминлаш принциплари асосида маҳаллий ишларга раҳбарликни қайта ташкил этиш жуда зарур бўлиб қолди.

Бу иш иқтисодий ислоҳотнинг узвий давоми бўлиб қолиши, бутун жамият манфаатларини ундаги ҳар бир территориал ячейка ва меҳнат коллективининг талаб-эҳтиёжлари билан ўзаро боғлаши, идоравий тарқоқликка ва маҳаллий хўжаликнинг парокандалигига барҳам бериши керак. Советларнинг ўз қарамоғидаги территорияларни ривожлантириш муаммоларини ҳал этишда уларнинг тўла жавобгарлигини ва мустақиллигини белгилаб қўйиш, корхоналар кимга бўйсинишидан қатъий назар, улар оладиган фойданинг бир қисмини Советлар бюджетига ажратишни кўпайтириш лозим.

Советлар узоқ муддатли нормативларга асосланган солиқлари даромад манбаларига, жумладан уларнинг территориясида жойлашган барча корхоналардан олиб туриладиган тушумларга эга бўлишлари, катта-катта вазифаларни амалга ошириш учун маблағ жамғаришлари керак. Мазкур шаҳар, район,посёлка аҳолиси учун муштарак бўлган социал ва маданий-маиший ривожланиш масалаларини ҳал этиш мақсадида аҳолининг пул маблағларини жалб этиш ишида ҳам уларда зарур имкониятлар бўлиши лозим.

Маҳсулоти аҳолининг талаб-эҳтиёжларини қондириш билан боғлиқ бўлган корхоналарни маҳаллий Советлар қарамоғига ўтказишни жадаллаштириш, юқорироқ идораларга бўйсунувчи корхоналарга ҳам буюртмалар беришда уларга имконият яратиш керак. Советларнинг корхоналар ва колхозлар билан, уларнинг меҳнат коллективлари билан муносабатларини қонунда пухта ва аниқ-равшан белгилаб қўйиш керак.

Ваколатли органлар ишни ташкил этишнинг ўзини қатъиян янгилаш, фақат уларнинг сессияларида ҳал этиладиган масалалар доирасини кенгайтириш, депутатларнинг бир қисми Советларда ва сайлов округларида ишлаш учун вақти вақти билан хизмат ва ишлаб чиқариш вазифаларидан озод қилиб турилишини кўзда тутиш, Советлар ҳамда улар доимий комиссияларининг контроллик вазифаларини яна ҳам таъсирчан қилиш керак. Сессияларда ижроия комитетларни сайлаш, бўлимлар ва бошқармаларнинг раҳбарларини тасдиқлаш чоғида муқобил номзодларни кўрсатиш, яшириН овоз бериш, конкурслар ва бошқа демократик формалар қўйиб қўлиши лозим. Барча бўғинлардаги Советларнинг иши ошкора олиб борилишига, доимо сайловчиларнинг кўз ўнгида бўлишига эришиш керак.

Ленининг фикрига кўра Советлар қонун чиқариш, фармойиш бериш ва контрол қилиш вазифаларини бирлаштиради. Аммо, бу давлат органлари ўртасида меҳнатни оқилона тақсимлашни инкор этмайди, бу эса Советларнинг ўз ижроия комитетлари билан ўзаро муносабатлари учун айниқса муҳимдир. Вазифаларни тўғри чегаралаб қўйиш, ваколатли органларнинг ижроия комитетлар фаолияти устидан назоратини кучайтириш манфаатларини кўзлаб, мунозарани кўпгина қатнашчилари маҳаллий ҳокимият органларида Советларнинг доимий ишлайдиган раисларига ва Советларнинг президиумига эга бўлиш тўғрисидаги таклифни айтдилар. Ана шу Советларнинг раислари ва президиумлари сессияларни тайёрлаш, доимий комиссиялар ва депутатлик группаларининг ишини мувофиқлаштириш, хуллас ваколатли ҳокимият органининг интенсив фаолиятини ташкил этиш билан боғлиқ бўлган ҳамма ишларни ўз зиммасига олган бўлур эди.

Модомики, ҳозирги шароитда сайлаб қўйиладиган органларнинг, депутатларнинг ролини ошириш вазифаси қўйилаётган экан, янги вазифаларни эътиборга олганда халқнинг ваколатли органлари сифатида Советларнинг ролини партиянинг обрўси билан мустаҳкамлашни жуда муҳим деб ҳисоблаётган ўртоқларнинг фикри асослидир. Аммо буни ҳуқуққа қатъий асосланган ҳолда бажариш керак.

Қоида тариқасида тегишли партия комитетларининг биринчи секретарларини Советларнинг раиси лавозимларига тавсия этиш — бунинг энг реал йўлидир. Улар Советларга ва Советларнинг президиумларига раҳбарлик қила туриб, халқ ваколатли органлари фаолиятининг барча томонларини яхшилашга жуда актив тарзда кўмаклашадилар.

Бу катта аҳамиятга молик масала бўлиб, уни муфассалроқ кўриб чиқиш керак. Ҳозир биринчи секретарлар одатда ижроия комитетларнинг аъзоларидир. Бу эса кўп йиллик тажрибанинг кўрсатишича, ваколатли органлар бўлмиш Советларнинг обрў-эътиборига путур етказган ҳолда ижроия органларнинг, улар аппаратнинг алоҳида ҳуқуқларини ихтиёрий ёки беихтиёр равишда кучайтиришга олиб келади.

Агар партия комитетининг биринчи секретари Совет раиси этиб сайланадиган бўлса, бу ҳол Советнинг обрўсини оширади, ижроия комитет ва унинг раиси фаолияти устидан контролликни кучайтиради, бошқарув фаолияти асосан Советларга ўтаётган шароитда партия ва совет органларининг вазифаларини аниқроқ чегаралаб қўйиш имконини беради.

Иккинчи гомондан, ўртоқлар, партия раҳбарларининг Советлар раиси лавозимларига тавсия этилиши уларни меҳнаткашларнинг анча таъсирчан назорати остига қўяди, чунки сайлов сессияларда яшириН овоз бериш йўли билан ўтказилади. Бунинг маъноси шуки, партия раҳбарига коммунистлар топширадиган мандат ҳар гал Советлар системасининг барча босқичларида халқ вакиллари томонидан текширилиб, тасдиқланган бўлади. Партия секретарининг тавсия этилган номзодини депутатлар қўллаб-қувватламайдиган ҳоллар ҳам бўлиши мумкин, албатта. Ўз-ўзидан равшанки, бундай ҳолларда партия комитети, коммунистлар ҳам бундан тегишли хулосаларини чиқариб олишлари лозим бўлади.

Ижроия комитет аъзолари ҳамда унинг бўлимлари ва бошқармаларининг раҳбарлари тегишли совет депутатлари составига кира олмайдиган қоидани белгилаш ваколатли ва ижроия органлар ўртасидаги ваколатларни яхшироқ чегаралаб қўйишга хизмат қилиши лозим. Ҳозир ижроия комитет аъзолари, унинг бўлимлари ва бошқармаларининг раҳбарлари советларнинг депутатлари бўлиб, мажлис қиладилар, ўзларига ўзлари топшириқ берадилар. Бу топшириқлар бўшроқ ва камроқ бўлишидан уларнинг манфаатдорлиги равшан. Бундай принципни судьялар, прокурорлар, арбитрларга, ССР Иттифоқида Иттифоқдош ва автоном республикаларда эса ҳукумат аъзолари билан идораларнинг раҳбарларига ҳам татбиқ этиш мақсадга мувофиқдир.

Сайлаб қўйиладиган лавозимларни эгаллаб туришга бир қанча демократик чеклашларни жорий этиш зарур бўлиб қолди. Ўтмиш тажрибаси мана шундай чеклашларнинг йўқлиги марказда ҳам, жойларда ҳам ҳокимиятни суиистеъмол қилишнинг бош сабабларидан бири бўлганлигини кўрсатмоқда. Жуда муносиб, қобилиятли раҳбарлар неча ўн йиллар мобайнида бир лавозимда туриб даққи бўлиб қолган ва раҳбарлик лавозимини эгаллашда давом этиб ишда тўғаноққа ва тирик товонга айланган кўпгина мисолларни биламиз.

Конференция олдидан ўтказилган мунозара материаллари бундай аҳволни ўзгартириш аслида умумпартиявий, умумхалқ талаби бўлиб қолганлигини кўрсатмоқда. Тўғри, бунда ҳар хил нуқтаи назарлар билдирилди. Баъзилар гарчи фавқулодда ҳолларда бўлса ҳам сурункасига учинчи муддатга сайлаш эҳтимоли хусусидаги писанда кераклигига шубҳаландилар. Бошқаларнинг фикрича эса ваколатларни учинчи муддатга узайтиришга ҳокимиятнинг энг юқори доирасидагина йўл қўйилиши керак. Келинг мана шу таклифларни муҳокама қилайлик.

Яна бир нарса: агар Тезисларда муддатларни чеклаш сайлаб қўйиладиган лавозимларгагина тааллуқли бўлса, мунозаранинг кўпгина қатнашчилари уни Советлар тайинлайдиган ва тасдиқлайдиган ходимларга ҳам жорий этишни таклиф қилдилар. Бизнингча, бу тўғри мулоҳаза ва уни қўллаб-қувватлаш керак.

Муайян ёшга етгандан кейин сайлаб қўйиладиган лавозимларни эгаллаб туришни чеклаб қўйиш тўғрисидаги таклиф ҳам муҳокама қилинди. Бундай қилиш сайловчиларнинг суверен ҳуқуқини чеклаб қўйиш бўлур эди деган қарама-қарши фикрлар ҳам айтилди. Ҳокимият ва бошқарув органларини тузишнинг бутун жараёнини кенг демократиялаш ҳисобга олинса, бу муаммо ўзининг ўткирлигини йўқотади, уни сайловчилар ва депутатларнинг ўзлари демократик тадбирлар ёрдамида ҳал этадилар, деб ўйлайман.

Халқ депутатининг реал сиёсий обрўйи — Советлар фаолиятини юксалтиришнинг сўзсиз шартидир, депутатнинг сиёсий обрўйи эса ваколатли ҳокимият органларини тузишнинг бутун жараёни билан бевосита боғлиқ. Сайлов системамизни қатъиян янгилаш зарурлиги ҳам ана шундан келиб чиқади.

Биз партия XXVII съезди қарорларини бажара бориб сайлов системасини янгилаш йўлига ўтдик. Сўнгги сайлов давомида сайлов округларининг бир қисмида сайловлар кўп мандатли схема бўйича ўтказилди, кўпгина округларда иккитадан ва ундан кўпроқ номзодлар кўрсатилди. Умуман мамлакатимизда муҳокама қилинган номзодларнинг умумий сони мандатлар сонидан деярли икки баравар ортиб кетди. Мусобақалашув сайловни қизиқарли қилди, унга сайловчиларнинг қизиқишини кучайтирди, депутатларнинг масъулиятини ошириди. Эндиликда сайлов системасига янгича ёндашувларни ўзлаштириб ва мустаҳкамлаб, ана шу йўлдан олга бориш керак.

Советларни тузиш чоғида чекланмаган миқдорда номзодларни кўрсатиш, уларни кенг ва эркин муҳокама қилиш, сайловнинг демократик тадбирларига қатъий риоя этиш, депутатларнинг мунтазам ҳисобот бериб бориши, уларни чақириб олиш имконияти ҳуқуқларини таъминлаш лозим бўлади. Округ сайловолди йиғилишларига янада кенгроқ ваколат билан келиш керак, улар номзодларни мусобақа асосида танлаб олишнинг демократик анжуманига айланиши керак.

Умуман, ўртоқлар, эндиликда бизда депутатлар корпуси разнарядка асосида эмас, балки, аввало сайловчиларнинг ўз иродаларини жонли, эркин ифодалашлари асосида шакллантирилиши лозим. Советларга давлат миқёсида фикр юрита оладиган, ўз сайловчиларининг муносиб вакили бўла оладиган ва ҳокимият органларида фаол ҳаракат қиладиган принципиал, сергайрат ва тажрибали кишиларни сайлаш Советлар иши самарадорлигининг биринчи шартидир.

Аҳоли турли қатламлари вакилларининг номутаносиблигидан қўрқмаслик керак. Бизда ишчилар синфида ҳам, деҳқонлар орасида ҳам, зиёлилар қаторида ҳам жанговар, сиёсий жиҳатдан саводли ва фаол кишилар бор. Сайловчилар уларни энг яхши тарзда танлаб олишларини таъминлайдиган яхши созланган мусобақалашув механизминигина барпо этиш керак. Ана ўшанда аҳолининг барча асосий группалари, уларнинг манфаатлари Советларнинг составида ўз ифодасини топади. Бизнинг тушунишимизча, жамиятда маҳаллий Советлар состави сонини камайтириш масаласида якдиллик бор.

Марказий Комитетнинг конференцияга Тезисларини муҳокама қилиш чоғида барча Советлар учун бир хил — беш йил ваколат муддатини белгилаб қўйиш тўғрисидаги таклиф кенг қўллаб-қувватланди. Бундай шароитда маҳаллий Советларнинг депутатлари дадилроқ иш олиб борадилар, ўз режаларини амалга ошириш учун етарли вақтга эга бўладилар. Дангаса ёки ўз ишини уддалай олмаган депутатни чақириб олиш, ёки зарур бўлган тақдирда Советнинг составини тўлдириш мумкин бўлади — сайловчиларнинг бундай ҳуқуқлари ҳамища сақланиб қолаверади.

Совет ҳокимиятининг олий органлари қандай тузилганлиги ва қандай ваколатларга эгалиги Советлар ишининг самарали бўлиши учун ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Депутатлар, Президиум, СССР Олий Совети комиссиялари фойдали ишларни қилаётганига қарамай, Олий ҳокимият органимиз структураси ва унинг фаолияти режими жиддий ўзгартиришни талаб қилаётганлиги ҳаммага равшан. Марказий Комитет Тезислари теварагида авж олиб кетган баҳсларда бу масалага алоҳида ҳисқиқиш билан қаралди.

Октябрдан кейинги ўн йилликлар тажрибасига мурожаат қилиш керак, деган кўпгина таклифлар тушди, ўша вақтда бизда Советлар съездлари системаси амал қилар эди. Бу съездлар халқнинг кенг ва тўла ҳокимиятли йиғилишлари бўлиб, съездлар оралиғида ғоят ваколатли марказий ижроия комитетлар иш олиб борарди.

Ваколатларнинг оммавийлиги қонун чиқариш соҳасидаги доимий иш, бошқариб ва контрол билан қўшиб олиб борилларди. Баҳсларда жамоат ташкилотларимизнинг мамлакат Олий ҳокимият органида бевосита вакили бўлиши зарур, деган фикр ҳам айтилди.

КПСС Марказий Комитети ана шу фикрларни умумлаштириб, конференция муҳокамасига қуйидаги таклифларни киритади.

Биринчи. Давлат ҳокимияти олий босқичида меҳнаткашлар вакиллари сонини анча кенгайтириш.

Бунинг учун Иттифоқ Советига территорияга қараб аҳоли вакилларини сайлаш ҳамда Миллатлар Советига миллатлар ва элатлар вакилларининг сайлашнинг ҳозирги ана шу тартиби бизнинг сиёсий системамизга кирадиган жамоат ташкилотларидан бевосита вакиллар кўрсатиш билан тўлдирилиши керак. Шундай қилиб, 1500 депутат ҳозиргидек территориал ва миллий округлардан сайланган бўлур эди, тахминан яна 750 депутат эса партия, касаба союз, кооператив, ёшлар, хотин-қизлар, ветеранлар, илмий, ижодий ва бошқа ташкилотлар съездларида ёки уларнинг марказий органлари пленумларида сайланган бўлур эди. Бундай ташкилотларнинг рўйхатини ва ваколат нормаларини конституцияда белгилаб қўйиш мумкин бўлади.

Беш йил муддатга сайлаб қўйиладиган барча депутатлар биргаликда давлат ҳокимиятининг янги ваколатли Олий органи — СССР халқ депутатлари съездини ташкил этган бўлур эди.

СССР халқ депутатлари съезди йилига бир марта ўз мажлисига тўпланиб, мамлакат ҳаётидаги энг муҳим конституцион, сиёсий ва социал-иқтисодий масалаларни ҳал этган бўлур эди.

Қонунларга, ижро ва контрол тусидаги барча масалаларни муҳокама қилиш ва ҳал қилиш, ўзига бўйсунувчи органлар ҳамда Советларнинг қуйи бўғинлари ишини йўналтириб туриш учун халқ депутатлари съезди ўз составидан сон жиҳатидан унча катта бўлмаган (айтайлик, 400—450 кишидан иборат бўлган) икки палатали СССР Олий Советини сайлаши мумкин. Бу эса халқ депутатлари съездига бўйсунадиган доимий ишлайдиган Олий ҳокимият органи бўлур эди. Шундай қилиб, қонун чиқариш ва контрол қилишга доир ишларнинг ҳаммаси бевосита Олий Совет ва унинг комиссияларида мужассамлаштирилади, бу эса Олий давлат структурасини демократиялаш йўлида янги қадам бўлади.

СССР Олий Совети составининг бир қисмини вақти-вақти билан ўзгартириб туришни ҳам ўйлаб кўриш керак.

Иккинчи. СССР Олий Совети палаталарининг ишини фаоллаштириш, уларнинг ҳозирги мавжуд вазифалари ноаниқлигига барҳам бериш керак.

Ўз-ўзидан равшанки, давлат ҳаётининг асосий муаммоларига доир қонунлар ва қарорларнинг лойиҳаларини илгаригидек Олий Советнинг ҳар икки палатаси аъзолари муҳокама қилиб қабул этиши лозим.

Шу билан бирга мамлакатнинг барча миллий-давлат ва миллий-маъмурий ташкилотлари вакили ҳисобланган Миллатлар Совети уларни иқтисодий ва социал ривожлантириш, миллатлараро муносабатлар, бу соҳада қонунларга риоя қилиниши, республикалар, автономия бўлинмалари манфаатларига дахлдор бўлган иттифоқ министрликлари ва идоралари фаолиятини контрол қилиш масалалари ва бошқа масалаларни кўриб чиқиши мумкин бўлур эди.

Ўз навбатида умумхалқ манфаатларини, барча синфлар ва социал гуруҳларнинг эҳтиёжларини ифодалайдиган Иттифоқ Совети диққат-эътиборини катта социал-иқтисодий программалар ва планларни ишлаб чиқишга, нарх-наво ва солиқ, меҳнат муносабатлари, гражданлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, мамлакат мудофаа қобилиятини мустаҳкамлаш, халқаро шартномаларни ратификация қилиш ва бошқа соҳалардаги сиёсат масалаларига қаратиши мумкин бўлур эди.

Шу ерда, конференциямизда палаталарнинг вазифаларини принципиал белгилаб қўйиш тўғрисида келишиб олишимиз керак. Буларнинг ҳаммаси СССР Конституциясида ва бошқа қонун актларида ўзининг конкрет ифодасини топиши лозим.

Муҳокама фаол баҳсларга сабаб бўлган яна бир мавзу борлигини кўрсатди. Бу — партия ва давлат олий лавозимларининг нисбати, олий ҳокимият структурасидаги уларнинг ўрни тўғрисидаги масаладир. Шу муносабат билан баъзи бировлар В. И. Ленин ҳаётлиги чоғида мавжуд бўлган практикага қайтишни тўғри деб ҳисобламоқдалар, ўша вақтда партия раҳбари айни бир пайтда ҳукумат бошлиғи эди. Бошқалар эса, умуман партия ва давлат лавозимларини бир вақтда эгаллаб туриш номақбуллиги тўғрисида гапирмоқдалар. Яна бошқалар эса СССР Президенти лавозимини таъсис этиш ҳақида фикр билдирмоқдалар. Баъзилар эса, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари амалда мамлакат олий вакили ролини бажарадиган ҳолат ҳуқуқий давлат концепциясига мос келмаслигини уқтирмоқдалар. Яна кўпгина бошқа мулоҳазалар ҳам айтилмоқда.

Ўртоқлар, бу жиддий масала ва уни конференциямизда батафсил муҳокама қилиш керак. Масалани сиёсий системани ислоҳ қилиш давомида энг мақбул ечимини топадиган тарзда муҳокама қилиш даркор.

КПСС Марказий Комитетининг фикрича, СССР Олий Совети раиси лавозимининг таъсис этилиши ваколатли олий органлар ва халқ депутатлари Советлари бутун системасининг ролини оширишга, ҳокимиятнинг ҳуқуқий характерини мустаҳкамлашга, жаҳон ишларида Совет Иттифоқи энг яхши тарзда иштирок этишига мос бўлур эди.

СССР Олий Советининг Раиси СССР халқ депутатлари съездида яшириН овоз бериш йўли билан сайланади ва чақириб олинади, съезд олдида тўла масъул бўлиб, унга ҳисоб беради, деб белгилаб қўйиш керак.

Ваколатли органлар ролини умуман ошириш шароитида СССР Олий Советининг Раиси етарли даражада кенг давлат ваколатларига эга бўлиши лозим. Хусусан у қонунлар ва энг муҳим социал-иқтисодий программаларни тайёрлашга умумий раҳбарлик қилиши, ташқи сиёсатнинг мамлакат мудофаа қобилияти ва хавфсизлигининг асосий масалаларини ҳал этиши, мудофаа кенгашига бошчилик қилиши, СССР Министрлар Совети Раиси номзоди тўғрисида таклифлар киритиши, шунингдек давлатдаги ана шундай лавозим учун анъанавий ҳисобланган бошқа вазифаларни бажариши мумкин бўлур эди.

Биз олий ҳокимият структурасида Олий Совет Раиси раҳбарлигида ишлайдиган СССР Олий Совети Президиуми ҳам бўлиши керак, деб ҳисоблаймиз. Президиум составига Раиснинг икки ўринбосари (улардан бири СССР Халқ контроли комитетининг раиси бўлиши мумкин), ўн беш ўринбосари (иттифоқдош республикаларнинг сонига кўра), палаталар, доимий комиссиялар ва Олий Совет Министрларининг Раислари кириши мумкин бўлур эди.Президиум сессияларни чақириш, Олий Совет комиссиялари ва депутатлари ишини мувофиқлаштириш, шунингдек бошқа баъзи вакиллик ишлари ваколатларини бажариши мумкин.

Олий ҳокимият органининг доимий комиссиялари статусини мустаҳкамлаш мақсадга мувофиқдир. Бу комиссиялар Олий Совет аъзолари ва халқ депутатлари съезди депутатларидан тузилиши мумкин. Бу комиссиялар палаталар бўйича алоҳида-алоҳида ҳам, шунингдек биргаликда ҳам (бирлашган комитетлар) тузилиши мумкин.

Комиссиялар ва комитетларнинг ваколатларини янги вазифаларни ҳисобга олиб анча кенгайтириш лозим бўлур эди. Масалан, ички ва ташқи сиёсатнинг энг муҳим масалалари юзасидан қарорлар, министрликлар ва идораларнинг раҳбарларини, бошқа мансабдор шахсларни тайинлаш тўғрисидаги қарорлар бундай комиссиялар ва комитетларда албатта олдиндан муҳокама қилингандан кейингина қабул қилинишини кўзда тутиш мумкин. Уларнинг ваколатларини янада кенгайтириб, комиссиялар ва комитетларда ошкора эшитиш, ўткир ижтимоий қизиқиш уйғотган муаммоларни ўрганиш учун махсус депутатлар группалари тузиш йўлидан бориш мумкин.

СССР халқ депутатлари съезди сайлаб қўядиган конституция назорат комитети каби органни ҳам Олий ҳокимият структурасида барпо этиш масаласи ўртага қўйилмоқда. Бу комитет қонунларимизнинг ва бошқа ҳуқуқий актларимизнинг мамлакат асосий қонунига мос келишини кузатиб бориши ва бунинг учун етарли ваколатларга эга бўлиши лозим. Шуни ҳам айтиш керакки, бундай комитетнинг мавжуд бўлиши барча мансабдор кишилар, шу жумладан энг юқори лавозимларни эгаллаб турган кишилар фаолиятини демократик контрол қилишнинг қўшимча гарантияси бўлур эди.

Учинчи. Олий ҳокимиятни ташкил этишнинг янги шакллари унинг самарадорлигини ўз-ўзидан гарантияламайди. Бунинг учун Олий Совет фаолиятининг характери ва услубини қатъиян ўзгартириш лозим. Сессияларни узундан-узоқ нутқлар ва ўз ишлари ҳақидаги ҳисоботлардан, ҳамма нарсани олдиндан белгилаб қўйиш ва расмиятчиликдан халос этиш керак. Сессиялар ҳаётий ва талабчан бўлиши, таклиф этилаётган қарорларнинг вариантларини қиёслаши, тузатишлар, қўшимчалар, эътирозларни муҳокама қилиши лозим. Ҳукуматнинг депутатлар саволларига жавоб қайтарадиган кунларини жорий этиш, депутат сўровлари практикасини кенгайтириш зарур.

Шундай бўлиши ҳам мумкинки, у ёки бу қарорларни қабул қилишда тўла якдиллик бўлмай қолади. Аммо, бу демократия жараёни учун нормал ҳодисадир. Умуман оппонентнинг овозига эътибор билан қулоқ солиш, олдиндан янглиш ўйлаб чиқарилган хулосалар билан унинг фикрини рад қилмасликка ўрганиш пайти аллақачон келган. Фикрларнинг социалистик плюрализми яъни хилма-хиллиги, баҳслар, мунозаралар, қарашларни бир-бирига қиёслаш — энг яхши, энг мақбул қарорларни излаш йўлидир.

КПСС Марказий Комитети ССР Иттифоқи Олий ҳокимият органининг структурасида ва унинг ишини ташкил этишда ана шу ўзгартишларни таклиф қилар экан, бу таклифларнинг кўп қисми республикалар Олий ҳокимият органлари учун ҳам қўлланса бўлади, деб ҳисоблайди. Бу тадбирлар уларнинг роли ва обрў-эътиборини оширишга қўмаклашган умуман иттифоқдош республикалар ҳуқуқларини янада кенгайтирган бўлур эди. Бундан ташқари иттифоқдош ва республика ҳокимият органлари тузилиши ва демократик фаолияти режимининг бирлиги умуман Советларнинг бутун системаси иши самарадорлиги ва уйғунлигини таъминлаган бўлур эди.

Белгиланган ўзгартишларни ҳисобга олиб, автоном республикалар ҳокимият органларини тузиш, уларнинг структуралари ва вазифалари масалаларини ҳам кўриб чиқиш зарур.

Агар делегатлар рози бўлсалар, бу таклифларнинг ҳаммасини конференциянинг махсус резолюциясида баён қилиб бериш мумкин. Аммо Советларни қайта қуришни пайсалга солиб бўлмайди.

Жумладан, шу йил куздаёқ СССР Олий Советида тегишли қонун актларини кўриб чиқиш, сўнгра эса келгуси йил баҳорида навбатдаги сайловдан кейин давлат ҳокимияти умумиттифоқ органларини қайта ташкил этиш мумкин бўлур эди.

Ваколатли демократиянинг пойдевори сифатида Советларни мустаҳкамлаб, бевосита демократияни — ишлаб чиқаришда, истиқомат жойида, гражданларнинг йиғилишлари ва йиғинларида, энг муҳим умумдавлат қарорлари ва маҳаллий қарорларни муҳокама қилиш жараёнида демократияни ҳар томонлама ривожлантириш учун шарт-шароит яратиш зарур.

Сўнгги йилларнинг тажрибаси энг катта умумдавлат қарорлари — давлат корхонаси, кооперация, мактаб ислоҳоти, соғлиқни сақлашни ташкил этиш тўғрисидаги ва бошқа лойиҳаларнинг умумхалқ муҳокамаси нақадар самарали эканини кўрсатди. Қишлоқ, район, шаҳар даражасида, айниқса одамларга яқиндан дахлдор бўлган ва якдил фикр билдирилмаган масалалар юзасидан гражданларнинг овоз бериши йўли билан ҳозиргига нисбатан тез-тез қарорлар қабул қилиш керак. Бундай ҳолларда у ёки бу муаммоларни кўпчилик ҳал қилсин.

Халқнинг социалистик ўз-ўзини бошқариши барча формаларини ривожлантиришда жуда катта резервлар мавжуд. Уларни ривожлантириш, айниқса меҳнат коллективларида кенг авж олдириш учун бизда ҳозирнинг ўзидаёқ ҳам ҳуқуқий, ҳам сиёсий, ҳам маълум даражада психологик асослар бор. Ўз тажрибамизга ҳам, социалистик мамлакатлардаги дўстларимиз тажрибасига ҳам ҳар томонлама баҳо бериб, бу соҳада вужудга келаётган, давлат органларининг айрим вазифаларини ўз-ўзини бошқарувчи у ёки бу ташкилотларга тўла ёки қисман топшириш мақсадга мувофиқлиги билан боғлиқ бўлган масалалар хусусида такрор-такрор ўйлаб кўриш керак. Энг муҳими, бу иш шаклан эмас, балки моҳиятига кўра амалга оширилсин.

Биз ҳаммамиз қайта қуриш, демократия ва ошкораликни авж олдириш шароитида ғоят хилма-хил соҳаларда меҳнаткашларнинг ташаббускорлиги намоён бўлаётганининг гувоҳимиз. Лекин очиғини айтишимиз керак, бу соҳада ҳамма нарса ҳам осонгина бўлаётгани йўқ, ўртоқлар. Мисол учун хўжалик ҳисоби асосида ишлаётган меҳнат коллективини олиб кўрайлик. У фақат ўзини ўзи бошқарадиган организм сифатидагина ўз-ўзини пул билан таъминлаш принципларида фаолият кўрсатиши мумкин. Бунинг маъноси шуки, бу ўринда умумий йиғилиш билан коллектив кенгаши, партия, касаба союз, комсомол ташкилотлари билан маъмурият ўртасидаги ўзаро алоқалар, ана шу бутун комплекснинг халқ депутатлари Советлари билан муносабати масалалари янгича қўйилмоқда

М. С. ГОРБАЧЕВ ДОКЛАДИ

(Давоми. Боши 2-, 3-, 4-, 5-бетларда).

Маҳаллийлаштиришнинг ҳамда маҳкамачиликка қарши курашнинг ғоят муҳимлигини эътироф этиш билан бирга шуни аниқ-равшан таъкидлашимиз лозимки, буларнинг маҳаллийчиликни рағбатлантириш билан ҳеч бир алоқаси йўқ. Бундай хавф жуда реал бир нарса бўлиб турибдики, бизда бу хавфга қарама-қарши қўйдирган жиддий омиллар бўлиши лозим. Марказда ўз сўзини айтиш ҳуқуқи сақланиб қолиши керак. Энг муҳими эса қуйидан, меҳнаткашлар томонидан бўладиган демократик контрол қатъиян мустаҳкамланиши шарт. Ўйлайманки, ҳаммамиз ўз-ўзини бошқаришнинг тарафдоримиз, аммо биз ўзбошимчаликка қаршимиз, маҳаллий манфаатлар ҳисобга олинишининг тарафдоримиз. Лекин бу маҳаллий манфаатлар бутун жамият манфаатлари билан албатта қўшиб олиб борилишининг ҳам тарафдоримиз. Хуллас, маҳаллийлаштиришга қаратилган йўл маҳаллийчилик ёки маҳаллий худбинлик учун йўл очиб беради, деб ҳисобловчи кишилар қаттиқ янглишган бўладилар.

Централизм билан маҳаллийлаштиришни бир-бири билан оқилона қўшиб олиб бориш муаммоси давлат корхонаси (бирлашмаси) тўғрисида, кооперация тўғрисида, якка тартибдаги меҳнат фаолияти тўғрисида қабул қилинган қонунлар муносабати билан ҳам кўндаланг бўлиб турибди. Ана шу ҳужжатларда таърифланган принциплар бошқарув вазифалари ва бошқарув органлари структурасини белгилашда асос бўлиб хизмат қилиши керак. Бу органлар энди аввалгидек меҳнат коллективларига буйруқ беролмайдиган бўлиб қолади.

Умуман, ўртоқлар, ишлоқотнинг биринчи босқичидаёқ биз шунга амин бўлдикки, хўжалик ҳисобида ишлайдиган звено, айрим меҳнат коллективи ёки кооператив даражасида демократиялаш министрликлар, территориал органлар, марказий иқтисодий идоралар даражасида бошқаришни демократиялаш билан тўлдирилмас экан, бу иш лозим даражадаги самарани бермайди.

Бу эса бошқарув органлари структурасини соддалаштиришга, соҳалари ва фаолият тармоқлари бир хил бўлган бошқарув органларини бирлаштиришга, министрликлар ва идоралар сонини қисқартиришга, ортиқча бўғинлар, оралиқ ва воситачи структураларни тугатишга қаратилган йўлни изчил амалга ошириш, демакдир.

Ўртоқлар, ҳаммамиз биламизки, қайта қуришга, жамиятни демократиялашга, бошқарув ишига халқни кенг жалб этишга оид ғоят мураккаб вазифалар ҳал қилинаётган ҳозирги кунда аппаратсиз ишимиз битмайди, биз аппарат кадрларига менсимай қарашга чек қўйишимиз керак. Бошқарув аппарати бизга зарур, аммо у ҳозиргига қараганда бошқача аппарат бўлиши керак.

Юксак профессионал билимга эга бўлган, замонавий ахборот технологиясини эгаллаган, халқ демократик тарзда контрол қилиб турадиган, иқтисодий ва социал тараққиётни олға ҳаракатлантира оладиган янги типдаги аппарат яратиш учун курашмоқ даркор. Бундай аппаратда бошқарув фани асосларини яхши биладиган кишилар ишлаши зарур. Тегишли кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлашни замонавий даражада, янгичасига йўлга қўйиш вазифаси ана шундан келиб чиқади.

Ҳозирги кунда ҳамма бўғинларда бошқарув структурасини тартибга солиш соҳасидаги ишлар бошланиб кетди. Марказда ва республикаларда министрликлар ва идораларнинг, жойларда бошқарув бўлинмаларининг бир қисми тугатилди. Бошқарувнинг янги бош схемалари кўриб чиқилиб, тасдиқланди. Шу схемаларга мувофиқ, Иттифоқ идораларининг аппарати 40 процент, иттифоқдош республикаларда ярми, автоном республикалар, ўлкалар ва областларда учдан бир қисми қисқартирилмоқда, авж олиб бораётган иқтисодий ислоҳот доирасида корхоналар ҳам ортиқча маъмурий ходимлардан халос бўла бошлади.

Аммо бу жараён силлиқ бормаяпти, қаршиликка дуч келяпти. Лекин шуни айтиш керакки, меҳнаткашлар иш суст боряпти, деб КПСС Марказий Комитетини ҳам, ҳуқуматни ҳам ҳақли равишда танқид қилмоқдалар. Ҳозир қайта қуриш бошлангандан кейин уч йил ўтгач ҳам жуда катта бошқарув аппарати сақланиб турибдики, унинг анчагина қисми жамият манфаатлари билан ҳисоблашмай ўз мавқеини сақлаб қолишга зўр бериб уринмоқда. Биз бу ўринда халқнинг мутлақо асосли талабларига биноан иш кўришимиз керак, албатта.

Бизда мавжуд бошқарув системаси самарадорлигини тубдан ошириш зарурати ҳақида сўз юритганда, бу системани яхлит олиб қараш керак. Унинг бирорта ҳам бўғини демократик янгиланиш принциплари асосига қурилган қайта қуриш жараёнидан четда қолмаслиги зарур. Бу ташқи сиёсий ва ташқи иқтисодий вазифаларни бажариш билан боғлиқ муассасаларга тўла тааллуқлидир. Мазкур муассасаларда кейинги вақтда олиб борилаётган муҳим ўзгаришлар замон руҳига мос нормал жараёндир. Давлат хавфсизлиги комитети, Мудофаа министрлиги ва бош штабнинг жамиятимизни ривожлантиришнинг, демократик жараёнларни авж олдиришнинг ҳозирги босқичида ўз фаолиятини такомиллаштириш соҳасида амалга ошираётган собитқадам ишларини ҳам қўллаб-қувватлаш керак.

Хуллас, ўртоқлар, демократиялаш жараёни марказ билан жойларнинг, сайлаб қўйиладиган органлар билан ижро органларининг тўғри нисбатини белгилаш, меҳнаткашларнинг бошқарув ишида реал қатнашувини таъминлаш йўли билан бошқарув системасини сифат жиҳатдан яхшилаш вазифасини ўткир масала қилиб қўймоқда. Бинобарин, иш соф ташкилий ўзгаришлардангина иборат эмас. Бу нарса келажакдаги ишнинг хусусиятини англаш учун жуда муҳим аҳамиятга эгадир.

5. МИЛЛАТЛАРАРО МУНОСАБАТЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

Ўртоқлар! Тенг ҳуқуқли миллатлар ва элатларнинг мамлакатимизда таркиб топган иттифоқи социализмнинг энг буюк ютуқларидан бири бўлиб қолди. Бу эса зўр ишонч билан: ленинча миллий сиёсатни изчил амалга оширишгина бундан буён ҳам тараққиётимизнинг бирдан-бир соғлом негизи бўлиши керак, деб айтиш имконини беради.

Буюк иттифоқимизнинг ташкил этилишида асос бўлган ғояларнинг ҳақлигини ҳаёт тасдиқлади: куч-ғайратларнинг қўшилиши, бирлашиши ҳар бир миллатга ва умуман жамиятга ўз ҳаракатини кескин равишда жадаллаштириш, тарихий тараққиётнинг янги марраларига чиқиб олиш имконини берди. Йўлимизда учраган барча қийинчиликларга қарамай, бугунги кунда биз бу иттифоқ вақт синовидан ўтди, деб айта оламиз. Мазкур иттифоқ ҳамма халқларимизнинг бундан буёнги ривожланиши учун ҳал қилувчи замин бўлиб қолаверади.

Маълумки, миллатлараро муносабатларни ривожлантириш масаласига Марказий Комитетнинг махсус Пленумини бағишлаш мўлжалланган. Аммо биз айни шу кунларда, конференциямизда мазкур жуда муҳим ва ўткир проблемани кўриб чиқишимиз керак. Шу ўринда бутун реал манзарани: шубҳасиз ютуқларни ҳам, конкрет социал-иқтисодий масалаларнинг ҳал қилинмаганлиги, шунингдек баъзан миллий ва умумхалқ манфаатларини бирга қўшиб олиб боришда нўноқлик қилинганлиги билан боғлиқ бўлган ҳаммага равшан нуқсонларни, камчиликлар ва қийинчиликларни ҳам кўра билиш муҳимдир.

Олдимизда республикаларо таркиб топган хўжалик ва илмий-техник алоқаларни янада ривожлантириш ва мақбул ҳолатга келтириш билан пухта шуғулланиш, Иттифоқ ичидаги меҳнат тақсимоти ва меҳнат кооперацияси афзалликларини, илмий жиҳатдан асосланган регионал сиёсатни тўлароқ амалга ошириш вазифаси турибди. Бу ўринда ошкораликнинг аҳамияти катта. Меҳнаткашлар ўз республикаси қандай ривожланаётганлиги ва у халқ хўжалик комплексида қандай ўрин эгаллаётганлигини тўла-тўкис билиб туришлари керак. Улар фақат ўз қўшниларигина эмас, мамлакатдаги барча республикалар қандай яшаб-ривожланиб бораётганлигидан ҳам хабардор бўлишлари даркор. Бу ишни шунинг учун ҳам амалга ошириш лозимки, баъзида республикаларо ўзаро муносабатлар тўғрисида ҳеч бир тўла бўлмаган ёки ҳатто бир ёқлама ахборотга асосланган гап-сўзлар ва фикрларга дуч келинади.

Агар партия конференциямиз экономика соҳасида миллатлараро муносабатлар учун ишончли йўналишлар сифатида адолат ва бир-бирига қардошларча интернационал ёрдам кўрсатиш принципларига, умумий юксалишни ҳам, мамлакатимизда яшовчи барча миллатлар ва элатлар иқтисодий ва социал турмуш шароитини яхшилашни ҳам таъминловчи ҳамжиҳатлик принципларига тарафдор эканини изҳор этса, тўғри бўлади.

Ҳозирги шароитда иттифоқдош республикаларнинг ҳуқуқлари англаб олиниши ва туб иқтисодий ислоҳотга мувофиқлаштирилиши зарур. Афтидан, мазкур республикалар, Иттифоқ фонди олдидаги ўз мажбуриятларини бажариб, моҳирона, ташаббускорлик билан хўжалик юритиш ҳисобига ўз эҳтиёжлари учун ишлаб чиқаришни ўстира олишлари мақсадга мувофиқ бўлса керак. Бу миллий муносабатларни ривожлантиришда социал адолат талабларига мувофиқ келган, олға қараган умумий ҳаракатимизни рағбатлантирган бўлур эди.

Кейинги йилларда демократиялаш ва ошкоралик жараёнида шундай муаммолар ҳам кўринди қолмоқдаки, уларнинг мавжудлиги ҳамиша ҳам етарли равишда ҳисобга олинмай келинар эди. Масалан, тил, маданият, адабиёт ва санъат, тарихий ёдгорликлар, табиатни муҳофаза қилиш билан боғлиқ масалалар шулар жумласидандир.

Кўп миллатли давлатимизнинг ривожланиши, табиийки, миллий ўзлигини англашнинг кучайиши жараёни билан боғлиқ ҳолда кечади. Бу ижобий ҳодиса, аммо мазкур ҳодиса билан боғлиқ юзага келаётган янги талабларга ҳамиша ҳам зарур даражада эътибор берилмаганлиги сабабли айрим масалалар мураккаб тус ола бошлади, қатор ҳолларда миллатчилик тусини олди.

Бу масалаларни умуман осойишта, турли суиистеъмоллар ва ҳаддан ошишларга йўл қўймасдан ҳал қилиш мумкин эди.

Кейинги вақтда биз миллатлараро муносабат масалалари қанчалик мураккаблашиб кетиши мумкинлигини ўз кўзимиз билан кўриб ишонч ҳосил қилдик. Бинобарин, халқларимиз қардошлиги ва дўстлигини кўз қорачиғидек асраш керак. Бошқача йўл, оқилона тадбирнинг ўзи йўқ, ўртоқлар. **(Қарсаклар).** Бунинг тескарисини исбот қилишга уринадиган кишиларни ҳам, бошқаларни ҳам алдайди. Бунинг устига, турли миллатларга мансуб кишиларни ўзаро тўқнаштиришга уриниш, улар орасида адоват ва нафрат уруғини сочиш — қонун у ёқда турсин, балки ўз халқи ва социалистик жамият олдида оғир масъулиятни ўз зиммасига олиш демакдир. Бундай хатти-ҳаракатлар объектив равишда демократиялаш жараёнига ҳам, қайта қуриш ишига ҳам тўсқинлик қилади.

Биз миллатлараро муносабатлар масалаларини кўп миллатли Совет давлати тараққиётининг ҳозирги босқичи нуқтаи-назаридан ҳам қараб чиқишимиз лозим. Ўзимиз тўплаган тажрибани умумлаштириш, барча қимматли ютуқлардан фойдаланиш ва айни вақтда қутулишимиз зарур бўлган ҳолларни билиб олишимиз керак. Тўғрисини айтсак, бу ишда бош қотирадиган муаммолар бор. Аввало Иттифоқ билан республикаларимизнинг ўзаро ҳамкорлигини йўлга солиб турадиган кўпгина норматив актларга баҳо беришимиз, улар ҳозирги шароитга, кўп миллатли жамиятимизнинг вазифа ҳамда талабларига, демократиянинг ривожланиш даражасига қай тарзда мос келишини баҳолашимиз зарур. Бу иш афтидан иттифоқдош, автоном республикалар, бошқа миллий давлатларнинг мавқеини, ҳуқуқ ва вазифаларини аниқлашни ҳам талаб этади.

Масалага ана шундай ёндашув асосида қуйидаги масалани ҳам кўриб чиқиш даркор. Аҳоли истиқомат жойларининг ўзгариб туриши жамиятимизга хос хусусият бўлиб, кўпгина кишилар ўз миллий давлатларидан ташқарида яшайдилар, шундай элатлар ҳам борки, улар ўзларининг территориал автономиясига эга эмаслар. Буларнинг ҳаммаси кўп миллатли давлатимиздаги мавжуд реалликлардир. Бу борада — муайян келишмовчиликлар пайдо бўлиши мумкин ва уларни ҳал этиш учун ихтиёримизда фақат биргина йўл бор. Таркиб топган Иттифоқ давлат тузилиши доирасида ҳар бир миллат ва элатнинг ҳамда бутун совет халқлари ҳамжамиятининг манфаатларини мумкин қадар ҳисобга олишни таъминлаш зарур. Бизнинг конкрет шароитимизда масалага бошқача ёндашишнинг умуман имкони йўқ, бошқа йўлдан боришга ҳар қандай уриниш ҳалокатли бўлур эди.

Масалан, Қозоғистонни олиб кўрайлик. У тараққиёт учун катта имкониятларга эга бўлган жуда улкан республика, чинакам интернационал оила бўлиб, унинг ютуқлари барча халқларимиз ҳамкорлигининг самарасидир. Бу заминни қозоқлар, руслар, украиналар, немислар, қирғизлар, татарлар, ўзбеклар, туркманлар, бошқа кўпгина миллатлар ва элатларнинг вакиллари ўзлаштириб, у ерда ягона оила бўлиб яшамоқдалар. Айни вақтда ҳеч ким Қозоғистон республикасининг яхлитлигини шубҳа остига олаётгани йўқ. Худди шундай манзарани бирон-бир даражада бошқа республикаларда ҳам кузатиш мумкин.

Бизда экономикани, умуман бутун ижтимоий турмушни интернационаллаштиришдан бўлак йўл йўқ. Бинобарин, миллий маҳдудликка ҳар қандай уриниш иқтисодий ва маънавий қашшоқликкагина олиб келиши мумкин. Масалага бизнинг социалистик ёндашувимиз бошқача: қайси миллатга мансуб бўлмасин ҳар бир киши мамлакатнинг исталган ерида амалда тенг ҳуқуқли бўлишига, ҳамма ерда ўз ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини амалга ошира олишига интилямиз.

Биз миллатлараро муносабатларни янада мустаҳкамлаш учун курашар эканмиз, Совет Иттифоқи давлатининг ривожланиши, халқларимизнинг интернационал алоқалари ва қардошлиги ҳаётбахш муттасил жараёнлар эканлигига асосланамиз. Бу жараёнлар доимо ҳам республика, ҳам Иттифоқ органларининг диққат марказида туриши керак. Бу жараёнлар билан боғлиқ муаммоларни халқларнинг ҳоҳиш-иродасига, уларнинг ўзаро розилигига таяниб ва барча совет кишиларининг манфаатларини ҳисобга олиб ҳал этиш керак.

Сиёсий тузумимиз доирасида доимий асосда миллатлараро проблемаларнинг бутун комплекси билан шуғулланадиган давлат ва жамоатчилик муассасалари бўлиши жуда муҳимдир. Аввал айтиб ўтганимдек, бу СССР Олий Совети Миллатлар Советининг асосий вазифаларидан бири бўлиб қолиши лозим.

Умуман, ўртоқлар, Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи — бизнинг муштарак ҳонадонимиздир. Бинобарин, биз, ана шу ҳонадон соҳиблари, доимо ўз ҳонадонимиз ҳақида ғамхўрлик қилишимиз, уни асраб-авайлашимиз ва обод қилишимиз, барча совет кишилари бу ҳонадонда яшаб, ўз социалистик Ватанидан фахрланишлари учун ҳаракат қилишимиз зарур. **(Давомли қарсаклар).**

Афтидан, буни конференциямиз резолюциясининг миллий муносабатларни такомиллаштириш тўғрисидаги қисмида алоҳида таъкидлаб кўрсатиш даркор.

6. СОЦИАЛИСТИК ҲУҚУҚИЙ ДАВЛАТНИ ШАКЛЛАНТИРИШ

Марказий Комитет Тезисларининг совет жамиятини изчил демократиялаш жараёни социалистик ҳуқуқий давлатни барпо этиш билан тугалланиши лозим, деган қоидаси қизиқиш уйготганлигини таъкидламасдан ўтолмайман. Қисқа қилиб айтадиган бўлсак, ҳуқуқий давлатга бериладиган таърифда асосий нарса қонуннинг устунлигини амалда таъминлашдан иборатдир. Бironта ҳам давлат органи, бironта ҳам мансабдор шахс, коллектив, партия ёки жамоат ташкилоти, бironта ҳам киши қонунга бўйсуниш мажбуриятидан халос этилмайди. Гражданлар ўз умумхалқ давлати олдида масъул бўлгани сингари, давлат ҳокимияти ҳам гражданлар олдида масъулдир. Гражданларнинг ҳуқуқлари ҳокимият ва унинг вакилларининг ҳар қандай ўзбошимчалигидан мустаҳкам ҳимоя этилган бўлиши даркор.

Қайта қуриш биздаги мавжуд ҳуқуқий тартибнинг қолоқлигини айниқса равшан кўрсатиб берди. Бу тартиб кўп жиҳатдан ҳозирча раҳбарликнинг демократик, иқтисодий методларига эмас, балки жуда кўп тақиқлар ва майда-чуйда тартибга солишларга асосланган буйруқбозлик-маъмурий методларга асослангандир. Шу боисдан ҳам ҳозир амалда бўлган кўпгина ҳуқуқий низомлар ижтимоий тараққиётга тўғаноқ бўлиб қолди. Совет қонунчилигини ислоҳ қилиш зарурати ана шундан келиб чиқади. Бу ислоҳот жуда кўп ҳуқуқий нормаларни, биринчи навбатда социалистик мулкка, планлаштиришга, хўжалик, меҳнат, солиқ, пенсия ва бошқа муносабатларга оид ҳуқуқий нормаларни қамраб олиши зарур. Қонунларни янгилашда қонун билан тақиқланмаган ҳамма нарсага ижозат берилади, деган принципга қатъий амал қилиш керак.

Суд органларининг фаолияти жуда катта аҳамиятга эга. Кўплаб кишиларнинг тақдири, улар ҳуқуқларининг ҳимоя қилиниши, қонунни бузган кишиларнинг албатта жазоланиши одил судловнинг қанчалик аниқ ишлашига боғлиқдир. Ана шундай шароитда демократиямиз системасида суднинг ролига ленинча баҳо беришни тиклаш, судьяларнинг мустақиллиги, уларнинг фақат қонунга бўйсуниши принципига қатъий амал қилиш ғоят муҳимдир. Судларнинг юқори халқ депутатлари Советлари томонидан узоқроқ, айтайлик, 10 йиллик муддатга сайланиши бунинг муҳим гарантияларидан бири бўлиши мумкин.

Жамоатчилик судга ҳурматсизлик қилганлиги учун, унинг фаолиятига аралашганлиги учун жавобгарликни кучайтиришни, суд жараёнининг томонлар рақобати ва тенглиги, ошкоралик ва очиқлик каби демократик асосларига қатъий риоя қилинишини таъминлашни, ишни ҳар қандай равишда олдиндан ҳал қилиб қўйишни, ҳаддан ортиқ қоралаб юборишни истисно этишни, айбсизлик тахминийлиги принципининг оғишмай амалга оширилишини талаб қилмоқда.

Халқ маслаҳатчилари ролини ошириш тўғрисидаги масала ҳақли равишда ўртага қўйилмоқда. Жумладан, энг мураккаб ишларни кўриб чиқишда суд маслаҳатчилари сонини ошириш тўғрисидаги таклиф диққатга сазовордир.

Шундай қилиб, ўртоқлар, биз суд соҳасида катта ислоҳот зарурлигини ҳис этиб турибмиз.

Прокуратуранинг роли ва масъулияти тўғрисида алоҳида гапириш керак. Кейинги йигирма йил мобайнида прокуратура зиммасига жуда кўп қўшимча вазифалар юкландики, булар у ёки бу даражада прокуратуранинг қонунга риоя қилиш устидан назорат этиш борасидаги вазифаларини иккинчи ёки ҳатто учинчи ўринга суриб қўйди. КПСС Марказий Комитети бундай оғишни бартараф этишни зарур деб топиб, ленинча фикрга қайтиш ва совет қонунларига ҳамма жойда аниқ тушунилган ва қўлланилган ҳолда риоя қилиниши устидан назорат этишни прокурорларнинг асосий вазифаси сифатида тасдиқлашни зарур деб топди.

Жиноий, сўнгра эса, процессуал ва ахлоқ тузатиш меҳнат қонунларини ўзгартириш соҳасида бошланган ишлар, мазкур қонунчилик нормаларини тараққиётнинг ҳозирги босқичида жамият талабларига мувофиқлаштириш жиноятчиликка қарши курашни кучайтиришнинг муҳим шартидир.

Милиция ишини яхшилашга катта эътибор бериш лозим. Кейинги икки-уч йил ичида партия комитетлари ва меҳнат коллективлари тавсиясига биноан, ўн минглаб коммунистлар ва комсомоллар — ишчилар синфи ва деҳқонларнинг вакиллари милиция ишига ўтдилар.

Бу тадбир Ички ишлар министрлиги органларини соғломлаштиришга хизмат қилади, маълумки, бу ерда ишда жиддий нуқсонларга ва афсуски, суиистеъмолларга ҳам йўл қўйилмоқда. Кадрлар билан ишлаш, уларнинг сиёсий тарбияси, юридик тайёргарлиги билан шуғулланиш ҳамда касб маҳоратини ошириш — милиция иши даражасини қатъиян оширишда бизга кўмаклашадиган асосий омилдир.

Яқин вақт ичида жиноят ишларининг асосий қисмини текшириб чиқишни Ички ишлар министрлигининг тергов аппарати тасарруфига ўтказиш ва уни маҳаллий милиция органларига бўйсунмайдиган мустақил структура қилиб ажратиш тўғрисидаги таклиф ҳам қўллаб-қувватлашга арзийди. Афтидан, бу тадбир жиноятчиликка қарши курашда, жамоат тартибини сақлаб туришда совет милициясининг имкониятларидан янада яхшироқ фойдаланиш имконини беради.

Гражданларнинг ҳуқуқларини муҳофаза қилишни кучайтириш мақсадида ўз-ўзини бошқарувчи уюшма бўлган адвокатуранинг ролини ошириш масаласини, шунингдек жиноят ва граждан ишларини кўриб чиқишда адвокатларнинг активроқ иштирокини таъминлаш тўғрисидаги масалани ўртага қўйиш тўғри бўлур эди.

Экономикамизнинг хўжалик ислоҳоти принципларига ўтиши муносабати билан Советлар, министрликлар, идоралар, хўжаликлар ва бошқа ташкилотларнинг юридик хизматини, давлат арбитражи органларини анча мустаҳкамлаш лозим. Ишлаб чиқариш алоқалари тобора кўпроқ равишда шартнома муносабатлари асосига қуриладиган хўжалик ҳисоби ва ўзини ўзи бошқариш шароитида юридик хизматнинг пухта ишлаши биринчи даражали аҳамиятга эга бўлади. Бунингсиз қайта қуриш давомида пайдо бўладиган жуда кўп ҳуқуқий масалаларни ва бошқа масалаларни тўғри ҳал қилиш тўғрисида гапириш мумкин эмас.

Белгиланаётган ҳуқуқий ва суд ислоҳоти (бу ислоҳотнинг асосий йўналишларини конференциямизнинг алоҳида резолюциясида белгилаб бериш таклиф этилади) шубҳасиз, кадрлар билан жиддий равишда таъминлашни талаб қилади. Бу ўринда юристлар тайёрлаш ва уларни қайта тайёрлаш махсус программасини ишлаб чиқиш зарур. Айни бир пайтда юридик кадрлар моддий таъминотининг етилган масалаларини ҳам ҳал қилиш лозим.

Юридик умумий таълимни мактабдан бошлаш, уни техникумлар ва олий ўқув юртларида, корхоналар ва муассасаларда давом эттириш керак. Моддий манфаатдорликни ошириш, хўжалик ҳисоби шароитининг ўзи ҳам меҳнаткашларнинг кенг оммаси ҳуқуқ билимлари асосларини ўрганишларига, мамлакатимизда ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлашга кўп жиҳатдан кўмаклашади, деб ўйлайман.

7. СИЁСИЙ СИСТЕМАДАГИ ЖАМОАТ ТАШКИЛОТЛАРИ

Жамиятдаги турли социал табақалар манфаатларини ифодалайдиган жамоат ташкилотлари совет сиёсий системасининг муҳим таркибий қисмидир. Социалистик қурилиш тарихида касаба союзлари, комсомол, кооперация, хотин-қизлар ташкилотлари ва бошқа ташкилотлар муҳим роль ўйнади. Ҳозир ҳам улар ўз фаолиятини активлаштириш, жамиятни революцион янгилашга қўшаётган ҳиссаларини кўпайтириш йўлларини изламоқда. Лекин жамоат ташкилотларида — улар қанчалик хилма-хил бўлмасин — қайта қуриш секин ва оғир кўчмоқда. Партия ва давлат органларининг раъйига қараб ишларни эскича олиб бориш одати жуда кучли.

Мамлакатдаги умумий муҳит, қабул қилинган бир қанча сиёсий қарорлар ва қонун актлари жамоат ташкилотларига қайта қуриш жараёнида ўз ижодий имкониятларини янада дадиллик билан ишга солиш имконини беради. Кези келганда шуни айтиш керакки, касаба союзлари ҳуқуқлари тўғрисидаги, ёшлар ҳақидаги, кўнгилли жамиятлар, ташаббускор жамоат органлари ва ташаббускор жамоат бирлашмалари тўғрисидаги қонунлар қабул қилиниши лозим бўлган навбатдаги қонунлардир. Бинобарин, ҳозир жамоат ташкилотлари фаолиятини янги шароитга мослаб қайта қуриш учун яхши замин вужудга келтирилган.

Аммо гап фақат қарорлар ва қонун актларида эмас, албатта. Энг муҳими, гап жамоат ташкилотларининг ўзлари ҳозирги босқичдаги ўз роли ва ўрнини қандай англаб олишида. Чамаси, биз конференциямизда жамоат ташкилотлари фаолиятини кучайтириш билан боғлиқ бўлган муаммоларни ҳар томонлама муҳокама қилишимиз лозим. Шу муносабат билан ўз фикримни айтиб ўтмоқчиман.

Аввало касаба союзлари тўғрисида гапираман. Равшанки, уларнинг мустақиллигини ҳурмат қилиб, ўз ишини қандай қайта қуриш тўғрисида уларга аниқ рецепт бермаслигимиз керак. Бунинг устига касаба союзларининг XVIII съездида ҳам шу ҳақда гап борди. Энг муҳими — касаба союз ташкилотлари ҳаётининг ўзини демократиялаш ҳамда жамиятни демократик жиҳатдан янгилаш жараёни айниқса меҳнат коллективлари даражасида келтириб чиқараётган янги вазиятни улар ҳисобга олишларидир.

Ҳозир давлат органлари бажараётган баъзи вазифаларни жамоат ташкилотларига топшириш учун қулай истиқбол вужудга келмоқда. Касаба союзлари ўзини ўзи бошқариш асосларини қучайтиришнинг фаол тарафдорлари бўлишини кутишга ҳақлимиз. Меҳнат коллективларининг ўзини ўзи бошқариш касаба союзларининг меҳнаткаш инсон демократик ҳуқуқларини ҳимоя қилиш каби вазифасининг аҳамиятини ошириши. Касаба союзлари демократизм фойдасига тағин ҳам дадилроқ ҳаракат қилиб одамларнинг кайфиятларига кучлироқ таъсир ўтказишлари, қолоқликни бартараф этишда уларга ёрдам беришлари, коллектив ва жамият ишларини бошқаришга меҳнаткашларни кенгроқ жалб этишлари мумкин.

Касаба союзларининг биринчи навбатда меҳнат муҳофазаси, хавфсизлик техникаси, социал страхование, одамларнинг дам олиши ва турмушини ташкил этиш соҳасида меҳнаткашларнинг социал-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилишларининг аҳамияти камаймайди, балки тобора кўпаяверади, албатта. Бинобарин, иқтисодий ислоҳотни амалга оширишда касаба союзлари ўз реал жойларини топиб, янада актив роль ўйнашлари лозим. Зеро ишчилар синфининг, барча меҳнаткашларнинг турмуш шароитларини фақат шу йўл билангина анча яхшилашга эришиш мумкин.

Касаба союз ташкилотлари ва бошқа жамоат ташкилотлари давлат ҳокимияти олий органида бевосита ўз вакилларига эга бўлишлари уларнинг ролини оширади.

Ҳозир биз совет кишиларининг барча авлодлари қайта қуриш ғояси теварагида бирлашаётганлигини кўриб турибмиз. Қайта қуриш ғоялари социалистик тараққиёт дастлабки ўн йилликларининг барча оғирликларини ўз елкасида кўтарган, Улуғ Ватан урушида мамлакат мустақиллигини ҳимоя қилган, урушдан кейинги йилларда мамлакатни юксалтирган катта ёшдаги кишиларнинг манфаатларига ҳам, эндигина онгли ҳаётга қадам қўяётган, Ватанимизни тараққиётнинг янги марраларига олиб чиқиши лозим бўлган кишиларнинг манфаатларига ҳам баравар мос келади. Умумий тарихимизда ҳар бир авлод ўз сўзини айтиши керак. Биз ҳаммамиз шу тарихнинг иштирокчилари ва бунёдкорларимиз. Бироқ Совет ҳокимияти йилларида тўпланган ўша улкан иқтисодий, илмий-техника, интеллектуал потенциали айни ёшлар тўла намоён этишлари, уни кўпайтиришлари, қайта қуришнинг буюк мақсадларини турмушда мужассамлаштиришлари керак. Ёшлар умумхалқ курашининг шунчаки иштирокчиси бўлибгина қолмай, унинг зарбдор, ташаббускор кучига тобора кўпроқ айланаётганликларини кўриб турибмиз.

Совет ёшларининг сиёсий ва меҳнат потенциали жуда катта. Лекин сўнгги ўн йилликларда ёшлар билан иш олиб боришда йўл қўйган жиддий камчиликларимизни қатъий бартараф этиш билангина ана шу потенциални тўла рўёбга чиқариш ва ёшларнинг куч-ғайратини қайта қуриш ишига сафарбар этиш мумкин бўлади. Ўша ўн йилликларда ёшлар шанига баландпарвоз гаплар кўп гапирилди, лекин ёшларни ҳаётга тайёрлашда, уларни жамиятнинг сиёсий ва иқтисодий соҳаларига жалб этишда реал қадамлар етишмади.

КПСС Марказий Комитети бу масала хусусида комсомол Марказий Комитети ва комсомол ташкилотлари билдирган тўғри мулоҳазаларни маъқуллайди.

Биз КПСС, давлат ҳозирги шароитда ёшларга нисбатан пухта ўйланган, яхлит сиёсатга эга бўлиши керак деб ҳисоблаймиз. Шу билан бир вақтда, бу сиёсатни амалга оширишнинг юридик, иқтисодий ва сиёсий механизмлари ҳам ишлаб чиқилиши лозим. Партия, давлат органлари, барча жамоат ташкилотлари фаолиятининг алоҳида йўналиши бўлмиш ана шу сиёсатнинг моҳияти — ёшларга ўз режалари ва ғайратларини янада тўлароқ намоён қила оладиган, социализм манфаатлари йўлида ўз ижодий потенциалини ривожлантириб амалга оширадиган шарт-шароитларни ва стимулларни яратиб беришдан иборат.

Биз ёшларга нисбатан амалда тўла сиёсий ишончни намоён этишимиз, ёшлар билан муомала типининг ўзини ўзгартиришимиз — «оталар»нинг «болалар»га нисбатан панднасиҳат муомаласи ўрнини мулоқот-муомала олиши керак. Агар биз ёшларнинг ишончини батамом қайта тиклашни истаётган эканмиз, улар билан сўзлашишни, тенгма-тенг, рўйрост, виждонан гаплашишни ўрганиб олишимиз ва бунда бизга фақат ҳақиқатгина ёрдам беришини ёдда тутишимиз лозим. Ҳақиқат қанча бўлса, ишонч ҳам шунча бўлади. **(Қарсаклар).**

Биз ёшларни идеалларимизга эришиш йўлидаги курашда фидокор бўлишга ўргатишимиз керак. Лекин биз айни вақтда қувончли, жозибадор ва беками-кўст турмуш шароитларини ҳам яратиб беришимиз лозим. Ўртоқлар, мана шуларнинг ҳаммаси тўғрисида гапира туриб, шуни равшан қилиб айтмоқчиманки, гап ёшлар билан қандайдир тилёғламалик билан муомала қилиш ҳақида, васийлик ва ҳамма нарсани кечиришнинг янги формалари тўғрисида бораётгани йўқ. Қолаверса, буни ёшларнинг ўзлари ҳам рад этмоқдалар. Йўқ, биз муносабатларни ишонч, ўртоқлик, ҳурмат қилиш, ўзаро талабчанлик ҳамда социалистик жамиятимизни янгилаш вазифаларини ҳал этишда фаол баҳамжиҳат ҳаракат қилиш принциплари асосида қуришимиз лозим.

Худди шу муносабат билан комсомолнинг ҳозирги роли тўғрисидаги масала ҳам жуда катта аҳамиятга эгадир. ВЛКСМ — Совет ёшларининг сиёсий ташкилоти бўлиб, у партия раҳбарлигида ишлайди. Ёшларни коммунист бўлишга тайёрлаш, Коммунистик партия сиёсатини амалга оширишда фаол қатнашиш тўғрисидаги Ленин кўрсатмалари ҳозир ҳам унинг фаолиятидаги бош вазифадир.

Биз ҳаммамиз комсомолнинг йигит ва қизларни коммунистик руҳда тарбиялаш мактаби, ижодкор, ташаббускор кишилар қўллаб-қувватланадиган, ўз позицияларини изҳор этишда ошкоралик, рўй-ростлик, мунозаралилик ёшларнинг манфаатларини амалда рўёбга чиқариш, уларни социал ва иқтисодий ўзгартишларга фаол жалб этиш билан қўшиб олиб бориладиган чинакам демократия мактаби, новаторлик ташкилоти бўлиб қолишини истаймиз. ВЛКСМнинг ҳеч бир монесиз иш олиб бориш, юқоридан кўрсатмаларни кутиб турмай, ёшларнинг ғайрат-шижоати ва ташаббуси потенциалини тўла-тўкис рўёбга чиқариш имконияти тўғрисида гап боряпти.

Партия комитетларига келганда эса шуни айтиш керакки, улар комсомолнинг ташкилий жиҳатдан мустақиллигини, союз ички ҳаётининг истисносиз барча масалаларини мустақил ҳал қилиш, партия сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда иштирок этиш, партия, совет ва хўжалик органларида ёшларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш ҳуқуқини ҳурмат қилиш ва уларга риоя этишлари лозим. Қайта қуриш Советларда, касаба союзлари ва бошқа жамоат ташкилотларида ёш авлод вакилларининг кўпроқ бўлишларини, ёшлар бошқарув фанини эгаллашларини, давлат ва жамоат ишларини дадиллик билан ўз қўлларига олишларини талаб қилмоқда.

Ўртоқлар, кўз олдимизда янги авлод — қайта қуриш авлоди камол топмоқда ва шаклланмоқда. Янги ўринбосарларни тайёрлаш партиямизнинг, бутун жамиятимизнинг энг масъулиятли вазифасидир. Бу шу қадар муҳим масалаки, бу масала яқин вақт ичида партия Марказий Комитетининг Пленумида махсус муҳокама қилиниши лозим.

Социал манфаатлар муаммоси муносабати билан давлат аҳамиятига молик яна бир масалага тўхталиб ўтмоқчиман. Бу хотин-қизлар масаласидир. Бизда хотин-қизлар масаласи узил-кесил ҳал этилган, деб кўп марта гапирилган. Ҳақиқатан ҳам биз хотин-қизлар эркаклар билан тенг ҳуқуқлилигини эълон қилдик, деярли барча касбларни

М. С. ГОРБАЧЕВ ДОКЛАДИ

(Боши 2-, 3-, 4- 5-, 6-бетларда).

III. КПСС раҳбарлик фаолиятини ва ички турмушини демократиялаш

Ўртоқлар! Қайта қуришни амалга оширар эканмиз, биз партияга, ана шу революцион жараёнда унинг ўрни ва ролига фикри-зикримизни яна ва яна қаратамиз.

Шу нарса диққатга сазоворки, партиянинг фаолияти ва унинг раҳбарлик ролига оид масалалар кейинги вақтда жамиятимизнинг эътибор марказида турибди. Бу эса халқ қайта қуриш жараёнини, истиқболдаги умидларини партия билан боғлаётганлигини яққол тасдиқловчи далиллардан биридир. Ҳатто партиянинг буткул ички проблемаларига ҳам бутун халқ манфаатдорлик билан қарай бошлади.

КПСС 1985 йил апрель ойида янги йўлни таклиф қилиб, худди шу йўл жамиятнинг программавий мақсадларини ифодалашни, худди шу партия мамлакатни янгиланиш йўлидан олиб бора оладиган сиёсий куч эканлигини тасдиқлади. Партия кризисолди вазиятининг ва турғунлик ҳодисаларининг сабабларини дадил очиб ташлаб, вужудга келган аҳвол учун масъулиятни ўз зиммасига олди. Ў ўз фаолиятига, раҳбарлик методларига холисона назар ташлаб, онгли равишда жамият танқидини ўзига қаратди.

КПСС XXVII съездида ва айниқса Марказий Комитетнинг 1987 йил январь Пленумида умуман жамиятдагина эмас, балки партиянинг ўзида ҳам кейинги ўн йилликларда рўй берган салбий жараёнлар танқидий таҳлил қилинди. Биз: чинакам демократик ташкилот сифатида тузилган, жон-тани билан меҳнаткаш халқ партияси бўлган КПСС нима учун Сталин шахсига сиғиниш билан боғлиқ бўлган социализмнинг бузилиш жараёнига тўсқинлик қила олмади? Нима учун ленинизм принципларидан чекинилганлигини очиб ташлаб ва қоралаб, кейинчалик юзаки ўзгаришлар билангина чекланиб қолди ва бунинг натижасида мамлакат ривожланишида шу қадар жиддий турғунлик ҳодисаларига йўл қўйилди? — деган принципиал саволларга жавоб беришимиз керак эди.

Бу саволларга жавоб, аввало, шундан иборатки, партиянинг ўзида, унинг фаолияти мазмунида ва меҳнаткашлар билан алоқаларида муайян бузилишлар рўй бериб, бу нарса аввал бошданоқ унга хос бўлган. Ленин ва унинг сафдошлари узоқ йиллар давомида сарфлаган куч-ғайрат туфайли вужудга келган кўпгина демократик-большевистик анъаналарнинг йўқотилишига олиб келди.

КПСС XXVII съезди партия ишини тубдан қайта қуриш вазифасини қўйиб, эътиборни партия ички турмушини демократиялашга қаратди. Ҳақиқат сабоқлари сафларимизда онгнинг ва покланиш жараёнининг ўсишига далда берди. Коммунистлар, партия ташкилотлари, партия матбуоти жамиятда ўзларини кўпроқ ғайрат билан намоён қила бошладилар, етилган масалаларни дадил қўйиб ҳал эта бошладилар.

Янгиланиш жараёни қийинчиликлар билан бўлса-да ортиб бораётир. Аммо биз партия турмушидаги ҳақиқатан ҳам чуқур ўзгаришларни қайд қилар эканмиз, ҳали ҳамма ишлар йўлга тушиб кетмаганлигини айтмасак, тўла самимий иш тутмаган бўламиз. Партиянинг ҳамма ташкилотлари ҳам ўз ишларини янги талаблар асосида қайта қураётганлари йўқ. Партия ходимларининг ва ҳатто комитетларнинг бир қисми консерватив позицияларда турибдилар. Кўпгина кишиларга ишнинг янги методларини, ошкоралик ва демократия вазиятида ҳаракат қилиш маҳоратини эгаллаш осон кўчмаётир.

Ҳа, аҳвол шундай.

Лекин мен конференция делегатларига, бутун халққа энг асосий гапни айтмоқчиман — партиянинг раҳнамолик фаолияти бўлмаса, унинг сиёсий йўли амалга оширилмаса, қайта қуриш вазифаларини ҳал этиб бўлмайди. Акс ҳолда қайта қуриш сиёсий жиҳатдан ҳам, идеологик жиҳатдан ҳам, ташкилий жиҳатдан ҳам барбод бўлади. **(Гулдурос қарсаклар).**

Ҳозирги бурилиш босқичида КПСС жамиятнинг раҳбар кучи сифатидаги функциялари ва вазифаларини тўла ҳажмда амалга ошириши керак. Аммо унинг сиёсий раҳбар бўлишдек худди ана шу ҳал қилувчи аҳамияти ҳозирги шароитда партия фаолиятининг конкрет мазмунини асосли тарзда муҳокама қилишни тақозо этади.

1. ПАРТИЯ ИЧКИ ДЕМОКРАТИЯСИНИ ТЎЛА-ТЎКИС ТИКЛАЙЛИК

Бунда энг муҳим нарса нима? Тезисларда КПСС Марказий Комитетининг принципиал позицияси айтилган. Уни эслатиб ўтаман: «Партия марксизм-ленинизм таълимотига асосланиб, ижтимоий тараққиёт назарияси ва стратегиясини, ички ва ташқи сиёсатни ишлаб чиқиши, социалистик янгиланиш идеологиясини шакллантириши, омма орасида сиёсий ва ташкилотчилик ишларини, кадрларни тарбиялаш ва жой-жойига қўйиш ишларини олиб бориши зарур».

КПССнинг сиёсий авангард сифатидаги вазифаларини биз аниқлаб олганмиз. Аммо бу вазифалар амалга оширилиши учун партия бошланғич ташкилотдан то Марказий Комитетгача ўз фаолияти, иш услуби, методи ва формаларини қайта қуриши лозим. Ҳар бир коммунист партия сиёсатини амалга ошириш учун халқ манфаатлари учун ҳақиқатан ҳам курашчи бўлиши керак.

Биз нима учун ўзимиздан норозимиз? Партиявий хонадонимиздаги ишларнинг аҳволини нима учун жиддий танқид қилаётирмиз? Шуни англаб олишимиз муҳимдир. Хўш, гап нимада?

Гап, аввало шундаки, КПСС қурилиши ва фаолиятига асос қилиб олинган демократик централизм принципи муайян босқичда кўп жиҳатдан бюрократик централизм билан алмаштирилган эди. Бу нарса, аввало, шу сабабли рўй бердики, бошланғич партия ташкилотлари, оддий коммунистлар кўп жиҳатдан партия фаолиятининг мазмунига таъсир кўрсатишда реал имкониятлардан маҳрум бўлиб қолдилар. Ленининг барча партия органлари, уларнинг кадрлари партия оммасининг доимий контроли остида бўлиши керак, деган жуда муҳим талаби жиддий равишда бузилиб келди. Партиядаги кўпгина салбий ҳодисалар, шунингдек сайлаб қўйиладиган органлар ролининг заифлашганлиги, барча даражаларда аппарат ролининг беқиёс ортиб кетганлиги билан ҳам боғлиқдир.

Яна бир гапни айтиб ўтиш керак. В. И. Ленин бизнинг партиямизни маслакдошлар ташкилоти тарзида тузган бўлиб, барча проблемаларни эркин муҳокама қилиш ва қарор қабул қилинганидан кейин ҳаракат бирлигини таъминлаш партия турмушининг қонуни эди. Аммо буйруқбозлик-маъмуриятчилик системаси қарор топиши билан партиявий биродарлик вазияти ўрнини аста-секин буйруқларга ва ижрога асосланган муносабатлар, партия аъзоларининг бошлиқлар ва бўйсунувчиларга бўлиниши, коммунистлар тенглиги принципининг бузилиши эгаллай бошлади. Бундай аҳволга муросасиз бўлиш кераклиги аҳён-аҳёнда тан олиниб турган бўлсада, ҳаётда ҳамма нарса эскичасига қолаверди.

Марказий Комитетнинг 1964 йил октябрь Пленуми ҳам аслида партия турмушининг ленинча принциплари ва нормаларини тиклаш шиори остида ўтганлигини эслайлик. Реал жараёнлар эса бошқа томонга бориб юборилди ва турғунлик йилларида баъзан жуда хунук тус олди. Бошланғич партия ташкилотлари, сайлаб қўйиладиган органларнинг аъзолари фаоллигига кадрларни алмаштириб туриш жараёнининг тўхтатиб қўйилганлиги ҳам таъсир кўрсатди — коммунистларнинг бутун-бутун авлодлари партия турмушида чинакамига иштирок эта олмадилар. Иккинчи томондан, узоқ йиллар давомида раҳбарлик лавозимида қолиб келганларнинг кўплари ўзларини хатога йўл қўймайдиган ва тенги йўқ кишилар деб ҳисоблай бошладилар. Сайлаб қўйиладиган кишилар ва партия аппарати каттагина қисми масъулиятининг пасайганлиги, уларнинг партиявий оммадан, меҳнаткашлардан ажралиб қолганлиги кўпинча сиёсий ва ахлоқий тубанлик билан тугаганлигини биз энди яхши биламиз. Қайта қуриш жараёнида фош этилган ҳокимиятни суиистеъмол қилиш, ахлоқий бузилишдан иборат шармандали фактларнинг илдизи худди ана шунда эди.

Мен бундай ҳодисалар ҳақида таассуф билан гапираётибман. Улар партия ва унинг ташкилотлари фаолиятига оғир таъсир кўрсатди. Ишнинг ана шу томонини биз ҳеч қачон унутмаслигимиз керак. Аммо унинг бошқа томони — биз учун айниқса муҳим томони ҳам бор. Ана шу ҳамма йиллар давомида миллионлаб партия аъзолари ва минглаб партия кадрлари объектив ва субъектив жиҳатдан мураккаб шароитларда ўз партиявий ва граждан лик бурчларини ҳалол бажариб келдилар. Улар революция байроғини муносиб тарзда олға элтиб, ўз участкаларида мамлакатни ривожлантириш учун, социализм учун қўлларидан келган ҳамма ишларни қилдилар. Кўпгина раҳбар кадрларимиз, хўжалик ходимлари ва мутахассисларимиз, олимлар, маданият арбоблари ҳақида ҳам худди шу гапни айтиш мумкин.

Партиявий муҳитда ленинча анъаналар чуқур илдиз отиб яшади. Ҳеч нарсага қарамай, худди шу партиянинг ўзида социал-иқтисодий сиёсатда кескин бурилиш ясашга ва қайта қуриш, янгиланиш йўлини бошлаб беришга қодир бўлган кучлар тўпланди ва шаклланди.

Марказий Комитетнинг апрель Пленуми КПССни демократиялашни, унинг иши ошкора бўлишини ва аввало, бошланғич партия ташкилотлари фаолиятида, партиянинг сайлаб қўйиладиган органлари ишида партия ҳаёти ленинча нормаларининг тўла-тўкис тикланишини қатъият билан ёқлаб чиқди.

Бу хусусда Марказий Комитет Тезисларида айтилган мулоҳазалар партиядагина эмас, балки умуман жамиятда жўшқин мунозара келтириб чиқарди. Барча совет кишилари, ҳар бир коммунист, ҳар бир бошланғич партия ташкилоти, ҳар бир партия комитети ҳақиқатан ҳам жўшқин сиёсий куч бўлишларидан манфаатдордирлар: конференция арафасидаги мунозараларда партия йиғилишларининг роли ҳақидаги, партия ташкилотлари ва партия комитетлари, ҳар бир коммунист фаолиятининг формалари ҳақидаги масалалар янгича қўйилди. Бунинг сабаби маълум, чунки худди шу бошланғич партия ташкилоти ҳар бир меҳнат коллективининг таркибий қисми бўлиб, жамият турмушида партия доимо иштирок этаётганлигининг тимсолидир.

Шу мақсадда партияда принципиаллик, ошкоралик, мунозаралар, танқид ва ўз-ўзини танқид, онгли интизом, партиявий биродарлик ва қатъий шахсий масъулият, ишчанлик вазиятини тўла-тўкис тиклаш керак. Партия ташкилотларидаги жараён ҳозир худди шу йўналишда авж олдирилаётир, зотан конференциянинг вазифаси ҳам ана шу жараёнларни қатъиян қўллаб-қувватлаб, улар учун чексиз майдон очиб беришдан иборат.

Эндиликда ишлаётган жойидаги ишларнинг аҳволи учун, қайта қуришга шахсий ҳиссаси учун, ўз коллективининг фаолияти учун ҳар бир коммунистнинг масъулияти ҳақидаги масалани янгичасига қўйиш лозим. Бу яна шунинг учун ҳам муҳимки, уларнинг кўплари ҳамон: қайта қуриш бошланғич партия ташкилотларига етиб келгани йўқ, — деб шикоят қилишмоқда. Хўш, бунинг учун ким айбдор? Келинглар, масалага аниқлик киритиб олайлик.

Қайта қуришга қаратилган сиёсий йўл съездда белгиланди ва маъқулланди. Ишнинг энг муҳим йўналишлари Марказий Комитет Пленумларининг қарорларида баён этиб берилди. Турмушнинг турли соҳаларига оид қонунлар қабул қилинди. Партияда ва жамиятда ошкоралик вазияти вужудга келтирилди, ташаббус, мустақиллик, гражданлик позицияси табрикланаётир ва рағбатлантирилаётир.

Кўпгина коммунистлар, комсомоллар ва партиясизлар ўз қалбларининг амри билан социалистик янгиланиш учун курашнинг турли участкаларида актив иш олиб бораётирлар. Баъзилари эса ниманидир кутиб ўтиришибди. Эски касал: кўрсатма кутиш иллати ўз таъсирини кўрсатаётир. Кўрсатмалар бор-ку, ўртоқлар, коммунистларни қўлидан етаклаб юриш ярашадими, ахир.

Тезисларда кўтарилган партия сафларининг ўзига хос кўригини ўтказиш ҳақидаги масала худди шу муносабат билан ғоят муҳим аҳамиятга эгадир. Ҳозир ҳар биримиздан қайта қуриш вазифаларини амалга ошириш соҳасида иш қилиш, реал ҳаракатни амалга ошириш талаб этилади. Бугунги кунда коммунистларнинг авангардлик роли иш билан исботланиши керак, ўртоқлар. **(Қарсаклар).**

Марказий Комитет коммунистларнинг ижтимоий-сиёсий аттестациясини ўтказиш фикрини айтди. Биз бу таклифга принцип жиҳатидан маъқулловчи муносабатни ҳис қилиб турибмиз.

Тўғри, икки хилдаги хавфлар ҳам айтилаётир. Баъзи кишилар аттестация ҳеч қандай натижа бермайди. Бунинг ўрнига партияни тозалаш, ортиқча юкдан қутулиш керак, деган фикрни айтишяпти. Биз Марказий Комитетдагилар қайта қуриш ва демократиялаш шароитида бундай ёндашиш тўғри бўлмайди, деб ҳисоблаймиз. Бунинг яна бир сабаби бор. Яқиндагина активлиги унча бўлмаган, партия ташкилоти билан алоқаси узилиб қолган, ана шундай ортиқча юк ҳисобига қўшиб қўйилган кишиларнинг кўплари бугун ҳаётда ўз ўринларини топиб олишга ҳаракат қилмоқдалар. Партиядош ўртоқларга ниҳоятда ҳурмат билан муносабатда бўлмоқ керак. Биронта софдил ходимни қайта қуришдан четда қолдириб бўлмайди — келинглар, ана шу фикрдан келиб чиқайлик. Бу ленинчасига, большевикчасига ёндашиш бўлади. **(Қарсаклар).**

Бошқалар эса аттестация ўч олишга ўз ғаразли манфаатларини кўзлаётган айрим группаларга мақбул бўлмаган ҳозирги пайтда актив позицияда турган кишилардан қасос олишга айланиб кетмаса эди, деб чўчимоқдалар.

Агар бу жиддий ишга жиддий муносабатда бўлинса, у ёки бу хавфсирашлар беҳуда бўлади, деб ўйлайман. Биз партиянинг ўзини мусаффо қилиш ғоясини ўртага қўяр эканмиз, аттестация қандайдир махсус «учлик» ёки «бешлик» иштирокида, яширинча текшириш ва махфий характеристикалар тузиш асосида эмас, балки Устав нормаларига мувофиқ, нормал демократик жараён доирасида, очиқ партия йиғилишларида ўтказилиши керак, деб умид қиламиз. Аттестация жараёнининг ўзи коммунистлар учун тарбия мактаби бўлиб, улар ана шу мактабдан қайта қуриш ҳаммамизнинг олдимизга қўйган муштарак мақсадлар ва вазифалар бирлаштирган партиявий ўртоқлик ришталари билан мустаҳкамланиб чиқишлари лозим.

Яна бир ғоят муҳим масала — партияга қабул қилиш масаласидир. Партия учун ҳаётий муҳим ҳисобланган бу масалага ҳар қандай разнарядкалар, бюрократик ёндашувлардан қатъий халос бўлишимиз керак. Партия сафига кирувчи кишилар фазилатларига баҳо беришда асосий мезон — уларнинг позицияси ва қайта қуришдаги реал иштирокидир. Бу талаб ҳаммага — ишчиларга ҳам, деҳқонларга ҳам, зиёлиларимизнинг намояндаларига ҳам тааллуқли бўлиши зарур.

Одамлар меҳнат коллективида ўзларини ҳамма жойдагидан тўлароқ намоён қилишларини биз ҳаммамиз яхши биламиз. Партияга ким қалб амри билан кираётганини ва ким шахсий манфаат кўзлаётганлигини шу коллективда ажратиб олишади.

Партияга кириш учун энг яхши одамларни бевосита меҳнат коллективлари тавсия қилсинлар, деган таклифлар тушаётир. Партияга қабул ҳақидаги аризаларни аввал меҳнаткашларнинг йиғилишларида муҳокама қилиш мақсадга мувофиқ эканлигини тажриба тасдиқлаб турибди. Ўз-ўзидан маълумки, коммунистлар КПСС аъзолигига қабул қилиш чоғида коллектив фикрини эътибор билан кўриб чиқишлари керак.

Энди партиянинг сайлаб қўйиладиган органлари ҳақида. Бу соҳада биз кўп нарсаларни ўзгартиришимиз, ўзгартирганда ҳам тубдан ўзгартиришимиз лозим. Аввало, сайлаб қўйиладиган органларнинг коммунистларнинг ваколатли вакиллари сифатидаги обрўсини қайта тиклаш лозим. Секретарлар ҳам, бюролар ҳам ва айниқса партия аппарати ҳам сайлаб қўйиладиган партия органининг контроли остида бўлиши керак. Бундан буён бюро аъзолари ёки партия аппаратининг ходимлари сайлаб қўйиладиган комитет аъзоларига нисбатан буйруқбозлик қила оладиган вазият ҳеч қачон вужудга келмаслиги керак.

Партия комитетлари муҳокамасига янги шароитда партиянинг авангардлик ролини амалга ошириш, унинг омма орасидаги ташкилотчилик ва сиёсий иши билан боғлиқ энг йирик принципиал масалалар киритиладиган бўлиши ҳам ниҳоятда муҳим масаладир.

Коммунистларнинг партия йиғилишлари кун тартибига ўнлаб майда, аҳамиятсиз ишларнинг киритилишидан иборат практикага қатъиян чек қўйиш зарур. Масалаларни тайёрлаш ва муҳокама қилиш жараёнида тадбирбозлик, дабдабавозлик ва гапвозликдан асар ҳам бўлмаслиги керак. Сайлаб қўйиладиган барча органларда ошкоралик, танқидий ёндашиш, ишчанлик вазияти ҳукмрон бўлиши лозим. Партия аппарати фаолиятига ҳам ана шу хислатлар хос бўлиб, ишда кабинетбозликни ва беҳуда махфийликни истисно қилиши лозим.

Айтилган гапларнинг ҳаммаси партия ва жамиятда алоҳида ўринни эгаллаб турган КПСС Марказий Комитети фаолиятига ҳам тўла-тўкис таллуқлидир. Съездлар ўртасидаги даврда ички ва ташқи сиёсатнинг энг муҳим масалалари худди шу ерда ҳал этилади. Марказий Комитетнинг қандай ишлаётганлиги, қандай масалаларни муҳокама этаётганлиги, қандай қарорлар қабул қилаётганлиги, унинг фаолиятидаги муҳит қанчалик демократик эканлиги бутун партия учун, бутун жамиятимиз учун ғоят катта аҳамиятга эга.

Марказий Комитетда кўп йиллар давомида аҳвол қандай бўлганлиги ҳақида Марказий Комитетнинг январь Пленумида гапириб ўтган эдик. Такрорламасдан шунигина айтмоқчиманки, агар мамлакатга раҳбарликнинг етилган проблемалари ўз вақтида ва пухта ўйлаб ҳал этилганида, агар партия Марказий Комитетининг иши ҳамиша тўлақонли ва демократик руҳда бўлганида эди, кўпгина нуқсонларнинг олдини олиш мумкин бўлур эди.

Ҳозир, айниқса партия XXVII съездидан кейин вазият ўзгара бошлади. Мен шундай дейишим мумкин: Марказий Комитет тикланиб, куч йиғаётир. Марказий Комитет Пленумлари ҳозир бошқача ўтаётир. Шундай бўлса-да, биз баҳо беришда ҳали эҳтиёт бўлишимиз, муболағаларга берилиб кетмаслигимиз керак.

Марказий Комитет аъзоларининг ўз жойларидагина эмас, балки умумпартия қарорларини тайёрлаш, муҳокама қилиш ва қабул этиш жараёнида ҳам актив ишлаши энг муҳим проблемадир. Мен бу ҳақда гапирар эканман, муайян тажрибани назарда тутяпман. Кейинги Пленумлар арафасида Марказий Комитет аъзолари партия комитетининг секретарлари билан олдиндан маслаҳатлашиб олиш, кун тартибига оид ҳужжатларни юбориш ва шу сингарилар таомилга кирди. Буларнинг ҳаммаси Марказий Комитет аъзоларининг активлигига ҳам, қабул қилинаётган қарорлар сифатига ҳам таъсир кўрсатди. Бу, аслида, ишда хатоларга йўл қўйилишига қарши муайян гарантия ҳамдирки, бундай хатолар нақадар қиммат тушиши маълум.

Пленумлар ўртасидаги даврда ва Пленумларнинг ўзида ишни ташкил этишнинг янги формалари ҳақида ҳам ўйлаб кўришимиз керак. Марказий Комитетда ички ва ташқи сиёсатнинг энг муҳим йўналишлари бўйича комиссиялар тузиб, уларда Марказий Комитет аъзолари мунтазам иш олиб борсалар яхши бўлмасмикан? Шунда партия аппарати ҳам ўзига муносиб ўринни эгаллайдиган бўлади.

Марказий Комитет аъзоларининг Сиёсий бюро ишида иштирокини ҳам кенгайтириш керакка ўхшайди. Бундай қилинмаётир, деб айта олмайман. Лекин ҳозирча бу иштирок кўп даражада пойтахт аппарати, идоралар ва илмий муассасалар ходимлари билан чекланаётир.

Сиёсий бюронинг ўз фаолияти ҳақида Марказий Комитет Пленумларида ҳисобот ва ахборот бериб туришлари мунтазам бўлиб қолиши керак.

Партия комитетлари, сайлаб қўйиладиган органлар тўлақонли иш олиб боришлари ва Уставимизда ёзилган ҳамма ҳуқуқлардан фойдалана олишлари учун уларни шакллантиришнинг тартибини кескин янгилаш керак. Бу — сайлаб қўйиладиган ҳар қандай орган, шу жумладан партия органи фаоллигининг ҳал қилувчи омилидир. Ҳамма даражадаги сайловлар номозодларнинг кенг муҳокама қилинишини, баллашувни таъминлайдиган ва натижада ишга ҳақиқатан ҳам берилган, шубҳасиз обрўга эга бўлган ва қайта қуриш сиёсатини ўтказа оладиган талантли, муносиб кишилар сайланишини таъминлайдиган демократик вазиятда ўтиши лозим.

Муҳокама қилиниши, сўнгра эса овозга қўйилиши керак бўлган номзодни секретарь айтадиган, яхши деганда область, шаҳар, район партия комитетининг бюро аъзолари иштирокида шу номзод айтиладиган эскича ёндашувлардан фойдаланиб, бунга эришиб бўлмаса керак.

Шу муносабат билан, ўртоқлар, конференция муҳокамасига қўйидаги мулоҳазани қўймоқчимиз: охирги фикрни айтиш ҳуқуқини умумий йиғилиш ёки конференция делегатларига қолдирган ҳолда қуйи ташкилотларга конференция ёки съездга делегатлар сайлаш билан айни бир вақтда юқори партия органи составига номозодларни таклиф қилиш ҳуқуқи ҳам берилиши керак. Мунозара шуни кўрсатдики, коммунистлар барча партия комитетларига то КПСС Марказий Комитетигача сайловлар вақтида мавжуд мандатларга қараганда кўпроқ номзодлар кўрсатиш ҳуқуқига эга бўлишлари ҳақидаги, бунда номзоди кўрсатилган киши қандай лавозимни эгаллаши эмас, балки унинг қайта қуришдаги позицияси эътиборга олиниши кераклиги тўғрисидаги таклифни кўпчилик қатъиян қўллаб-қувватлади. **(Қарсаклар).**

Бизда ана шундай тартиб амал қилганида эди, конференциямиз делегатларни сайлаш вақтида ҳам рўй берган бир қатор ҳолларга йўл қўйилмаган бўлур эди.

Барча партия комитетлари учун ваколатларнинг ягона беш йиллик муддатини белгилаш. КПССда сайлаб қўйиладиган лавозимларни сурункасига икки муддат давомида эгаллаш билан чеклаш ҳақидаги, фавқулодда ҳоллардагина учинчи муддатга сайлашга йўл қўйиш тўғрисидаги таклиф ҳаммамизнинг эътиборини жалб қилди. Бу масалага қизиқиш тасодифий эмас, бунда коммунистларнинг ҳам, партиясизларнинг ҳам ўтмишда раҳбарлик лавозимларини узоқ вақт эгаллаб туриш сабабли йўл қўйилган бузилишлар хусусидаги ташвишлари намоён бўлди. Бизнинг тушунишимизча, бунда аслида уч хил муҳим нуқтаи назар айтилди. Баъзи ўртоқлар Тезислардаги таклифларни қўллаб-қувватламоқдалар. Бошқалари партиянинг барча бўғинларида сайлаб қўйиладиган лавозимларни эгаллашни кетма-кет икки муддат билан чеклашни ёқлаб чиқдилар. Ниҳоят, учинчи тоифадаги ўртоқлар сурункасига уч муддатга сайлаш ҳақидаги қоида фақат юқори бўғин учунгина йўл қўйилиши керак, деган фикрни айтишди. Қани, ўртоқлар, яна бир бор маслаҳатлашиб қарор қабул қилайлик.

2. ПАРТИЯ ВА ДАВЛАТ ОРГАНЛАРИ ВАЗИФАЛАРИНИ АНИҚ БЕЛГИЛАБ ОЛАЙЛИК

Партия ва давлат органлари вазифаларини аниқлаб олиш масаласининг тўғри ҳал этилиши ҳозирги шароитда партиянинг сиёсий авангард сифатидаги ролини идрок этиш учун ғоят катта аҳамиятга эга. КПСС Марказий Комитетининг бу хусусдаги позициялари Тезисларда баён қилинди ва ғоят манфаатдорлик билан муҳокама этилди. Бунинг сабаби маълум. Аслида сиёсий системамизнинг қайта қурилиши ҳам, умуман қайта қуришнинг муваффақияти ҳам ана шу масаланинг ҳал этилишига боғлиқ.

Мен бу ҳақда нима учун шу қадар аниқ гапиряпман? Бизнинг жамиятимиз жуда масъулиятли босқичда турибди. У чуқур ўзгаришлар жараёнига қадам қўйиб, ишончли сиёсий ва идеологик йўл-йўриқларга ҳар қачонгидан ҳам кўпроқ муҳтож бўлиб қолди. Ғоят катта назарий ва кадрлар потенциалига эга бўлган, халқ билан чамбарчас боғланган, ўз тажрибасини халқ оммасининг тажрибаси билан доимо қиёслаб ва бойитиб борадиган партиягина ана шундай йўл-йўриқларни, ижтимоий тараққиёт стратегиясини ишлаб чиқиши ва уни сиёсатда мужассамлаштириши мумкин.

В. И. Ленин гўё идора қилувчи партия меҳнаткашларнинг бошқа ташкилотларини писанд қилмасдан ёки уларнинг ўрнини босиб бевосита раҳбарлик қилиши керак, деган тасаввурларнинг зарарли эканлигини бир неча бор кўрсатиб, «партия (ва унинг Марказий Комитети) функциялари билан совет ҳокимиятининг функцияларини бир-биридан янада кўпроқ аниқ қилиб ажратиш»ни талаб қилган, ҳар қандай конкрет проблеманинг ҳал этилиши учун масъулиятни партия зиммасига юклаш йўлидаги интилишларни кескин танқид қилган, «конкрет бир майда ишни Сиёсий бюрога кўтариб келганликларини» қоралаган эди.

Шуни айтиш керакки, партия билан давлат ўртасида вазифани аниқлаб олиш масаласи жамиятимиз тарихининг турли босқичларида бир неча бор ўртага қўйилган эди, бунда мавжуд аҳволнинг нормал эмаслиги ва уни ленинча принцип асосида ўзгартириш зарурлиги тан олинган эди.

Шунга қарамай, иш яхши томонга ўзгариши у ёқда турсин, балки йил сайин тобора ёмонлашиб борган эди. Хўжалик ривожланишининг проблемалари мураккаблашиб борган сари партия бошқаришнинг хилма-хил вазифаларини ҳал этишга жалб қилинаверди, шунга мувофиқ унинг аппарати ҳам ўсаборди. Буйруқбозлик-маъмуриятчилик системасининг мантиқи ана шундай практикани сақлаш ва мустаҳкамлашни тақозо қилди. Бунинг устига баъзи кишилар ва тарихимизнинг айрим босқичлари тажрибасини рўкач қилиб, тараққиётимизнинг у ёки бу проблемаларини ҳал этишнинг энг самарали йўли гўё ана шунда, деб исботлашга уриндилар. Партия раҳбарлик ролининг ошиб бориши ҳақидаги қоида биринчи навбатда худди шу нарса билан боғланди.

Вазифаларни аниқлаб олиш проблемасини биз мамлакатга раҳбарликнинг юқори бўғинларидан бошлаб ҳал этишимиз керак деган фикрга қўшиласизлар, деб ўйлайман, ўртоқлар Мен давлат ҳокимияти ва бошқаришнинг юқори органлари ролини ошириш ҳақида гапириб ўтдим. Хўш, бундан партия, унинг Марказий Комитети ва Марказий Комитетнинг Сиёсий бюроси учун қандай хулоса келиб чиқади. Бу нарса, аввало, Марказий Комитет ва унинг Сиёсий бюроси сиёсий раҳбарлик органи сифатида иш олиб бориши ва ҳаракат қилишини тақозо этади. Ва, албатта, юқори ҳокимият ва бошқариш органлари ўрнини босишга йўл қўймаслик йўлидан қатъият билан бориш керак. СССР Олий Совети ва СССР Министрлар Совети қилиши керак бўлган ҳамма ишларни худди шуларнинг ўзлари бажаришлари зарур.

Партия ишлаб чиққан сиёсий йўлни, съездларнинг ва Марказий Комитет Пленумларининг қарорларини совет ҳокимияти органлари орқали амалга ошириш учун Марказий Комитет, унинг Сиёсий бюроси қайси механизмдан, қайси имкониятлардан фойдаланиши керак, — деган савол туғилади. Бу ўринда КПСС ўз сиёсий йўлини давлат ҳокимияти органларида, жамият турмушининг барча соҳаларида ишловчи коммунистлар орқали ўтказади, ленинча принципни тўла-тўкис рўёбга чиқариш керак. Барча партия ташкилотлари СССР Конституцияси ва Совет қонунларининг қатъий доирасида иш кўришлари лозим. Партия комитетларининг давлат, хўжалик органларига ва жамоат ташкилотларига тўғридан-тўғри кўрсатмалар бериладиган қарорлар қабул қилишини тўхтатиш керак.

Сайлаб қўйиладиган коллегияларнинг роли оширилиши, партия ва давлат органларининг вазифалари чегараланиши муносабати билан партия аппаратининг структураси ва составидаги ўзгаришлар масаласи амалий тарзда кўндаланг бўлиб қолди. Биз КПСС Марказий Комитети аппаратини қуйи партия органларининг аппаратини бошқарув тармоқлари бўйича ҳозиргидек бўлиб ташлашдан воз кечишимиз, унинг структурасини партиянинг ҳозирги шароитдаги вазифаларига мувофиқ қайта қуришимиз ва ходимлар сонини камайтиришимиз керак.

Партиянинг район ва шаҳар бўғинлари ҳақида алоҳида гапириб ўтмоқчиман. Уларнинг роли ҳамиша жуда муҳим бўлиб келди ва шундай бўлиб қолади. Янги талабларни эътиборга олиб, бу бўғинлар аппаратини тузишга диққат билан қараш, шу тарзда аппарат партия комитетларининг бевосита сиёсий, ташкилотчилик ва тарбиявий вазифаларини бажаришларида уларга яхшироқ ёрдам берадиган бўлиши лозим. Район ва шаҳар комитетлари энг муҳим нарсага — барча ишда доимо бошланғич партия ташкилотларига таянишга асосланиб иш тутишлари керак. Бунинг учун эса ўз фаолиятининг услуби ва методларини қатъиян ўзгартириши керак.

Чамаси, конференциядаги муҳокамани ва шу масалалар хусусидаги умумий позициямизни ишлаб чиқишни эътиборга олиб, яқин вақт ичидаёқ партия аппаратининг янги структурасини яратишга киришиш мумкин бўлур эди.

Ўртоқлар! Мана шу ҳамма таклифлардан кўзланган мақсад партия ички турмушнинг демократик принципларига изчиллик билан риоя этишдан, партиянинг жанговарлигини, унинг совет жамиятини революцион янгилаш жараёнларига бошчилик қилиш, қайта қуришда пешқадам бўлиш қобилиятини оширишдан иборатдир.

Умуман гап партиянинг ўзини-ўзи назорат қилиш, ўз ҳаракатларини танқидий таҳлил этиш қобилияти аввало ўз фаолиятида демократик централизм, коллективчилик, ишдаги коллегиаллик, ошкоралик принципи нақадар тўлиқ мужассамлаштирилишига боғлиқ эканлиги ҳақида бормоқда.

Яна бир гап бор, ўртоқлар! Шундай қилиб биз, минг афсуски, партия органларининг, партия кадрларининг анчагина қисмига ҳам юққан иллатга — бюрократизмга қақшатқич зарба уришни мўлжаллаяпмиз.

Бу иллат партия органлари ва партия кадрларининг меҳнаткашлардан ажралиб қолганлигида, улар халқнинг манфаатлари ва юмушларини кўзламай қўйганликларида кўриниб турибди. Ҳамма муаммоларни бирданига ҳал этишнинг бирдан-бир воситаси йўқ ва бўлиши ҳам мумкин эмас, албатта. Партия ички турмушнинг ленинча принципларини қайта тиклаш йўлидан қатъият ва изчиллик билан олға бормоқ керак.

Шу муносабат билан партиядаги контрол-ревизия иши ҳақида ҳам гапириб ўтмоқчиман. Мунозаранинг кўрсатишича, КПСС Марказий Комитетининг Тезисларида партия съезди сайлайдиган ва коммунистларнинг партия интизоми, КПСС Устави талабларига риоя этишини, партия ташкилотларининг молиявий ва хўжалик фаолиятини назорат қиладиган ягона контрол-ревизия органини тузиш тўғрисида баён этилган таклиф қўллаб-қувватланмоқда.

3. РЕВОЛЮЦИОН ҚАЙТА ҚУРИШ ОРҚАЛИ СОЦИАЛИЗМНИНГ ЯНГИ ҚИЁФАСИГА ЭРИШАЙЛИК

Ўртоқлар! Марказий Комитетнинг февраль Пленуми идеологиямизни янгилаш вазифасини туб иқтисодий ислоҳот ҳамда партия ва жамоат турмушини демократиялаш билан бир қаторга қўйди. Партия қайта қуриш мақсадларига эришишда идеология ишига нақадар муҳим аҳамият бераётганлиги шу тарзда таъкидланди.

Ижодий марксизм-ленинизм принципларидан чекиниш идеологияда асоратли из қолдирди. Унинг назарий савияси пасайди, пропаганда ишлари кўпинча турмуш реалликларига зид тарзда олиб борилди. Аслида идеология иши социализм тўғрисидаги догматик тасаввурларга хизмат қилди, воқеликка танқидий назар билан қарамайдиган бўлиб қолди ва шу тарзда турғунликка имкон бериб қўйди. Пропаганда турмушнинг энг ўткир муаммоларини четлаб ўтиб, дабдабали қуруқ гап ва мадҳиябозликка айланиб кетди, соф таомил тусини олди. Интеллектуал ташаббус бўғиб қўйилганлиги, догматизм, сўз билан ишнинг мос келмаслиги партиянинг ғоявий таъсири заифлашишига олиб келди.

Ўтган уч йил мобайнида ижтимоий онг кучайиб борди. Турмушимизнинг барча соҳаларидаги ишларнинг аҳволи ҳақида рўй-рост, танқидий гаплар бўлди. Жуда кўп йиллар, ҳатто ўн йиллар давомида биринчи марта биз ўзимизга ўзимиз ошкора ва ҳолисона, айни вақтда тараққиётимизнинг барча жиҳатлари билан узвий боғлиқ равишда назар ташладик, дея оламиз.

Манфаат эмас, балки тўғри гапни, ҳақиқатни излаш яна иззатлана бошлади, вақтинчалик ўзгаришларга қараб иш тутиш эмас, балки холисона дадил тадқиқотлар яна қадрлана бошлади. Келажак учун ҳаммага ибратли хулоса шу: турмуш ҳақиқати бўлмаса, илмий жиҳатдан тўғри гаплар ва бадиий кашфиётлар бўлмаса, сермазмун, хилма-хил маънавий турмуш ҳам йўқ ва бўлиши мумкин эмас, чинакамига

М. С. ГОРБАЧЕВ ДОКЛАДИ

(Охири. Бошн 2-, 3-, 4-, 5-, 6- ва 7-бетларда).

Шубҳасиз, кейинги йилларда ачинарли ва ҳатто ғожиали ғаплар, қайғу, алам, ўкинч ва норозилик туғдирувчи ғаплар кўп айтилди. Буларни билмаслик, улардан хабардор бўлмаслик, албатта, беташвишдир. Аммо бундай ёндашув замирида қайта қуришнинг муваффақияти учун жуда зарур бўлган инсоннинг революцион онги, гражданлик позицияси, мардлиги ва юксак масъулияти юзага келмайди. Айни шу боисдан партия ўтмишни танқидий қайта кўриб чиқишга, тарихий ҳақиқатни қайта тиклашга, ноҳақ сиёсий айбловлар ва бедодликлар қурбони бўлган кишиларни оқлашга дадил киришди. Бу ишни давом эттирмоқ лозим.

Биронта саволга жавоб беришдан бўйин товламаслик керак, бу саволлардан қўл силташ мумкин, деган шубҳа бўлмаслиги керак. Ғап бизнинг партиявий шон-шарафимиз ва виждонимиз ҳақида, Ленин партиясининг интеллектуал қадр-қиммати ҳақида бормоқда.

Ҳақиқатга йўл очиш жўн ва осон иш эмас, аммо мафкуравий бадастирлик шароитида яшайдиган, ҳақиқат менинг қўлимда ва уни ҳар куни қўлга киритиш керак эмас, балки пўлат сандиқдан олинаверади, деб ҳисоблайдиган партия — мана шундай партия ўзининг маънавий ва ахлоқий обрў-эътиборидан, ўзининг революцион характеридан ва жамиятнинг сиёсий авангарди бўлиш қобилиятидан маҳрум бўлиб қолиши мумкин.

Бизнинг ижтимоий онгимиз, совет кишисига хос бўлган кўпгина ажойиб фазилатлар бор. Бу — ҳақ ғап. Шундай бўлса-да, ҳозир биз одамларни ташаббускорлик, мустақиллик, янгиликка сидқидилдан интилиш, унга эҳтиёж сезиш руҳида аниқ мақсадни кўзлаб тарбиялаш зарур, деган масалани қўймоқдамиз. Шундай қилмай туриб, қайта қуришнинг янги марраларини эгаллаб бўлмайди. Жамият турмушининг демократик усулларига таянган тақдирдагина шу фазилатларни тарбиялаш мумкин.

Қайта қуриш ошкораликни турмушнинг олдинги маррасига чиқариб қўйди, ошкоралик жуда турли шаклларда —давлат ва жамоат ташкилотларининг ишида, йиғилишлар, митингларда, илмий ва ижодий конференцияларда, одамларнинг гурунгларида рўёбга чиқмоқда. Ҳозир оммавий ахборот воситалари ижтимоий фикрнинг қудратли минбари бўлиб майдонга чиқмоқда. Улар тарихий ҳақиқат ва адолатни қайта тиклаш, қамчилик ва нуқсонларни танқид қилиш, қайта қуриш тажрибасини оммалаштириш. одамларда янгичасига, ижодий собитқадам фикрлаш ва ҳаракат қилиш маҳоратини ҳосил этиш учун кўп иш қилди.

Аммо ҳозир олға бориш керак. Биз партия матбуотининг янги сифатига, унинг сиёсий билим бериш ва ташкилотчилик роли янги сифатига эришмоғимиз керак. Ҳозир матбуотимиз қайта қуриш йўлидаги ҳаракатга халақит бераётган ҳамма иллатларни танқид қилиш руҳини пасайтирмай, жараёнларга чуқур кириб бориши, турмушимизнинг барча соҳаларида янги жамият қарор топишининг мураккаб диалектикасини, зиддиятлилигини таҳлил этиши керак. Бунинг учун эса кўп билим ҳам, кўп омилкорлик ҳам, кўп амалий иш ва масъулият ҳам керак бўлади. Матбуот бу вазифани жамиятнинг кенг доираларини жалб этиш, қайта қуришнинг ҳақиқий ишбошилари тажрибасини намуна қилиб кўрсатиш йўли билангина ҳал этиши мумкин.

Ошкораликсиз янгиланиб бўлмаслигига, ошкораликсиз биз шу қадар қисқа муддатда салбий ҳодисаларнинг сабабларини, уларни бартараф этиш йўлларини таҳлил этиш борасидаги жуда катта ишни қила олмаслигимизга, жамиятда янги маънавий сиёсий муҳитни вужудга келтира олмаслигимизга, қайта қуриш ғояларини олдинги ўринга чиқариб қўя олмаслигимизга энди ишонтириб ўтиришнинг ҳожати йўқ.

Ошкоралик ички ва халқаро сиёсатнинг ҳар қандай масалалари хусусида фикрларнинг ҳар хиллигини, турли нуқтаи назарларни эркин таққослашни, мунозараларни назарда тутади. Мана шундай ёндашилган тақдирдагина ошкоралик ўзининг ижтимоий ролини ўйнаши, халқ, социализм манфаатларига хизмат қилиши мумкин.

Бироқ демократиянинг ҳар қандай кўриниши каби ошкоралик фикрларни монополия қилиб олиш даъволарига, бизга кечаётган ақидалар ўрнига бошқаларини тиқиштиришга, гуруҳларнинг манфаатларига хизмат қилишга ва айниқса, фактларни сохталаштиришга, шахсий хусуматга мутлақо зиддир. **(Қарсаклар).** Танқид қилинган кишиларни аслида танқидга жавоб бериш имкониятидан маҳрум қилиш ҳаддан ташқари ғайридемократик бир ҳолдир. Бунинг нимаси ошкоралик! Мунозаралардан, йиғилишлардан, матбуот саҳифаларидан, телевидение экранларидан даҳанаки жанг қилиш, ҳақоратлаш ва ёрлиқлар осиш учун фойдаланиш эса мутлақо номақбулдир. **(Қарсаклар).**

Айни вақтда, ўртоқлар, танқидни бўғиш, ҳатто унинг учун ўч олиш ҳоллари ҳамон мавжудки, буни конференцияда дангал айтиб ўтиш керак. Биз партия ташкилотларида ҳам, меҳнат коллективларида ҳам, жамоат ташкилотларида ҳам, бошқарув аппаратида ҳам, оммавий ахборот воситаларига нисбатан ҳам шундай фактларга дуч келмоқдамиз. Кўпинча совет кишиларининг конкрет камчиликларни аниқлашдаги активлиги ва муросасизлиги, уларнинг эскилик ва масъулиятсизликка қарши, мансабдор шахсларнинг суиистеъмолчиликларига қарши чиқишлари баъзи кимсаларни ғазаблантирмоқда ва улар бунга қарши ҳаракат қилмоқдалар. Улар ҳақиқатни ҳимоя қилиб чиқаётган кишиларни силтаб ташлаётганликларини, ҳатто таъқиб қилаётганликларини яна кўриб турибмиз. Барча даражалардаги партия ташкилотлари билан партия комитетлари танқид ва ўз-ўзини танқидни ривожлантириш пособни бўлишлари, принципиал позицияларда туриб иш кўришлари лозим.

Ўртоқлар, биз сиёсий маданиятни тарбиялаш, инсоний муносабатларда маданийлик тўғрисида гапирганимизда бизнинг оммавий ахборот воситаларимиз жуда катта роль ўйнаши, шу жумладан ўз намунаси билан ғоят катта роль ўйнаши мумкин.

Конференциянинг ошкоралик тўғрисидаги резолюциясини тайёрлаш чоғида мана шуларнинг ҳаммасини назарда тутиш керакка ўхшайди.

Қайта қуришнинг ҳозирги босқичида партия сиёсий фаолиятининг яна бир идеологик жиҳати тўғрисида гапирмоқчиман. Ҳозир ҳақиқат ва адолатни қайта тиклаш, социалистик идеология ва практикани бузган нарсаларнинг ҳаммасидан воз кечиш, сийқа усуллар ва ақидаларни емириб ташлаш жараёнида баъзилар гўё бу — социализм принципларини, асосларини йўққа чиқариш, унинг тарихини қоралаш, деб даъво қилмоқдалар. Бунга қўшилиб бўлмайди, ўртоқлар. Мутлақо қўшилиб бўлмайди! **(Қарсаклар).** Қайта қуриш догматизм ва консерватизм тошига, кимларнингдир бидъатлари ва шахсий нафсониятига қоқилишига йўл қўйишга ҳақимиз йўқ. Гап мамлакат тақдири ҳақида, социализм тақдири тўғрисида боряпти. Зотан, биз вазиятнинг ўткирлигини ҳали англаб етмаган кишиларга уни тушунтириб беришимиз шарт. Ҳаммамиз учун энг асосий мана шу масалада муросасозлик бўлиши мумкин эмас. **(Қарсаклар).**

Бу ерда, конференцияда жуда аниқ қилиб шуни айтмоқчиманки, биз бундан буён ҳам барча чинакам социалистик қадриятларни ривожлантираверамиз, социализмнинг революцион назарияси ва қиёфасини бузган нарсаларнинг ҳаммасини қатъият билан бартараф этаверамиз.

Жўшқин мунозаралар ва эҳтиросларнинг қураши қувончли ва илҳомбахш муҳим бир ҳолатни юзага келтирди. Бу ҳолат қанчадан-қанча синовлар, қайғу-аламли вазиятлар ва ғожиали воқеалардан кейин халқимиз 1917 йилда танлаган тарихий йўл — социализм ғойасига танланган йўлнинг тўғрилигини янги куч билан тасдиқламоқда. **(Қарсаклар).**

Бир қаранг-а, эндиликда ҳар бир киши нимани ўйласа, шуни гапириши ва нимани хоҳласа, шуни айтиши мумкин. Фикрлар, мулоҳазалар, ҳис-туйғуларнинг мана шундай ғоят хилма-хиллиги ижтимоий турмушда мислсиз миқёсларда ва жуда хилма-хил формаларда ўз ифодасини топмоқда. Хўш, нима рўй берди? Биз муғомбирлик қилмай ва безаб кўрсатмай, шуни айта оламизки, шу вақт ичида биз эшитган фикр-мулоҳазалар қанчалик ўткир ва танқидий бўлмасин, совет халқи қайта қуриш давомида социализмни ёқлаб яна бир марта қатъий ва кучли овоз берди. **(Қарсаклар).**

Ҳа, биз 30-йилларда социализмни бузган ва 70-йилларда уни турғунликка олиб келган нарсаларнинг ҳаммасидан воз кечмоқдамиз. Аммо биз шундай социализмни истаймизки, у ўтмиш даврларнинг қалашиб кетган иллатларидан тозаланган ва шу билан бирга таълимотимиз асосчиларининг ижодий тафаккури бунёдга келтирган, халқнинг меҳнати ва куч-ғайрати билан турмушда мужассамлашган, унинг орзу-умидларини акс эттираётган барча энг яхши нарсаларни мерос қилиб оладиган бўлсин. Биз жаҳон ривожининг бутун илғор тажрибасини ўзига сингдириб, инсоният тараққиёти ютуқларига батамом таянадиган социализмни истаймиз.

Биз қайта қуриш орқали бораётган истиқболнинг конкрет қиёфасини ҳозир муфассал тасвирлаб беришнинг имкони йўқ, албатта. Бироқ, биз жамиятнинг сифат жиҳатидан янги ҳолати деб атаётган келажакнинг асосий белгиларини, энг муҳим хусусиятларини кўрсатиш мумкин ва лозим.

Уни кўрсатиш мумкин, чунки ижтимоий ўзгартишларнинг бош йўналишлари ва тенденциялари ҳозирдаёқ намоён бўлиб қолди. Уни кўрсатиш лозим, чунки аниқланган камчиликларни танқид қилиш, нимадан воз кечишимиз шартлигини англаш билан бир қаторда практикани социализмнинг пировард мақсадлари ва идеалларига яқинлаштириш йўллари ҳамда воситаларини белгилаб берадиган амалий, ижобий йўналишларга бўлган талаб-эҳтиёж ҳам шу қадар каттадир.

Биз социализмни чинакам, реал инсонпарварлик тузуми, деб биламиз, бунда инсон амалда «жамики нарсалар мезони»дир. Жамиятнинг экономикасидан бошлаб то маънавий-идеологик соҳасигача унинг бутун тараққиёти инсоннинг талаб-эҳтиёжларини қондиришга, уни уйғун камол топтиришга қаратилгандир. Шуларнинг ҳаммаси одамларнинг ўз меҳнати, ижоди, ғайрат-шижоати билан амалга оширилмоқда.

Биз социализмни фан-техника тараққиётининг энг яхши ютуқларига таянувчи ҳамда энг юқори меҳнат унумдорлигини таъминловчи самарали ва жўшқин экономикага; жамият эҳтиёжларини қондиришга бевосита бўйсундирилган, шу талаб-эҳтиёжларига таққос моослашадиган экономикага эга бўлган, тузум деб биламиз. Жамоат мулки билан шахсий мулкнинг, ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг хилма-хил формалари шундай экономиканинг асоси бўлиб, бунда меҳнаткашлар унинг реал соҳиблари бўлмоқда, иш ҳақининг меҳнат натижаларига бевосита боғлиқлиги таъминланмоқда. Экономикани планли бошқариш структуравий масалаларни ҳал этиш чоғида марказнинг ролини товар ишлаб чиқарувчи, хўжалик ҳисоби ва мустақиллик асосларида фаолият кўрсатиб, бозор учун ишловчи бирликлар сифатида ишлаб чиқариш бирликларининг кенг мустақиллиги билан узвий қўшиб олиб боришдан келиб чиқади.

Биз социализмни социал адолат тузуми, деб биламиз, бу тузумда инсоннинг меҳнат, соғлиқни сақлаш, маориф, уй-жой, социал таъминот соҳасидаги ҳаётий муҳим эҳтиёжларининг социал гарантиялари меҳнатга қараб тақсимлаш принципини изчил ўтказиш билан, текислочилик ва социал текислиқ ўрликнинг ҳар қандай формаларини батамом тугатиш билан қўшиб олиб борилади. Бу шундай жамиятки, унда инсоннинг қобилиятлари, самарали меҳнати, маҳорати ва истеъдоди ҳамма нарсадан юқори қадрланади ҳамда моддий ва маънавий жиҳатдан муносиб равишда тақдирланади.

Биз социализмни юксак маданиятли ва ахлоқли тузум, деб биламиз. Бу тузум инсоният маънавий камолотининг энг яхши ютуқларини, унинг бой маънавий тажрибасини мерос қилиб олиб кўпайтирмоқда. Бу — меҳнат аҳлининг турмуши моддий ва маънавий жиҳатдан тўлақонли ҳамда бой бўлган, истеъмолчиликни, ахлоқсизликни ва маданий қолоқликни рад этадиган жамиятдир. Юксак маданият тушунчаси жамиятнинг экология соҳасидаги маданиятини ҳам, одамлар турмуши ва ишлаб чиқариш фаолиятининг табиий шароитларига нисбатан эҳтиёткорлик билан оқилона муносабатда бўлишни, табиат бойликларини сақлаш ва кўпайтиришни ҳам ўз ичига олади.

Биз социализмни чинакам халқ ҳокимият тузуми, деб биламиз, бу тузумда меҳнаткашларнинг ҳаммасига ўз талаб-эҳтиёжлари ва манфаатларини изҳор этиш учун тўла имконият, ижтимоий жараёнларни бошқаришда қатнашиш таъминланмоқда, инсоннинг ҳокимиятдан бегоналашуви бартараф этилмоқда. Бу — халқнинг социалистик ўзини ўзи бошқариш жамияти, экономикани, социал жараёнларни бошқаришда чуқур ва изчил демократизм, қонунчилик, рўй-ростлик ва ошкоралик жамиятидир.

Биз социализмни барча миллат ва элатлар чинакам тенг бўлган, улар социал, маънавий жиҳатдан равнақ топиб, бирбирини ўзаро бойитаётган, миллатлараро адоватнинг, миллатчилик ва шовинистик хурофотларнинг ҳар қандай кўринишларига ўрин бўлмаган, халқлар интернационализми ва қардошлиги тантана қилаётган жамият, деб биламиз.

Ниҳоят, биз социализмни тинчликка, қардош социалистик мамлакатлар билан ҳамкорликни ва баҳамжиҳат ҳаракатни мустаҳкамлашга, барча халқлар ва давлатлар ўртасида тенг ҳуқуқлилик, бир-бирларининг ишларига аралашмаслик, халқларнинг ўз тақдирини ўзи белгилашдан иборат суверен ҳуқуқини эътироф этиш каби демократик принциплар асосидаги нормал, маданий муносабатларни йўлга қўйишга интилиш ўз табиатига ва манфаатларига узвий хос бўлган тузум, деб биламиз.

Коммунизм сари ҳаракатнинг муҳим босқичи бўлмиш жамиятимизнинг сифат жиҳатидан янги ҳолати тўғрисида гапирганимизда биз социализмнинг айни мана шундай демократик, инсонпарвар қиёфасини назарда тутамиз.

Келгуси йиллар мамлакатимиз истиқболини, совет тузуми тақдирини белгилаб беради. Биз учун ана шу истиқбол уни қандай яратсак, шундай бўлади. Уни биз ўзимиз яратамиз, биз учун ёки бизнинг ўрнимизга уни ҳеч ким яратмайди. Масала шу тахлитда турибди ва биз унга бевосита жавоб топишимиз шарт. Рўй-рост ва ғапларни чала қолдирмай ишлаётган нарса билан амалдаги нарсани, сўз билан ишни, субъектив тасаввурлар билан объектив воқеликларни ҳалол қиёслаб кўришдан бўйин товлашга уринмай, жавоб топишимиз шарт.

Совет халқи истиқболнинг равшан бўлишини истайди. Беками-кўст ва ҳеч сўзсиз демократияни, истисносиз қонунчиликни, катта ва кичик ҳамма ишларда ошкораликни, муносабатларда қардошлик ва ўртоқликни, меҳнатсеварлик ва истеъдод, ишга ва ижтимоий фаровонликка, бурчга садоқат билан хизмат қилиш ҳурмат қилинишини хоҳлайди. Бизга социал утопиялар эмас, балки ижтимоий ривожланиш тенденциялари равшан кўринишини учун, ўтмишда неча марталаб бўлганидек, кундалик икир-чикир ишлар ва хўжакўрсинга дабдабабозлик ҳаммаёқни босиб кетмаслиги учун ўзгаришларнинг барча босқичларида социалистикликнинг аниқ-пухта йўналишлари, объектив мезонлари керак.

Социал адолат жамиятини, эркин ва тенг ҳуқуқли кишилар цивилизациясини барпо этиш мумкинлигини илмий асослаб берган марксизм-ленинизм таълимотининг ҳаётийлигига ишончимиз комил. Биз революцион қайта қуриш давомида ҳам шунга амал қилмоқдамиз. Биз конференциямиз бошлаб бераётган унинг янги, ғоят муҳим босқичида ҳам шундай ҳаракат қилаверамиз! **(Қарсаклар).**

Ўртоқлар! Докладимни тамомлай туриб, конференциядан олдин бўлиб ўтган ва Марказий Комитет Тезислари эълон қилинганидан кейин айниқса кучайиб кетган мунозара тўғрисида умумий тарзда бир-икки оғиз гапириб ўтмоқчиман.

Шу қадар кенг, эҳтиросли ва самарали, амалий фикрлар, кўпдан-кўп таклифлар айтилган, баъзида фикр-мулоҳазаларнинг кескин тўқнашувлари рўй берган бундай мунозара партиямизда, жамиятимизда кўпдан буён бўлмаган эди. Аслини олганда, қайта қуришнинг, ижтимоий турмуш ва партия ички турмушини демократиялашнинг энг асосий масалалари мунозара марказида бўлди. Ғап амалда бир нарса ҳақида, у ҳам бўлса, бу ишларни қандай қилиб яхшироқ амалга ошириш тўғрисида борди.

Шуни тўппа-тўғри айтиш мумкинки, Марказий Комитет конференцияга тақдим этган таклифлар ва ғоялар партиянинг, бутун халқнинг коллектив тафаккури билан юзага келган.

Демократия кўпроқ, социализм кўпроқ бўлиши, меҳнаткаш инсоннинг яхшироқ яшаши, мамлакатнинг улуғворлиги ва бахт-саодати — бизнинг мақсадларимиздир.

Шу кунларда биз ана шу мақсадларга эришиш манфаатлари йўлидаги ишларнинг якунларини чиқаришимиз ҳамда қайта қуришга янги омил бағишлаши, уни муқаррар қилиши лозим бўлган ғоят катта аҳамиятга молик ҳужжатларни қабул қилишимиз лозим. Ҳар бир делегатнинг, бутун конференциямизнинг партия ва совет халқи олдидаги масъулият мезонини айни мана шу нарса белгилаб беради. **(Давомли қарсаклар).**

МОСКВА. 1988 йил 28 июнь. КПСС XIX Бутуниттифоқ конференцияси. Суратда: Тошкент области делегатлари Қизил майдонда. В. ЕГОРОВ ва В. МАСТЮКОВ телефотоси.

БИРИНЧИ КУН ТААССУРОТЛАРИ

«Қишлоқ ҳақиқати» махсус мухбири Т. МИРҲОДИЕВ Кремлнинг Съездлар саройида конференция делегати, Фарғона область Киров район партия комитетининг биринчи секретари Н. РАҲИМОВ билан суҳбатлашди

— Мана орзиқиб кутилган дақиқалар ҳам етиб келди. Насимбек Холиқбердиевич, дастлабки кун воқеалари сизда қандай таассурот қолдирганлиги хусусида гапириб бермасангиз.

— Умуман Москва тупроғига қадам қўйганимиздан буён ҳаммамизнинг қалбларимиз ҳаяжони қирғоқлардан тошганлигини таъкидлашим керак. Шу қадар меҳмоннавозлик, беҳад эътибор, катта ғамхўрлик учун жонажон пойтахтимизга ташаккурлар айтсак арзийди. Ҳа, конференция очилишини зўр умидворлик, катта қизиқиш, шодиёна кайфият билан кутардик. Михаил Сергеевич Горбачевнинг докладини қарийб беш минг делегат тин олмай тинглаганлигини, у ҳар бир кишида ниҳоятда чуқур таассурот қолдирганлигини таъкидламоқчиман. Бу ҳужжат марксча-ленинча назария ва амалиёт хазинасига қўшилган бебаҳо ҳисса бўлди деб ҳозирданоқ комил ишонч билдириб айтишим мумкин. Унда революцион янгиланиш жараёнининг жамики масалаларига аниқ-равшан жавоб қайтарилди. Айниқса партия комитетлари ва халқ ҳокимияти органлари ўртасидаги муносабатлар давр руҳига мос белгилаб берилганлиги диққатга сазовордир. Хуллас, докладнинг мағзини роса чақишимиз, унинг хулосаларини ўрганишимиз, таҳлил этишимиз, шароитимизга қараб жорий қилишимиз керак.

— Районингиз меҳнаткашлари улкан анжуманга қандай совғалар тайёрлашгани хусусида газетхонларимиз баъзи маълумотларни билишса яхши бўларди.

— Бутун республикамиз агросаноат комплекси ходимлари сингари кировликлар ҳам конференцияга тухфалар ҳозирлашди. Белгиланганидан 111 тонна кўп пилла топширилди. Гўшт, сут, тухум етиштириш ва давлатга сотиш ярим йиллик планлари бугун-эрта адо этилади. Қисқартирилган пахта майдонлари ўрнида сабзавот экинлари ўстирилмоқда, уларнинг ҳосили ёмон эмас. Боғроғлар тобора кенгаймоқда. Ана шуларни, аҳолининг ортиқча маҳсулотини харид қилишни кўзлаб консерва комбинати қуриш масаласини ўртага қўймоқчимиз. КПСС Марказий Комитети тезислари муҳокамаси жараёнида ана шундай таклиф тушганда, биз уни маъқулладик. Пахтакорларимиз ғўза парваришини зўр куч билан давом эттирмоқдалар. Биз қайтиб боргунча пайкалларни гул тўлиқ қоплаши аниқ.

— Партиявий ишда Марказий Комитетнинг 1985 йил апрель пленумидан сўнг қандай ўзгаришлар содир бўлди?

— Аввало хўжалик масалалари, турли-туман икир-чикирлар билан шуғулланишга қатъий чек қўйилди. Буйруқбозликка барҳам берилди. Бу эса коммунистларнинг, меҳнат аҳлининг маънавий-сиёсий савиясига ижобий таъсир кўрсатди, кадрларнинг, умуман одамларнинг кайфиятлари яхшиланди. Район партия комитетининг кейинги пленумида танқид ва ўз-ўзини танқидни ривожлантириш масаласи кўрилганлигини алоҳида таъкидламоқчиман. Қаранг-а, бугун Михаил Сергеевич бу хусусда алоҳида тўхталиб ўтди, танқидни бўғувчилар, уни таъқиб этувчиларга нисбатан муросасизлик кўрсатиш зарурлигини айтди. Сираси шуки, демократия, ошкоралик, изланиш — партиявий ишда, хўжалик ҳисоби, пудрат, бригада кенгашлари ва ҳоказо янгиликлар эса ишлаб чиқаришда ривож топаётганини ғоят фойдали ўзгаришлар деб ҳисоблайман. Бир мисол: районимизда дончилик бўйича 199 та, сабзавотчиликда 156 та, полизчиликда 142 та, ем-хашак етиштиришда 224 та, боғдорчиликда 53 та, узумчиликда 18 та, пахтачиликда 165 та оила пудратга кўчганлигини айтишнинг ўзи кифоя. Бунинг фойдасини изоҳлашнинг ҳожати йўқ. Сут-товар фермасида, ғунажинларни ўстиришда ҳам пудратга йўл очилди. Тўғри, ҳамма иш силлиқ бораётир деб бўлмайди. Нарх белгилаш соҳасида бирмунча адолатсизлик ҳукм сурмоқда, моддий-техника таъминотида чалкашликлар мавжуд. Лекин буларнинг ҳаммаси ечиладиган муаммоларки, хўжалик ташкилотлари шу йўлда шошилинч тадбирлар кўришяпти.

— КПСС Марказий Комитети тезислари муҳокамаси жараёнида анча-мунча таклифлар ўртага ташланган бўлса керак?

— Ҳа, коммунистлар, партиясизлар анчайин қимматли мулоҳазалар билдиришди. Айтайлик, бошланғич партия ташкилотларининг авангардлик ролини ошириш, раҳбар кадрларни танлашда адашмаслик, бунда демократияга, ошкоралик ва кенг йўл очиш истаги изҳор этилди. Жумладан, «СССР 60 йиллиги» совхозининг бўлим бошқарувчиси, Улуғ Ватан уруши ветерани, 1953 йилдан КПСС аъзоси Нурмат Турдиматов, бошланғич партия ташкилоти секретарининг статуси ишлаб чиқилса яхши бўларди, деди. «Москва» колхози правлениесининг раиси, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган пахтакор, 1943 йилдан КПСС аъзоси Мамаюнус Мадаминов шаҳар, район партия комитетларининг пленумларини бир йилда икки марта чақиришни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайди. Очиғи, бундай фикр-мулоҳазалар кўплаб тушдики, улар матбуотда ўртага қўйилган шу тоифадаги масалаларга мос келади. Умуман менинг нуқтаи назарим шундай: демократиялаш ва ошкоралик шароитида партиянинг кадрлар сиёсати жиддий тарзда янгиланиши, уларни танлаш, жой-жойига қўйишда расмиятчиликдан воз кечилиши, раҳбарликка коммунистларни ҳам, партиясизларни ҳам тавсия этиш таомилга киритилиши, улар коллектив талабига кўра очиқ ёки ёпиқ-яширин овоз бериш йўли билан сайланиши мақсадга мувофиқ.

— Бу ерда, Москвада дўстлар орттиришни, айрим масалаларни ҳал қилишни ҳам ўйлаб қўйган бўлсангиз керак?

— Шубҳасиз. Делегатликка сайлангандан, катта анжуманда қатнашгандан сўнг шундай бўлиши табиий. Биз бу ерга томоша учун эмас, ишлаш мақсадида келганмиз, ахир. Жумладан, қардош пахтакор республикалар вакиллари билан учрашмоқчиман, улардан партиявий иш тажрибасини ҳам, хўжаликка раҳбарлик сир-синоатини ҳам ўрганмоқчиман. Москва шаҳар партия ташкилотларида ўтказилиши кутилаётган учрашувлардан умидим катта. Ҳозирча бирор хулоса чиқариш қийин, аммо Москва биз учун улкан дорилфунун бўлишига ишончим комил.

— Демак, Ўзбекистонимизга қайтгач «Қишлоқ ҳақиқати» газетхонларига ўз таассуротларингиз ҳақида муфассал ҳикоя қилиб берарканси-да?

— Биз бир юз етмиш саккиз делегатмиз. Бошқалар қатори навбат тегса бу таклифингизга миннатдорчилик ила рози бўлардим. Лекин ҳозирча сиз вакили ҳисобланган газета мухлисларига биздан саломимизни, Киров райони меҳнаткашларидан унутилмас шу кунларда янада зўр ғайрат кўрсатиб ишлашни илтимос қилганлигимни етказишингизни сўрайман.

Редактор А. Ғ. МУХТОРОВ.

ЎЗБЕКИСТОН АРХИТЕКТУРАСИ КУНЛАРИ

Тошкентда бошланган Ўзбекистон архитектураси кунларининг программаси ранг-баранг. Республика меъморлари энг яхши лойиҳаларининг кўриги 27 июндан 4 июлгача давом қилади.

Байрам Тошкент политехника институтининг архитектура факультетида бошланди. Бу ерда студентлар ва дипломантларнинг ишлари кўргазмага қўйилиб, муҳокамадан ўтказилди, сўнгра Санъат саройида «Ўзбекистон шаҳарларини қуриш» виставкаси ҳамда Архитекторлар союзида «Ўзбекистон архитектураси ва шаҳарсозлиги» виставкалари тантанали равишда очилди.

Архитектура кунлари программасида Ҳамза номидаги театр лойиҳаси иккинчи давраси конкурс ишларининг муҳокамаси, етакчи меъморлар билан ижодкор союзлар вакилларининг учрашуви бор. Тошкентнинг бош архитектори ва район архитекторлари Чкалов номидаги авиасозлик бирлашмасининг ишчилари ҳузурига келиб, шаҳар қурилиши тўғрисида уларнинг фикрини эшитадилар. 30 июнь, пайшанба куни эса Тошкентнинг бош архитектура-планлаштириш бошқармаси томошабинлар учун эшикларини очади. Яна битта учрашув пионерлар лагерида бўлиб ўтади.

— Республикада архитектура кунлари иккинчи марта ўтказилянти, — деди Ўзбекистон Архитекторлар союзи правлениесининг раиси Т. Қодирова. — Байрамнинг асосий шартлари мулоқот ва ижодий жиҳатдан бир-бирини бойитишдан иборатдир. Меъморлар билан ҳалқ ўртасига бир вақтлар қўйилган ғояларни олиб ташлайдиган вақт келди. Лойиҳаларнинг жамоатчилик муҳокамалари чоғида айтиладиган талаблар, мулоҳазалар, янги ғоялар шаҳар ва қишлоқларимизни янада кўркамлаштиришга имкон беради.

Ўзбекистонда архитектура кунлари 1 июлда бўладиган халқаро архитектура кунларига тўғрилаб ўтказилмоқда.

(ЎзТАГ).

Телевидение

29 ИЮНЬ, ЧОРШАНБА

МТ-I 7.00 — «120 минут». 9.05 — Фидойи шахслар. 9.40 — «Қизил гиламдаги уч киши». Телеспектакль. 10.50 — Фильм-концерт. 16.00 — XIX Бутуниттифоқ партия конференциясида. 16.15 — «Келажакдан келган меҳмон». Бадиий фильм, 3-серия. 17.20 — Иқтисодий билимлар асослари. 17.50 — Шеърият лаҳзалари. 17.55 — Янгра, гармоним! 19.00 — XIX Бутуниттифоқ партия конференциясида. 19.15 — Сиз яратган боғ. 19.45 — Дунё воқеалари. 20.05 — Ҳамиша қадр ортида. 21.15 — XIX Бутуниттифоқ партия конференцияси кундалиги. 22.00 — XIX Бутуниттифоқ партия конференцияси делегатлари учун концерт. 24.00 — Время.

МТ-II. 9.00 — Гимнастика. 9.20 — Концерт. 9.50 — Ҳужжатли фильм. 10.20 — Немис тили. 10.50 — «Веснухиннинг фантазиялари». Бадиий фильм. 1-серия. 11.55 — Немис тили. 12.25 — «Бахмал мавсум». Бадиий фильм. 14.05 — Мультфильмлар. 14.30 — Янгиликлар. 14.40 — Ҳужжатли фильм. 15.30 — Янгиликлар. 18.45 — Теннис. Уимблдон турнири. 19.30 — Қишлоқ янгиликлари. 20.30 — Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.45 — ...16 ёшгача ва ундан катталар. 21.30 — П. И. Чайковский номли халқаро конкурс лауреатлари. 22.20 — «Иваннинг қайиғи». Бадиий фильм. 24.00 — Время.

ЎзТВ-I 14.30 — Ҳужжатли фильм. 15.10 — «Ҳар доим бўлсин қуёш!» 16.00 — XIX Бутуниттифоқ партия конференциясида. 16.15 — Пионерлар мамлакатида. 17.00 — Қайта қуриш: муаммолар ва изланишлар. 17.45 — «Юзма-юз». Телеспектакль. 1-қисм. 19.00 — XIX Бутуниттифоқ партия конференциясида. 19.15 — «Она қалби». Бир саҳнали балет. 20.00 — Ахборот. 20.20 — Ҳужжатли фильм. 20.30 — Ахборот. 20.50 — XIX Бутуниттифоқ партия конференцияси минбари. 21.10 — Ҳужжатли фильм. 21.15 — XIX Бутуниттифоқ партия конференцияси кундалиги. 22.00 — Концерт. 24.00 — Время.

ЎзТВ-II. 19.25 — Телефильм. 19.35 — «Қўқон воқеаси». Бадиий фильм 3-серия. 20.40 — Веш йиллик ишлар ва одамлар.

Р—09850. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. А. — 2031. Индекс: 64684. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12